Таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида талаба ишчанлик фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш, улarda тадбиркорлик кўнкимларини ривожлантиришга қаратилган бир катор норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадқизларнинг биркорлик улушкини кўпайтириш, унинг ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, ёшларни оиласи тадбиркорлик ва хусусий бизнесга жалб қилиш вазифалари ҳам кенг ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 3770-сон қарори қабул қилинди ва “тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш” муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Бу эса, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўнкимларининг шакллангантириш ва уни баҳолаш методикасини такомиллаштиришин тақозо этади. Талаба қизлар тадбиркорлик кўнкимаси – ижтимоий-иктисодий билимларни амалий фаолиятда қўллай олиш, оиласи тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик соҳасида маълум тажрибага эга бўлиш, фаолиятни ташкил этиш жараённида юзага келадиган муаммоларни кўра билиш ва бартараф этиш, инновацион гояларни излаш

ва ўйлаб топиш, топширикларни бажариш жараёнида қатый интизомга риоа қилиш ва үддабуронлик, шахсий қызықиши әртүрлілігін жамса манфаатлары билан үйгүнлаштырыш лаекаты йигинди. Талаба қизларда тадбиркорлық күникмасини шакллантириш – инновацион гояларни излаб топиш ва амалга ошириш, ностандарт вазияттарға мослаштырыш, ўз-ўзини назорат қилиш, ташки таъсирларға ўзининг шахсий фикри билан қарши тұра олиш, жавобарлық ва масъулиятни ўз зымесига олиш, аксиологик муносабат, фаолиятта тайёрлик, ўз-ўзини назорат қилиш, моддий маҳсулотларға әхтиёткорона муносабатда бўлиш, қўйилган мақсаддаг эришишдаги қатыйлик, ишга үддабуронлик билан ёндашиш, ташкилотчилик, коммуникативлик, ижодийлик, бошқарувга доир сифат ва хусусиятларни таркиб топтиришга йўналтирилган тизимли жараён. “Ўкувчиларда тадбиркорлық күникмаларини шакллантириш” тушунчасининг мазмуни (психологик, интеллектуал ва жараёнга доир) ва ўкувчиларни тадбиркорлық фаолиятта тайёрлаш тизимидан келиб чиқкан ҳолда, уларнинг мазкур фаолият турига шахсий тайёргарларигини баҳолаш мезонларини аниклаштыриш лозим. Тадқиқот натижалари асосида талаба қизларда тадбиркорлық күникмаларининг шаклланганлигини баҳолашнинг психологияк мезонлари сифатида куйидагилар аниклаштирилди: - шахснинг тадбиркорлық фаолиятга йўналганлиги; - тадбиркорлық фаолиятга қобилиятлилик; - тадбиркорлық фаолиятга мотивациянинг мавжудлиги ва қызықишилари даражаси; - мустақиллик. Мазкур санаб ўтилган мезонлар орасида бошқа фаолият турлари сингари тадбиркорлық күникмаларини шакллантиришда мотивация асосий роль ўйнаиди. Шахсий мотивлар ҳар бир ўкувчича учун хос бўлиб, ички ва ташки вазиятлар билан боғлиқликда намоён бўлади. Ана шу сабабли ўкувчиларда тадбиркорлық күникмаларини шакллантиришда унинг шахсий мотивларини тушуниш ва онгли равишида ошириб бориши мухим. Кутитланган натижага эришиш мақсаднинг аниқ белгиланишига боғлиқ. Тажрибалар шуну кўрсатадики, ўкувчича амалий фаолият жараёнида ёрдам берувчи ўкув материаллари унинг хоти-расида яхши сақланиб қолади. Ўкувчининг фаолиятта нисбатан мотивацияси ички йўналганлик билан боғлиқ бўлиб, у интроверт мотивация дейилади. Бунинг акси хисобланган экстраверт, яъни ташки мотивация мақсаднинг қўйилиши билан боғлиқ. Агар тадбиркорлық күникмаларини шакллантиришда мазкур мотивация турларининг үйғуналиги таъминланса, кутитланган натижага эришиш мумкин. Мотивацион йўналганлиги хулқ-авторнинг ҳаракатлантирувчи кучининг нимага сафар этилганлигини тушунишга имкон беради. Ўкувчиларда тадбиркорлық күникмаларини шаклланганлигини баҳолашда мотивация ва ўкувчининг қызықишилари даражаси мезонининг лаекат ва қызықиши, қобилиятлар, мустақилликка интилиш, ота-оналар, ўртоқларининг таъсири, миллий-худудий шарт-шароитлар каби кўрсаткичларини хисобга олиш лозим. Ўкувчиларда тадбиркорлық күникмаларини шакллантиришда мотивациянинг ўрни ҳакида гап кетар экан, албатта бу жараёнда ўкувчича маълум бир фаолият турига нисбатан әхтиёжнинг мавжудлигини ҳам аниклаша талаб этилади. Әхтиёж ички мотивларнинг тадбиркорлық фаолиятга йўналганлиги бўлиб, унинг асосий кўрсаткичи сифатида амалий фаолиятга иштирок этишга интилиш хизмат қиласи. Талаба қизларнинг тадбиркорлық фаолиятта қобилияты инновацион гояларни ўйлаб топиш ва уни амалга ошириш күникмалари орқали намоён бўлади. Мазкур мезон кўрсаткичларига гояларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, ностандарт вазияттарға мослаштыриш күникмасини киритиш мумкин. Мустақиллик – маълум бир ҳатти-харакатларни амалга ошириш ва масъулиятни ўз зымесига олиш. “Мустақиллик” тушунчаси ўзида қатор хусусиятларни акс эттиради: ўз-ўзини назорат қилиш, ташки таъсиirlарга ўзининг шахсий фикри билан қарши тұра олиш күникмаси, жавобар-

ликни ўз зиммасига олиш қобиляти. Ўқувчилардаги мустакилликни ташхис этишда уларнинг ўш хусусиятлари, диагностик фаолиятни ташкил этиш шакллари (индивидуал текшириш, ўйин вазиятлари, гурухий иш). Талаба қизлардаги мустакилликни аниқлаш анкета, тест, ўйин вазиятлари, моделлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Талаба қизлардаги мустакилликни ташхис этиш методикаси С.Гриншпун томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, куйидаги компонентлари аниқлаштирилган: 1. Шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширишдаги маънавий ахлоқий етуклиги: амалга оширилаётган хатти-ҳаракатнинг ҳаётйлиги, ижтимоийлик нұктай назаридан мумкинлиги ва ахлоқий нұктай назардан тұғрилигига ишончнинг мавжудлиги; шахсий-муносабат қадриятлари. 2. Компетентлилік – ижтимоий-иктисодий билимларни эгаллангандык, меңнат фаолиятiga тайёрланғанлық: коммуникатив қўнималар – инсонларни тушуниш, улар билан мулоқот ва ҳамкорлик; ижодкорлик – ишга ижодий муносабат, олдиндан қўра билиш, янгиликни хис этиш; • қарор қабул қилиш қўнимаси – ахборотни таҳлил этиши ва қайта ишлаш жараёни. 3. Ўз-ўзини назорат қилиш – ўз фаолиятини назорат килиш даражаси. Назорат ижтимоий мухитнинг объектив шартлари ва талабларига мувофик равишда ўзининг сифатлари ва эхтиёжларини ўзгартиришга ўрганишина имкон беради: аксиологик муносабат, фаолиятга тайёрлик, ўз-ўзини назорат қилиш.

Бутунги кунда хотин-қизлар ва эрқаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, хукук, мағкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида бўладиган ижтимоий жиҳатлари ўрганиб борилмоқда. Юкорида таъкидланган имкониятлардан келиб чиқиб, ўзбек миллий ҳалқ ҳунармандишилигини ўшларга ўргатиш ва уни ўқитиш бўйича Давлат таълим стандарт (ДТС)лари асосида янги дастурлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқилди. Сўнгти йилларда янги замонавий таълим муассасалари барпо этилди ва уларни замонавий ўкув анжомлари, техник воситалар билан таъминланди. Педагогика ОТМда технология таълими ўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда уларга ҳалқ амалий санъатини инновацион технологиялар асосида ўргатиш ва унинг методикасини яратиш педагогиканинг ОТМларида ўкув фаолиятини такомиллаштиришда мухим ўринга эга.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун бизнесга қўшилган аёлларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Тадбиркор аёлларнинг интеллектуал салоҳияти анча юкори. Улар турли хил билимларни мудаффакиятли эгаллашта кодир. Уларнинг фикрлашлари аник амалий ўналишга эга. Муаммоларни ҳал қилишда улар, биринчи навбатда, ақл-идрок билан бошқарилади. Ҳақиқий фактлар устунлик ролини ўйнайди. Аёллар баъзида уларга ўзларининг сезгиларига қараганда кўпроқ ишонишиади. Улар янги гояллардан бироз эхтиёт бўлишади. Барча ижобий ва салбий томонларни тортиб бўлгандан кейингина янгилик қабул қилинади ва амалга оширилади. Шунга қарамай, аёл интеллектида амалий очимларнинг энг мақбул танловини излашда мослашувчанлик ва самародорлик паст.

Аёл тадбиркорлар етакчилик салоҳиятига эга. Раҳбарнинг фазилатлари яхши ўзлаштирилган фаолият турларида катта даражада намоён бўлади, улар учун психологияк химоянинг муайян қўнималари ва шакллари аллакачон ишлаб чиқилган. Бизнес билан боғлик аёллар ҳар доим ҳам қарор қабул қилишда мустакилликни намоён этавермайди. Мухим дақиқаларда, танлаган вазиятларда улар масъулиятни атрофдаги одамлар билан бўлишишни афзал кўришади, улар нафакат ўз нұктай назарлари, балки

кўп жиҳатдан гурухнинг позицияси билан ҳам бошқарилади. Ўзига бўлган ишонч ва ташқи фаолликка қарамай, аёллар ички кўллаб-кувватлашга муҳтож, хавфсизлик учун ҳаракат қилишда давом етмоқдалар. Хавфсизлик хисси уларга гурух, атрофдаги одамлар томонидан берилади, улар билан муаммоларни ўртоқлашади ва шунинг учун жамиятимизнинг замонавий шароитида тадбиркорлик билан боғлиқ хиссий стресснинг оқибатларини сезиларли даражада енгиллашириади.

Қарама-қарши мослашиш усулларини танлаган тақкосланган аёллар гурухларининг мақсадли ҳаётий муносабатлари сезиларли даражада фарқ қилмайди. Истисно - бу тадбиркорлик билан шугууландиган аёлларнинг моддий хавфсизлиги ва фаол ҳаётий позициясига нисбатан аникроқ йўналиши. Тадбиркор аёллар учун рационализм, кучли ирода, бизнесдаги самарадорлик ва ўзини ўзи бошқариш каби фазилатлар муҳимдир. Бағрикенглик, сеизирлик ва меҳнацеварлик уччалик аҳамиятга ега емас Тадбиркорлик йўлини танлаган аёллар кўпроқ екстроверт, амалий, мақсадга йўналтирилган ва хиссий жиҳатдан барқарор.

Аёл тадбиркорлар етакчилик салоҳиятига ега. Раҳбарнинг фазилатлари яхши ўзлаштирилган фаолият турларидаги катта даражада намоён бўлади, улар учун психологияк ҳимоянинг муайян кўникмалари ва шакллари аллақачон ишлаб чиқилган. Бизнес билан боғлиқ аёллар ҳар доим ҳам карор қабул қилишда мустақилликни намоён етавермайди. Муҳим дақиқаларда, танлаган вазиятларда улар масъуиятни атрофдаги одамлар билан бўлишишини афзал кўришади, улар нафқат ўз нуткази назарлари, балки кўп жиҳатдан гурухнинг позицияси билан ҳам бошқарилади. Ўзига бўлган ишонч ва ташқи фаолликка қарамай, аёллар ички кўллаб-кувватлашга муҳтож, хавфсизлик учун ҳаракат қилишда давом етмоқдалар. Хавфсизлик хисси уларга гурух, атрофдаги одамлар томонидан берилади, улар билан муаммоларни ўртоқлашади ва шунинг учун жамиятимизнинг замонавий шароитида тадбиркорлик билан боғлиқ хиссий стресснинг оқибатларини сезиларли даражада енгиллашириади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараккىёт ва янгилиши сари. – Т.: Гафур Гулом номидаги наширӣ-матбаа изходжӣ уйи, 2017. – 92 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ти 3770-сон Қарори. // Конун кужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 08.06.2018 й., 07/18/3777/1325-сон.
3. Баженова С. Легко ли быть молодым предпринимателем? // Технология дела. 2012. - № 7–8. – С.34-38.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство Т. 2005.
5. Вишнякова И. В. Организационно-педагогические условия становления компетентности инженера в области менеджмента интеллектуальной собственности // Высшее образование сегодня. 2010. №10. С. 27-29.
6. Воронина Е.В. Педагогическая эргономика как отрасль науки Ишим. 2012.
7. Годник С.М. О сущности профессионально-педагогической деятельности. Воронеж.1992.
8. Sharipova G.S. Corporate basics of preparing students for professional pedagogical activity// International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) ISSN: 2509-0119.© 2019 International Journals of Sciences and High Technologies.
9. Шарипова Г.С. “Миллӣ либосларимиздаги накшлар таснифи” Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти. Таълим, ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, матбаа ишлаб чиқариш инновацион технологиялари долзарб муаммолари ва уларнинг ечими” мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент-2018 б.503-507.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, талаба – кизлар, аёллар ўртасида тадбиркорлик кўнинма ва малакаларин шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик аспектлари ёритиб берилган.

В статье рассмотрены педагогические аспекты формирования и развития предпринимательских навыков и умений у студенток с учетом специфики страны.

The article discusses the pedagogical aspects of the formation and development of entrepreneurial skills and abilities of female students, taking into account the specifics of the country.

◆◆◆◆◆

**БҰЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
КОНСТРУКТОРЛИК – ТЕХНОЛОГИК ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРГАРЛИГИННИҢ ТУЗИЛМАВИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ**

*Ражабова С.Ю.*

*Низомий номидагы ТДПУ доценттін в.б.*

**Таяныч сүзләр:** компетентлик, конструкторлык-технологик фаолият, мотивационно-кадриятли, ижодий-фаолиятли, операцион-технологик, рефлексив-баҳолаш.

**Ключевые слова:** компетенция, проектно-технологическая деятельность, мотивационно-ценностная, креативно-оперативная, оперативно-технологическая, рефлексивно-оценочная.

**Key words:** competence, design and technological activities, value motivation, creative and operational, operational and technological, reflexive-evaluative.

Бұлажак касб таълими ўқитувчиларини керакли билим ва құнімалар билан куроллантириш, ўз билимларини доимий ошириб боришига касбий педагогик компетентликка интилиш (узлуксиз таълим) ва бұлажак касбий фаолиятда уларни ижодий құллаш бўлажак педагог шахсининг касбий компетентлигини ривожлантириш имконини беради.

Замонавий педагогикада М.И.Дьяченко ва Л.А.Кандыбовиҹларнинг фаолиятга тайёргарлик концепцияси энг көң таркалған ҳисобланади. Улар тайёргарликни шахсий мухим сифат сифатида белгилайдилар. Бунда тайёргарлик маълум бир яхлитликни ўз ичига олади ва қуйидаги компонентлар: мотивацион (касбга ижодий муносабат, унга қизиқиша ва бошқа барқарор касбий мотивлар); йўналганлик (касбий фаолият шарт-шароитлари ва ўзига хос ҳусусиятлари ҳақида билим ва тасавурлар); операцион (касбий фаолият йўллари ва усууллари, зарурий билим, қўнімка ва малакалар, таҳлил жараёнлари, синтез, таккослаш, умумлаштириш ва бошқаларни билиш); иродали (ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнат вазифаларини бажариш бўйича ўз фаолиятини бошқара олиш); баҳолаш (ўзининг касбий тайёргарлигини ва оптималь меҳнат намуналарининг касбий вазифаларини бажариш жараёнига мослигини баҳолаш). Амалий фаолият тажрибаси шуну кўрсатадики, ушбу компонентлар касбий мухим, мақсадга йўналтирилган яхлит чора-тадбирлар мажмуини талаб килади.

Психологик ва педагогик адабиётлар таҳлили шуну кўрсатадики, биз бўлажак ўқитувчиларни конструкторлык-технологик фаолиятга тайёргарлашнинг қуйидаги таркибий компонентларини ишлаб чиқдик ва амалиётта жорий қилдик: мотивационно-кадриятли; ижодий-фаолиятли; конструктив, операцион ва технологик; рефлексиф-баҳолаш компонентлари.

Конструкторлык-технологик фаолиятга тайёргарлик компонентларининг шаклланганлиги касбий компетентликни ўзлаштириш ва тайёргарлик ҳолатини таъминлади. Биз бўлажак ўқитувчиларни конструкторлык – технологик фаолиятга тайёргарлигининг тузилмавий компонентларини аниқладик ва 1-жадвалда кўрсатиб ўтдик.

1-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларни конструкторлик – технологик фаолиятга тайёргарлиги-нинг тузилмавий компонентлари

Мезонлар	Конструкторлик - технологик фаолиятга тайёргарлик қўрасаткичлари
Мотивацион – қадриялти (талаблар, мотивлар, қадриялтар ва шахсий сифатлар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>Дизайн соҳасида бўлажак касбий фаолиятнинг ўзига хослиги ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш.</li> <li>Бўлажак касбий фаолият учун зарур бўлган компетентликларни эгаллаш учун мотивацияни шаклланганини.</li> <li>Конструкторлик–технологик фаолиятига кизиқишнинг мавжудлиги.</li> <li>Конструкторлик-технологик фаолиятга ижобий ва хиссий муносабат.</li> <li>Қадриялти муносабат ва шаклланган касбий сифатлар: ижодкорлик, компетентлик, ҳаракатлилик, киришувчанлик, билимдонлик.</li> <li>Шаклланган шахсий фазилатлар: таълим олиш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш, конструкторлик-технологик фаолиятда ўз-ўзини тасдиқлаш.</li> <li>Конструкторлик -технологик фаолиятда (портфолио) индивидуал ва шахсий талабларнинг намоён бўлиши.</li> </ol>
Ижодий – фаолиялти (конструкторлик-технологик фаолиятда кўнкма ва малакалардан ижодкорона фойдаланиш тажрибаси)	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ўзини конструкторлик -технологик фаолиятнинг ижодий субъекти сифатида англаши</li> <li>Конструкторлик-технологик фаолиятда касбий муаммоларни ижодий ҳал килиш қобилияти</li> <li>Бадий дизайн учун оригинал портфолио ишлаб чикиш, гоялар яратиш, оригинал ечимларни тақдим этиш қобилияти.</li> <li>Тадқикот ва лойиха ишларини мустақил ташкил этиш ва режалаштириш қобилияти.</li> <li>Якуний натижани олдиндан таҳмин килиш қобилияти.</li> <li>Конструкторлик-технологик фаолиятни ташкил этиш учун инновацион таълим технологияларини кўллаш қобилияти.</li> <li>Ижодий жамоада ишлаш билан боғлиқ мулоқот кўникмаларининг шаклланганини.</li> <li>Замонавий компьютер технологияларини кўллай олиш.</li> </ol>

Операцион – технологик (конструкторлик–технологик билим, күнімка ва компетентлик)	<p>Конструкторлық - график күнімалар ва воситаларни ижодий әгаллаш.</p> <p>2. Лойихаланған обьектта бұлған әхтиёжни ўрганиш, тарихий ва замонавий йұналиш, истеъмолчиларнинг сифат күрсаткычларини аниклаш.</p> <p>3. Яңги маҳсулотни ишлаб чиқишининг турли босқичларда турли ахборот манбаларини аниклаш ва таҳлил қилиш қобилияты.</p> <p>4. Истеъмолчи хусусиятлари ва эстетик сифатларини юкори даражада таъминлашни әзтиборга олган ҳолда буюмларни лойихалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, тайёрлаш қобилияты.</p> <p>5. Ижодий фикрни (фор-эскиз, ижодий эскиз, ишчи эскизлар) намойиш қилиш учун эскизларни тақдим этиш ва ишлатыш қобилияты.</p> <p>6. Маҳсулотларни таҳлил қилиш қобилияты (нұксонлар, уларнинг келиб чиқыш сабаблари ва бартараф этиш усууларини аниклаш).</p> <p>7. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рационал технологик кетма-кетligини яратыш қобилияты.</p> <p>8. Материаллар, замонавий жиһозлар, конструкцияларни танлашни әзтиборга олган ҳолда, технологик қайта ишлашнинг турли методларини құллаш.</p>
рефлексив – баҳолаш (рефлексияни амалга ошириш тәжрибаси ва конструкторлик–технологик фаолиятта ўз ўзини назорат қилиш)	<p>1. Конструкторлық- технологик фаолиятта ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириш қобилияты.</p> <p>2. Конструкторлық- технологик фаолият жараёнини режалаштириш жараённанда ўз-ўзини назорат қилиш қобилияты.</p> <p>3. Яңги маҳсулот яратыш ва лойихалашда ўз ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, назорат усууларидан фойдаланыш қобилияты.</p> <p>4. Конструкторлық- технологик фаолият натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш ва шахсий қасбий фаолият самарадорлығы асосида белгилаш қобилияты.</p> <p>5. Конструкторлық- технологик фаолият босқичларида ўз ўзини баҳолашни амалга ошириш қобилияты: лойихалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, юкори даражадаги истеъмолчи талаблари ва эстетик сифатларини әзтиборга олган ҳолда дизайн маҳсулотини тайёрлаш қобилияты.</p> <p>6. Ижодий фикрни (фор-эскиз, ижодий эскиз, ишчи эскизлар) намойиш қилиш учун эскизларни тақдим этиш ва ишлатыш қобилияты.</p> <p>7. Дизайн маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг технологик кетма-кетligини амалга ошириш қобилияты.</p> <p>8. Материаллар, жиһозлар, конструкцияларни танлашни әзтиборга олган ҳолда, технологик қайта ишлашнинг танланған методларини баҳолаш қобилияты.</p>

Тадқиқотчилар В.И.Байденко ва В.В.Грачеваларнинг фикрларига кўра, умумий ва касбий компетентликлар ўз ўрнида “яхлит бирлик”ни ташкил қиласди. “Касбий компетентликлар квалификациялар (босқичлар)ни таърифлаш, олий таълимнинг ўкув режалари ва дастурларини тузиш учун керак, умумий (универсал) компетентликлар касбий профилларни ўзгартириш ва мослаши имкониятини беради» .

Касбий компетентликлар конструкторлик – технологик фаолият жараёнида шаклланади ва намоён бўлади, натижада дизайн маҳсулотини олиш билан якунланади ва модел ҳолатида талабалар режали, дизайн, модел, тахмин, тадқиқот қилиш, ностандарт қарорлар кабул қилиш учун керак бўладиган портфолио яратиш учун шароитлар яратади, муаммоли вазиятларни ҳал қилишни ва кейинчалик конструкторлик - технологик фаолиятни, билим, кўникмани эгаллаш, ностандарт вазиятларда тажрибанинг шаклланishiга имкон яратади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга (мотивацион – қадриятли , ижодий – фаолиятли, конструктив, операцион – технологик ва рефлексив – баҳолаш) компетентлигига тайёргарлигининг таркибий компонентлари кўрсаткичларини таққослаш юз беради.

Шундай қилиб, мотивацион – қадриятли компонентнинг шаклланганлиги қуидаги касбий компетентликларни ўзлаштириш ва тайёргарликни таъминлайди:

- дизайн соҳасидаги бўлажак касбий фаолият ижтимоий аҳамиятини ва ўзига хос хусусиятларини тушуниш қобилияти;
- конструкторлик – технологик фаолиятда муваффакиятга эришиш учун портфолио яратища шахсий – индивидуал талабларнинг шаклланганлиги;
- конструкторлик – технологик фаолиятга ижодий ва ҳиссий муносабатни аниқлаш қобилияти;
- конструкторлик-технологик фаолиятга мотивациянинг шаклланганлиги ва қизиқишлиарни намоён бўлиш қобилияти;
- конструкторлик-технологик фаолият ва унинг субъектларига қадриятли муносабатни намойиш қилиш қобилияти;
- касбий сифатларни намоён қилиш қобилияти: ижодкорлик, компетентлик, ҳаракатчанлик, мулокот кўникмаларини, таълим олиш;
- шахсий сифатларни намойиш қилиш қобилияти: таълим олиш истаги, ўз-ўзини ривожлантириш, конструкторлик - технологик фаолиятда ўз-ўзини тасдиқлаш;
- дизайн соҳасида ишлаш учун тайёрлик.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик - технологик фаолиятга тайёргарлигининг ижодий – фаолиятли компонентининг шаклланганлиги қуидаги касбий компетентликларни ўзлаштириш ва тайёргарликни таъминлайди:

- ўзини конструкторлик – технологик фаолиятининг ижодкор субъекти сифатида англашга тайёрлик;
- конструкторлик – технологик фаолиятда касбий вазифаларни ижодий ҳал қилиш қобилияти;
- бадиий дизайн учун оригинал портфолио ишлаб чикиш, ғоялар яратиш, оригинал очимларни тақдим этиш қобилияти;
- тадқиқот ва лойиҳа ишларини мустакил ташкил этиш ва режалаштириш қобилияти;
- якуний натижани олдиндан тахмин қилиш қобилияти;
- конструкторлик -технологик фаолиятни ташкил этиш учун инновацион таълим технологияларини қўллаш қобилияти;

- ижодий жамоада ишлаш билан боғлиқ мулокот кўникмаларининг шаклланганилиги;
- замонавий компьютер технологияларини кўллай олиш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик фаолиятга тайёргарлигининг операцион – технологик компонентининг шаклланганилиги кўйидаги касбий компетентликларни ўзлаштириш ва тайёргарликни таъминлайди:

- конструкторлик - график кўникмалар ва воситаларни ижодий эгаллаш;
- лойихаланган обьектга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, тарихий ва замонавий йўналиш, истеъмолчиларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;
- янги маҳсулотни ишлаб чикишнинг турли боскичларида турли ахборот манбаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш қобилияти;
- истеъмолчи хусусиятлари ва эстетик сифатларини юкори даражада таъминлашни эътиборга олган ҳолда буюмларни лойихалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, тайёрлаш қобилияти;
- ижодий фикрни (фор-эскиз, ижодий эскиз, ишчи эскизлар) намойиш қилиш учун эскизларни тақдим этиш ва ишлатиш қобилияти;
- маҳсулотларни таҳлил қилиш қобилияти (нуксонлар, уларнинг келиб чикиш сабаблари ва бартараф этиш усусларини аниқлаш);
- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рационал технологик кетма-кетлигини (технологик харита) яратиш қобилияти;
- материаллар, замонавий жихозлар, конструкцияларни танлашни эътиборга олган ҳолда, технологик қайта ишлашнинг турли методларини кўллаш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг дизайн-технологик фаолиятга тайёргарлигининг рефлексив – баҳолаш компонентининг шаклланганилиги кўйидаги касбий компетентликларни ўзлаштириш ва тайёргарликни таъминлайди:

- конструкторлик - технологик фаолиятда ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириш қобилияти;
- конструкторлик-технологик фаолият жараёнини режалаштириш жараёнда ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти;
- янги маҳсулот яратиш ва лойихалашда ўз ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат, назорат усусларидан фойдаланиш қобилияти;
- конструкторлик-технологик фаолият натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш ва шахсий касбий фаолият самарадорлиги асосида белгилаш қобилияти;
- конструкторлик-технологик фаолият боскичларида ўз ўзини баҳолашни амалга ошириш қобилияти: лойихалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, юкори даражадаги истеъмолчи талаблари ва эстетик сифатларини эътиборга олган ҳолда дизайн маҳсулотини тайёрлаш қобилияти;
- ижодий фикрни (фор-эскиз, ижодий эскиз, ишчи эскизлар) намойиш қилиш учун эскизларни тақдим этиш ва ишлатиш қобилияти;
- дизайн маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг технологик кетма-кетлигини амалга ошириш қобилияти;
- материаллар, жихозлар, конструкцияларни танлашни эътиборга олган ҳолда, технологик қайта ишлашнинг танланган методларини баҳолаш қобилияти.

Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик фаолиятга тайёргарлигининг мотивациян - кадриялти, ижодий - фаолиятти, операцион - технологик ва рефлексив – баҳолаш компонентлари шаклланганилиги, дизайн – технологик фаолият учун керакли касбий - педагогик вазифаларни ҳал қилиш ва касбий компетентликни ўзлаштириш имконини беради. Тадқиқот ишида биз бўлажак

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида конструкторлик- технологик фаолиятни бўлажак касб таълими ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар, психологияк, педагогик ва маҳсус билимлар мажмуаси асосида педагогик фаолиятни амалга ошириш кобилияти, касбий компетентликлар ва мотивацион - қадриятли, ижодий - фаолиятли, операцион - технологик ва рефлексив – баҳолаш компонентлари бирлигидаги касб таълими ўқитувчининг барқарор шахсий сифатлари шаклланганлиги сифатида кўриб чиқдик.

#### Адабиётлар:

1. Орлов А.А. Компетентностный подход в высшем профессиональном образовании: монография [Текст] / под ред. А.А. Орлова, В.В. Грачева. – Тула: ТГПУ им. Л.Н. Толстого, 2012.– 261 с.
2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчининг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. – Т: 2007.
3. Дьяченко, М.И., Психологические проблемы готовности к деятельности [Текст] / М.И. Дьяченко, Л.А. Кандыбович. – Минск: Изд-во БГУ, 1976. – С. 41.
4. Зоиров.К.А. Политехническое основы формирования конструкторско-технологических знаний и умений у будущих учителей труда с применением компьютерной техники: Дисс.канд.пед.наук.-Т.1994.-146 с.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада бўлажак каб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик фаолиятга тай- ёргарлигининг тузилмавий (мативацион- қадриятли, ижодий-фаолиятли, операцион-технологик, рефлексив- баҳолаш) компонентлари ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены структурные составляющие компоненты (мотивационно-ценностный , деятельность-творческий, операционно-технологический , рефлексивно-оценочный) будущих учителей профессионального обучения по конструкторско-технологической деятельности.

#### SUMMARY

This article outlines the structural components of the components (motivational and value, activity and creative, operational and technological, reflexive and evaluative) of future teachers of vocational training in design and technological activities.

---

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАЊАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

*Арзиева Б.А.*

*Ажиниёз номидаги НДПИ таянч докторантни*

**Таянч сўзлар:** ўкув-тарбия жараёни, мањавиий-ахлоқий тарбия, тил ва маданият, нутк- фаолият, инновацион фаолият, .

**Ключевые слова:** учебно-воспитательный процесс, духовно-этическое воспитание, язык и культура, речевая деятельность, инновационная деятельность.

**Key words:** educational process, ethical and spiritual education, language and culture, speech activity, innovation activity.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида чукур сифат ўзгаришлари кечмоқда: ўрта таълимда қадриятлар ва сифат мезонлари ўзгарайти. Бу ўкувчиларга турли соҳалардан, шу жумладан мањавиий-ахлоқий жиҳатдан ўзлигини англаш фаолиятининг субъектига айланishi имконини берувчи таълим тизини ташкил этишининг янги моделларини топишни шарт килиб қўйди.

Моделлаштириш жараёни ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён ҳақидаги билимларни тизимлаштиришга ёрдам беради, уларни түлиқ тавсифлаш йўлини кўрсатади, компонентлар ўртасидаги нисбатан тўлиқроқ алоқаларни белгилайди, тўлиқроқ таснифлаш учун имконият беради ва х.

Одатда модельда мақсад, вазифалар, мазмун, тузилиш, функционал компонентлар ва натижга белгиланади. Ушбу тузилишга мувофиқ инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизимини асослашда биз педагогик модельлаштириш блокларни ажратиб кўрсатишимиш мумкин.

- Ўқувчилар маънавий-маърифий тарбиясининг ижтимоий, аҳамиятли ва шахсий мақсадларини кўрсатадиган мақсадлар блоки
- Ўқувчиларни маданиятлараро мулокот контекстида маънавий-маърифий тарбиялашга йўналтирилган инглиз тили таълимида фойдаланиладиган мазмунни саралаш амалга ошириладиган мазмун блоки
- Инглиз тилини маънавий-маърифий компетентлиликка йўналтириб ўқитишида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятнинг воситалари, таълим шакли ва технологияларини аниклаб берадиган технологик таъминот блоки;
- Таҳлил ва назорат блоки инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларни маънавий-маърифий тарбиялаш ўзлаштирилиши ҳақидаги информацияларни йигиш ва таҳлил қилиш методикасини ўз ичига олади.

Бизнинг тадқиқотимиз учун инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишини унинг шахсий камолоти, етук инсоннинг айланиш жараёни сифатида кўриб чиқиш жуда мухим. Шу билан бирга, «маънавиятнинг асосий жиҳатлари орасида субъективлик, дунёнинг англантан ходисаларини идеаллаштириш, кўп нарсаларни ўз ичига олувчи хусусият ажратиб кўрсатилади. Маънавиятларнинг мухим белгиси шуки, у олам ва одам ўртасидаги алоқани, уларнинг бу дунёни турли шаклларда идеал акс эттириш ва шунга мос равишида ўз ахлоқини қуриш қобилиятини амалга оширишини акс эттиради. Маънавият билишни, ўзлигини англашни, инсоннинг ташки олам ва ўзини хис қилишини, ўз олдига мақсад кўйиш ва шунга яраша ҳаракат қилишини англатади. Маънавийлик – индивидуал онгнинг ички томонга бурилиш қобилиятидир. Яни онгнинг ўзигагина асосланиб пайдо бўла олмайди. У инсоннинг ўзини англаши асосида пайдо бўлади. Маънавият – шахснинг мотивацияси ва хатти-ҳаракатининг маъносини тавсифловчи инсонга хос хусусиятдир, қадриятларни англашдир». Шундай килиб, маънавийлик бегаразлик, эркинлик, хиссиётлилик билан тавсифланади, унда инсоннинг оламни маънавий-ахлоқий ўзлаштиришининг юксак даражасига мансуб муаммолар жамланади ва кейинчалик ижтимоий-маданий ҳаётда рўёбга чиқади.

Миллатлараро алоқалар контекстида мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбиясини белгилайдиган концептуал қойдалар асосида биз яхлит педагогик жараён структурасига (мақсадлар, принциплар, мазмун, технологиялар, восита ва шакллар, натижалар) мос равишида инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш тизимининг моделини яратдик у қадрият-мақсадли, мазмунли, технологик, натижга-баҳолаш компонентлари билан алоқадорликда тақдим этилган.

Ташкилий жиҳатдан концептуал модель «жараёнлар-компонентлар»нинг бирлиги туфайли яхлитлик касб эта бошлайди:

1. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тажрибасини аниклаш, инглиз тилини ўрганиш мотивацияси, шахснинг шахсий-профессионал эҳтиёжлари ва қобилияtlарини аниклаш.

2. Ушбу мухитда назарда тутилаётган таълим жараёнининг қадрият-мақсадли

йўл-йўриқлари ва вазифаларини таърифлаш ва саралаш.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия: аксиологик, гносеологик ва конструктив-проектив тарбия модели асосида таълим ва тарбия мақсадларини амалга ошириш бўйича энг мақбул стратегияни ишлаб чикиш.

4. Инглиз тилини ўқитишида маънавий-ахлоқий тарбиянинг шунга мос мундарижасини ишлаб чикиш.

5. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг дастурий-мақсадли стратегияси доирасида таълим жараёнини технологик ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чикиш.

6. Мактаб таълим мухитида педагогик жараённинг методик таъминотини (модуллар, кейслар, методик-технологик пакетлар, ижодий лойиҳалар ва б.) яратиш.

7. Ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини технологик таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш, ўқув-тарбиявий технологияларни синовдан ўтказиш.

Юқорида биз инглиз тилини ўқитишининг мазмунини тушунчалар дискурси: ахборот макони, маданиятлараро алоқалар, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланиши орқали кўриб чиқдик. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг базавий концептлари икки даражали структурада тақдим этилган:

- она тилидаги матнлар ва уларнинг ўқувчилар томонидан инглиз тилида талкин қилиниши биринчи даражани ташкил қиласди;
- инглиз тилидаги матнлар ва уларнинг она тилидаги талкини – иккинчи даражада.

Айтиш жоизки, талкин варианatlари кўп ва матн шаклидаги эссе, савол-жавоблар, машқлар, тезислар, аннотациялар бўлиши мумкин. Иккинчи даражада чет (инглиз) тилидаги матнлар ва уларнинг ўзбек тилидаги талкинидан иборат блок сифатида берилган. Матнлар мазмуни янги шакллар билан бойитилган маънавий-ахлоқий маданият соҳаси, икки тилдаги маънени англаш билан долзарблик касб этади.

Ўқитувчининг вазифаси – ўқитувчининг фаолияти, шу жумладан ажратилган концептлар асосида улар учун тестлар тузиш билан боғлиқ равишда моделлаштириладиган предметли билиш мухитини яратишидир. Бунда ўқитувчи ўзининг автопоэзисини намуна сифатида яққол намоён килган ҳолда матнларни реал вактда ўзи тузгани маъкул. Ўқитувчи ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлилигини ривожлантиришга, ўкув амалиётини ҳамда она тили ва инглиз тилидаги нутқ атрибутларининг матнли кўринишини такомиллаштиришга ўйналтирилган билиш фаолиятини «ишга туширади».

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ушбу контекстда мустақил изланиши орқали таъминланадиган шахсни теран ривожлантириш маъносини касб этади, унинг дискурси тил (она тили ва инглиз тили) соҳаси билан аниклаштирилган.

Одатда инглиз тилини ўқитишидан кўзланган мақсад – ўқувчидаги «тил биладиган иккинчи шахс» хусусиятини ривожлантириш бўлиб, бу унга маданиятлараро алоқалар иштироқчиси бўлиши имконини беради. Ушбу мақсадни амалга ошириш – ўқувчидаги чет тили «техникаси»дан фойдаланиши кўнникасини ривожлантиришигина эмас, балки уни маданиятлараро даражада ўзаро тушуниш ва шунга мос мулоқот килиш учун зарур бўлган улкан ахборот билан «қуроллантириш», шунингдек, унда бошқа маданият вакиллари билан бевосита ба билвосита мулоқот қилиш имконини берувчи хусусиятларни ривожлантириш дегани ҳамdir.

Бундан ташкиари, ўқувчиларнинг икки, уч ва ундан ортиқ чет тилини ўрганиши муаммоси хам долзарб бўлиб бормоқда. Шу орқали дунёда хилмаяхил маданиятлар борлиги ҳақидаги тасаввурлар кенгаяди. Аммо дунёнинг маданий хилмаяхиллигини реал англаш даражаси уччалик юкори эмас. Факат она тилли ва чет тилли мамлакатлар маданиятини биргаликда ўрганилаётган жиҳатлар бўйича

хар хил ижтимоий қатламларнинг турмуш тарзи ва услуби вариантларини ўрганиш хақидагина гап бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлiği «ташқарига» ва «ичкарига» очиқлиқдир. У хамма нарсани камраб олади, кўп киррали, хамма жойда ва хамма нарсада мавжуд ва намоён бўлади. Айнан ҳар қандай маданиятнинг моҳияти – маънавият ва ахлоқдир. Бунинг устига маънавият турли ўлчовларда намоён бўлган: халқаро алоқалар маконида, интернет маконида, тил рангбаранглигига. Шунинг учун маънавий-ахлоқий соҳа тил таълими методологиясининг мағзидир. Маънавият теран тушунча, шундан келиб чиқиб инглиз тилини ўрганиши ихтиёрий билиш асосида амалга оширилади. Биз шахснинг маънавий-ахлоқий компетентлигигининг ривожланиши хамда унинг тил ва социомаданий соҳаси ўтасида бевосита алоқадорлик бор деб ўйлаймиз. Маънавият ҳамма одамларга хос архетипдир. Шу боис шахснинг доимий кучайтириб борилувчи маънавий-ахлоқий потенциали яхлитлик архетипи сифатида ҳар хил коммуникатив стратегиялар режимида амалга ошириладиган маданиятларро алоқанинг мумкинлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Шу таріқа коммуникациянинг маънавий-ахлоқий модели ҳакида гапириш мумкин, унда маънавиятга дунёнинг барча рангбаранглиги, шу жумладан тилларнинг турфалиги жо бўлган ноёб код сифатида қаралади. Кодни ечиш жараёни – маданий ва табиий оламнинг турли-туманлигини англашдир. Тил – маданиятнинг бир қисми. Тилин (инглиз тилини) ўрганиши кодни счиш, маънавият ва ахлоқ оламига шўғниш жараёнидир. Маънавият ҳар қандай инсоннинг қалбига тил орқали йўл топишнинг тимсолидир. Коммуникациянинг маънавий-ахлоқий моделини биз ўқувчилар инглиз тилини ўрганишининг методологик асоси сифатида белгилаймиз. Шундай қилиб, маданиятларро алоқалар маконида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлiği концепти моделнинг методологик функцияларини касб этади ва уни биз инглиз тилини ўқитишининг мазмуний асоси сифатида кўриб чиқамиз. Инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигигини ривожлантириш тизимининг концептуал модели кўйилган максадни амалга ошириш, уни амалга ошириш жараёнини структура ва яхлитлиқда кўриб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир қилувчи элементларини ажратиш, шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мактабдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016-йил якунлари ва 2017-йил истикбollaрнiga багишлиланган мажилисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутки:// Ташкент 2017-йил 1046
2. Абдурахманов Ш.А. Развитие педагогической науки в Республике Узбекистан // Молодой учёный. – 2017. - №1. - С. 428-430.
3. Ахмедова М.Т. Педагогик компетентлик. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. - 84 б.
4. Зеличенко А. Психология духовности. - М.: Издательство Трансперсонального Института, 1996. - 400 с.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси ва унинг аҳамияти, ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиши билан бирга маънавий ва маданий тарбия берниш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий маданиятнини шакллантириш модели, ўрни ва аҳамияти баён килинган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются понятие духовно-этического воспитания и его значение, а также модели формирования и его значение духовно-этической культуры учеников в преподавании английского языка.

This article deals with the concept of ethical-spiritual education and its importance. The formation model of the ethical-spiritual culture of the pupils in teaching English.

## ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Хайтметов Д.Т.*

*К. Беҳзод номидаги МРДИ катта ўқитувчisi*

*Маматкулова С.К.*

*К. Беҳзод номидаги МРДИ I-курс магистранти*

**Таяинч сўзлар:** сирланган кулолчилик, уста, марказ, услуб, хунарманд, анъана, буюм, мактаб, геометрик накш, шакл.

**Ключевые слова:** глазурованная керамика, мастер, центр, стиль, ремесленник, традиция, предмет, школа, геометрический узор, форма.

**Key words:** glazed ceramics, master, center, style, craftsman, tradition, subject, school, geometric pattern, shape.

ИНСОННИЯТ КУЛОЛЧИЛИК БИЛАН ЖУДА ҚАДИМДАН, НЕОЛИТ ДАВРИДАН БЕРИ ШУГУЛЛАНИБ КЕЛАДИ. ЎША ДАВРДАН БОШЛАБ ИНСОННИЯТ ҲАЁТНИНГ ҲАР БИР СОҲАСИДА КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАШГАН. КУЛОЛЧИЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТУПРОК ДУНЁНИНГ БАРЧА ЕРЛАРИДА МАВЖУДЛИГИ КУЛОЛЧИЛИКНИНГ КЕНГ ТАРКАЛИШИНИ ТАЪМИНЛАГАН. МАХСУС ТУПРОКНИ ЎТДА КИЗДИРГАНДА ТОШСИМОН БÜЛИБ ПИШИШИНИ, УНДАН ҲАР ХИЛ ИДИШЛАРТАЙЁРЛАШНИ ОДАМЛАР НЕОЛИТ ДАВРИНИНГ БОШЛАРИДАЁҚ БИЛГАНЛАР. УЛАР АВВАЛ ЛОЙДАН ИДИШ-ТОВОҚЛАР ЯСАБ, ГУЛХАНДА КИЗДИРИБ ПИШИРГАНЛАР. КУЛОЛЧИЛИК ЧАРХИ МИЛОДДАН АВВАЛГИ З МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ БОШЛАРИДА ИХТИРО ҚИЛИНГАНДАН КЕЙИН КУЛОЛЧИЛИК БИЛАН ЭРКАКЛАР ШУГУЛЛНАНА БОШЛАГАНЛАР. ҮНГАЧА КУЛОЛЧИЛИК БИЛАН АЭЛЛАР ШУГУЛЛАНГАНЛАР. ЗАМОНЛАР ҮТИШИ БИЛАН ИНСОНЛАР ОНГИ РИВОЖЛАНИШИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ УСЛУБИ ВА КУЛОЛЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНинг ТАКОМИЛЛАШИШИГА ОЛИБ КЕЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН КУЛОЛЧИЛИК САНЬЯТИНИНГ ЭНГ БОЙ МЕРОСИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН МАСКАН ҲИСБОЛАНАДИ. ИШЛАБ ЧИКАРИШ УСЛУБИ БҮЙИЧА КУЛОЛЧИЛИК ИККИТА АСОСИЙ ТУРГА БҮЛИНДИ: СИРЛАНГАН ВА СИРЛАНМАГАН КУЛОЛЧИЛИК. КУЛОЛЧИЛИК САНЬЯТИ АСАРЛАРИ СИРЛАНГАН ВА СИРЛАНМАГАН ИШ УСЛУБЛАРИ АСОСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИ. СИРЛАНМАГАН КУЛОЛЧИЛИК ҚАДИМ ТАРИХГА ЭГА. СИРЛАНМАГАН КУЛОЛЧИЛИК ҲАЖМИ ЖИҲАТИДАН КАТТА БҮЛГАН, ҲЎЖАЛИК УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН БУЮМЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ. БУЛАРГА СУВ ВА МЕВАЛАР СОЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ХУМЛАР, КЎЗАЛАР, НОН ёПИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАНДИР КАБИ ИДИШЛАР КИРАДИ.

ЎРГА ОСИЁНИНГ ЎЗБЕК ВА ТОЖИКЛАР ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАРИДА КУЛОЛЧИЛИК ТАРАККИЙ ЭТГАН. ХУСУСАН, ҚОРАТОҒ, ПАНЖАКЕНТ, САМАРҚАНД, КИТОБ, ШАҲРИСАБЗ, ФИЖДУВОН, ХОРАЗМ, ТОШКЕНТ, ФУРУМСАРОЙ, РИШТОНДА СОПОЛ ИДИШЛАРНИ СИРЛАБ БЕЗАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛГАН. БУ МАРКАЗЛАРДА ТАЙЁРЛАНГАН КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ ПИШИК, ЧИРОЙЛИ, ЎЗИГА ХОС НАФИС СИРЛАРИ, КЎРКМАН НАҚШЛАРИ БИЛАН ДИҚҚАТГАСАЗОВОР.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАДИМДАН ҲАР ВОХАНИНГ ХУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИБ ШАКЛЛАНГАН. VIII АСР ОХИРИ – IX АСР БОШИДА МОВАРОУННАРХ ШАҲАРЛАРИДА СИРЛАНГАН КУЛОЛЧИЛИК КЕНГ ТАРКАЛГАН. СИРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДА БАДИЙ КЎРИНИШГА ЭРИШИШДА СИРЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МУХИМ РОЛЬ ЎЙНАГАН. АВВАЛ ИШҚОРЛИ СИРЛАНИШ, СҮНГРА ҚАЛАЙ ВА КЎРГОШИНЛИ СИРЛАНИШ БЕРИЛГАН. ҲОЗИРГИ

кунда бадий безатиш услуги, буюмларнинг шакли ва тайёрланиш усулларига кўра қўйидаги йирик сирланган куолчилик мактаблари ва куолчилик ривожланиб бораётган марказлари мавжуд: Фарғона мактаби – асосий марказлари Риштон, Фурумсарой; Бухоро мактаби – асосий марказлари Бухоро, Фиждувон; Самарканд мактаби – асосий марказлари Ургут, Уба; Хоразм мактаби – асосий марказлари Мадр, Каттабоғ, Хива, Урганч.

Фарғона водийисининг асосий марказларидан бўлган Риштон куолчилик мактаби Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машхур ва қадимий марказлардан бири хисобланади. Фарғона водийисидаги барча куолчилик марказлари азалдан Риштон куолчилиги таъсири остида бўлган. Бунга бу туманда ҳар қандай турдаги буюмларни ясашга ярокли бўлган, алоҳида навли куолчилик гилининг мавжудлиги сабаб бўлган. Қизғиши-сарғиши рангли ажойиб гил Риштоннинг деярли бутун худудида 1–1,5м чукурлиқда қатлам бўлиб жойлашган. Ушбу гилнинг юкори сифатлилиги маҳаллий усталарни уни бошқа турдаги тупроқларга аралаштирасдан ишлаб чиқаришга жалб килиши имконини беради.

Куоллар Риштон якинидаги тоглардан ҳар хил бўёклар, кварци қум ва оловбардош гилларни қазиб олишган. Хоразм куолчилигидан фарқли равишида, Риштон куолчилиги идишларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Риштон куолчилигининг маҳаллий бадий хусусиятлари кўп ҳолларда маҳсулотларнинг безак декори билан тасвифланган. Риштон куолчилиги геометрик ва ислимий нақшлари, тимсолий белгилар, турли предмет тасвирлари билан ажралиб турган. Шу билан бир вактда аник предметли тасвирлар – чой идишлар, кўзалар, мусика асбоблари, курол ва пичоқлар тасвирлари киритилган. Кейинги йилларда Риштон сополи анъанавий бадий технологик усуслар асосида қайта тикланди. Ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга кўйилди. Риштон сополчилигининг маҳаллий бадий хусусиятлари кўп жиҳатдан буюмларга нақш берилишида кўзга ташланади. Риштон куолларининг изоди нозик ислимий нақшлари билан ажралиб туради. 1970–1990 йиллардаги куолчилик буюмларида эса турли геометрик безаклар кўп учрайди.

Риштонда ўрта асрларда йўқолиб кетган ганч – чинни ишлаб чиқариш техникасини XVIII асрда қайта тиклаган ака-ука Абдужалол ва Абдужамил ўз ишларининг буюк усталари хисобланган. XIX аср бошларида Риштоннинг куол маҳсулотлари нафақат Фарғона водийисида балки бутун Марказий Осиё бўйича юкори талабга эга бўлган. Шаҳар 300 нафардан ортиқ киши ишлайдиган 100 га якин куолчилик устахоналарини ўз ичига олган. Бу даврда Кўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ҳунармандлари билан узвий алоқалар ўрнатилиган.

Фарғона водийисининг яна бир бошқа маркази – Фурумсаройдир. Фурумсарой куолчилиги оқ-мовий безаги ва ўсимлиларни кўлланилиши билан алоҳида аҳамият каеб этади. Фурумсарой куолчилиги нақш-у нигорларининг йирик ва яхлитлиги билан Риштоннидан ажралиб туради.

Ушбу даврдаги куолчилик ишлаб чиқаришнинг йирик марказлари бўлиб Самарканд, Фиждувон, Бухоро, Денов шаҳарлари хисобланарди. Ошхона идиштоворкаларининг ассортименти ўз ичига турли шакл ва ҳажмдаги товоқ, хурма, хурмача, чоргуша, дугуша деб номланган қумғонлар, катта ва кичик ҳажмдаги, конструкцияси бўйича мураккаб ёки оддий идишлар – коса, шокоса, пиёла, кўза, офтоба ва бошқаларни олган. Коса ва кўзалар усталарнинг ихтиосслигини белгилаб берган. Косагар куол коса, шокоса, пиёла ва ясси идишлар – лаган, товоқ, тогора, бадия ва бошқаларни; кўзагар уста – турли шаклдаги қумғон ва кўзаларни ишлаб чиқарган. XIX асрнинг охиригача юкори сифатли сирланган ва нақшли чинни идишлар ҳам ишлаб чиқарилган.

Сирланган идишларни безашнинг кенг тарқалган усулларига мўйқалам билан чизилган «қалами» ва ангоб бўйича ўймакор техникасида бажарилган «чизма»лар киради. Чизма билан бир қаторда идишлар ёғоч еки лой қолиплардан олинадиган босма орнамент (нақшин колиб) билан ҳам безатилган. Қимматбаҳо бўлмаган идишлар нақшланганда нақшни ўйиб чизиш техникаси (харош) ишлатилган, бу усул ҳом намуналарда кўйдиришдан аввал қўлланилган (Самарқанд, Фиждувон, Үрметан). Кенг тарқалган усуллардан бири абр, абри баҳор (тож. «баҳорги булути»), бу усулда бўёқ идишни кўйдиришдан олдин сочилган. Шу даврдаги Гиждувон кулолчилиги орнаментининг ўзига хос хусусияти – ундаги зооморф тавсифдаги элементларнинг кўплигидир. Холбуки, кўргина расмлар геометрик, уларнинг номигина улар зооморф тавсифда келиб чиқсанлигини аниқлашга ёрдам беради.

Хоразм кулоллари ҳам ўй-рўзгор учун сопол идишлар ишлаб чиқариш, ҳам мезморий ўйма нақшларини ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар. Махаллий марказларнинг қайтарилмас нақшлари маҳсулотларнинг шакллари ва безак тамоилларида ифодаланган. Сопол идишларнинг кўп тарқалган тури «бадия» бўлиб, у вертикал кўтарилган чеккали катта идиш кўринишида бўлган.

Одатда бадиянинг ички кисми геометрик шакллар билан безалиб, у секинлик билан ўсимлик шоҳчаларига айланниб кетган. Идишларнинг тарқалган бошқа тури «гуппи» деб аталиб, улар сутдан сариёғишлаб чиқаришга мўлжалланган. Уларнинг вазифасига қараб, усталар безак беришган. XIX – XX асрлар бошида усталардан Б.Воисов, А.Палванов, Б.Атаниязов, И.Қаландаров, М.Мадаминов, К.Самандаров ва бошқалар машҳур бўлганлар.

Кулолчилиқда маълум бир тасвирнинг кучайиши жараёни кузатилган. Безак мажмуасида аниқ предметли тасвирлар – чойдиш, кўза, мусиқа асбобларидан тортиб, курол ва пичоқларгача киритилган. Бундай янгиликлар XIX аср охиirlарига келиб маълум стилистик ўзгаришларга олиб келади. Шунга қарамай, аввалги тимсол белгилари, геометрик ва ўсимлик нақшлари асосий нақш ролини ўйнаган.

Хива кулолчилиги мазмунига Россиядан келтирилган, фабрикаларда ишлаб чиқарилган чинни, фаянс идишлар ва газламалардаги тасвирларкatta таъсир кўрсатган. XX аср ўргатарида фабрикаларда ишлаб чиқилган бўёқлари ҳисобига ранглар палитраси кенгайди. Ишқорли сирлашда кўлланилган мумтоз совук гамма – феруза ранг – кўк – сиёҳ рангли гамма билан бир қаторда ялтироқ кўроғинли сирлаш орқали бажарилган ёркин полихром нақшлар кенг тарқалган. Бироқ XX асрнинг охирига келиб Хоразмда факат ишқорли сирланадиган идишлар ишлаб чиқарилган.

Хоразмкулол усталари қадимда ўзига хос технологияга эга бўлганлар. Улар кошин, бодия, хум ва бошқа кулолчилик маҳсулотлари устига бериладиган сирни тайёрлаш учун ёзнинг жазирама иссиқ ойларида кўм этакларга чиқиб ҳафталаб «чағон» ўсимлигини тўплаб уни ёқиб кулини олиб келганлар. Бу ўсимлиқдан ташкари «кора ўрок» айни ширага тўлган пайтида яшил патина ёқиб кулидан ишқор тайёрланган. Хоразмда бу каби қадимий санъат мактаблари авлоддан-авлодга анъана тарикасида ўтиб келган ва хозирги кунда ҳам ривожланиб, такомиллашиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, XX асрга келиб Ўзбекистон бадий сирланган кулолчилиги улкан тарихий йўлни босиб ўтган. Унинг тавсифи бир қатор омиллар – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, технологик ва бадий-эстетик омиллар билан белгиланади. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши эса маҳаллий марказларнинг ташкил бўлиши ва миллий анъаналарнинг изчиллик тавсифига таъсир кўрсатган. Шунингдек, ҳаёт тарзи ва хўжалик юритиш усули оламни танишнинг, моддий маданият билан узвий боғлиқ бўлган бадий хунармандчиликнинг

шакл ва усуллари тамойилларини вужудга келтириди. Барча ижтимоий трансформацияларга қарамай, анъанавий кулолчилик санъати аввалидик инсоният томонидан оламини англаш ва бадий-эстетик устиворликни ифодаловчи восита бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Булатов С.С., Аширова М.О. Амалий санъат кисқача лугати.– Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1992.
2. Тошхўжаева Д.В. Ашёлар технологияси. – Т.: Санъат, 2017.
3. Кулолчилик санъати тарихи. Ўкув кўлланма. – Навоий, 2018.
4. [www.hunar.uz](http://www.hunar.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

РЕЗЮМЕ

Маколада Ўзбекистон бадий кулолчилигининг ривожланишида кулолчилик мактабларининг ўрни, ҳозирги кундаги йирик кулолчилик мактабларининг бадий безатиш услуби, буюмларнинг шакли ва тайёрланиши усуллари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается роль школ керамики в развитии художественной керамики в Узбекистане, стиль художественного оформления крупных школ керамики сегодня, форма предметов и способы изготовления.

SUMMARY

The article describes the role of ceramics schools in the development of art ceramics in Uzbekistan, the style of artistic decoration of large ceramics schools today, the shape of objects and methods of production.

БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИКНИ ЎРГАТИШДА УСТОЗ-ШОГИРД  
АНЪАНАЛАРИ ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Гулямов К.М.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти доценти, педагогика фанлари номзоди

Солиева Д.Б.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва  
дизайн институти 1-курс магистранти

**Таяинч сўзлар:** устоз-шогирд, ижодий, хунарманд, кулолчилик, бадий таълим, тасвирий ва амалий санъат, анъана, лой.

**Ключевые слова:** наставничество, творчество, ремесленник, керамика, художественное образование, изобразительное и прикладное искусство, традиция, глина.

**Keywords:** teacher-student, creative, craftsman, pottery, art education, fine and applied arts, tradition, clay.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирмонович Мирзиёев жорий йил ижодкор зиёлилар билан учрашувда, санъат йўналишидаги олий таълим масканлари фаoliyatiini замон талабларига ҳамоҳанг ташкил этиши масалалари тўғрисидаги нуткида санъат, бадий таълимни янада такомиллаштириш, педагогларнинг касб маҳоратини муттасислар чархлаб бориш, билим даргоҳларида китобхонлик ҳамда устоз-шогирд анъаналарини кенг тарғиб этишга оид фикрлар билдириди. Юқорида келтирилган фикрларга ҳамоҳанг тарзда жамиятимиздаги барча соҳаларда, хусусан бадий таълимда «Устоз-шогирд» анъаналарини такомиллаштириш орқали келажакда юқори компетентли мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунгача маҳаллий мактаблар ва анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини саклаб қолган Ўзбекистонда ам-

лий санъатнинг энг қадимий, ниҳоятда қизиқарли турларидан бири бу бадий кулолчилик. Талабаларнинг бадий-ижодий қобилиятларини ошириш, бадий кулолчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари хақидаги тасаввурларини шакллантириши, мустақил ижод килиш, қадимдан ота-боболаримиздан илмий ва ижодий манба сифатида караладиган бадий кулолчилик санъати сир-асорларини ўрганишда устозшогирд анъаналари муҳим аҳамият қасб этади.

Республикамизда ҳалқ амалий безак санъати соҳаси қадимдан юксак даражада тарақкӣ этган бўлиб, ҳар бир даврда ўз мазмуни, шакли, характеристига эга алоҳида мактаблар юзага келган ҳамда уларнинг ўзига хос анъана ва услублари мавжуд бўлган. Ўтмишимиzinинг бадий-эстетик меросининг намуналарини комплекс тарзда ўрганиш, хусусан, тарих, таълим-тарбия назарияси ва тарихи, санъатшунослик соҳалари нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилиш орқали улардаги устоз-шогирдлик сир-асорлари, санъат педагогикасини англаб олиб, ушбу тажрибани мустақил Ватанимизнинг бўлажак қадрларини ҳар жиҳатдан етук қилиб тайёрлашда қўллашни замоннинг ўзи тақоюз этмоқда [4].

«Ўқитувчининг қасбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш жоизки, у энг аввало, ўз қасбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган шахс бўлмоғи талаб этилади. Бу шахса янги билимлар ва илфор тажрибаларга чанқоқлик, муҳими унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъийлик хусусиятлари яққол сезилиб турсин. Амалий ва тасвирий санъат ўқитувчиси маҳсус билим ва малақалар билан куролланмасдан ҳамда ўз соҳаси борасида юкори даражада компетентлиг бўлмай туриб муаллимлик қилиши мумкин эмас» [3].

«Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур, агар устоз рози – Тангри розидур», дейди Алишер Навой ҳазратлари. Устоз-шогирдлик тушунчаси юксак миллий қадриятларимиздан ҳисобланиб, бунда асрлар давомида шаклланган тартиб-коидаларга амал қилиб келинади. Ота ўз ўғлини устоззага шогирдликка бераркан, «эти сизники, суги бизники», дея лутф килган. Бу билан устоззага ўғлининг келаҷак тақдирини бус-бутун ишониб топшираётганини билдириган. Устоз ҳам шогирди тақдирига ўзини масъул билиб, бор иктидору хунарини унга юқтиришига интилган. Оилавий муҳитда етарли талабчанлик кўрмаган болани қатъий тартиб-коидага кўнистирган [5].

Мамлакатимиз ўзининг бой маданий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоги сифатида миллий анъаналаримизнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган. Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий ва амалий санъатига кўплаб ўш истеъод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият қўрсатадиган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, ҳалқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносаб ўрин эгаллашга интилиши тенденциялари кўзга ташланадиганини ижобий баҳолаш лозим. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-хуқуқий ҳамда моддий-техник базанинг мукаммал эмаслиги, малакалар етишмаслиги ва борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсир этмоқда. Юкорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, жамиятимиздаги барча соҳаларда «Устоз-шогирд» анъаналарини кенг тарғиб қилиш орқали кўплаб камчиликларни бартарафа килиш мумкин. Ёш кадрлар устоз кўмагида ўз қасбини етук мутахассиси бўлишини кўришимиз мумкин.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги

«Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини янада тacomиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3219-сон [1], 2019 йил 28 нозбрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-куватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сонли карор[2]ларининг қабул килиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мазкур карорларда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида жаҳондаги етакчи бадиий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, маданият ва санъат усталари ўртасида ўзаро фойдали тажрибалар алмашишини йўлга кўйиш мақсадида ҳар томонлама ижодий алокаларни ривожлантириш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси тизими-даги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни рағбатлантириш, болалар санъатини ривожлантириш, Ўзбекистон Бадиий академияси тизими-даги таълим муассасалари фаолиятида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта маҳсус таълим муассасалари учун бошлангич бадиий таълимни йўлга кўйиш режалаштирилган. Хусусан, мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиши, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласаларни хунармандчиликка кенг жалб этиши орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Нафакат, Ўзбекистон худудида балки бутун дунёда бугунги кун ёшларида касбий камолотга интилиш маънавий қадрияларни тиклаши ва ватанга садоқат туйгуларини ўстиришда «Устоз-шогирд» анъаналари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек халқ амалий санъати усталарининг яратилган маданий мерос, нодир асарлар миллий анъаналаримизни юксалтиришда мухим ўрин тутади. Хусусан, бадиий кулолчиликда устозлар анаъналари ёш ижодкорларга мисоли йўлчи юлдуз десак муболага бўлмайди. Ёш ижодкор ўз фаолиятини бошлар экан, аввало тарихга юзланади, ундан андоза олади. Бадиий кулолчилик санъатини ўрганиш ва давом эттиришда тажрибали устанинг билимлари мухим ўрин эгаллайди. Уста кулоллар лойдан мўжизакор гўзаллик яратиш, унга қадимий нақшлар – у ранг билан бадиий ишлов беришни ўз шогирдларига тадбик этадилар. Уста кулоллар томонидан бериладиган компетенцияларни талаба бошқа ҳеч қаердан ололмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам ушбу соҳада «Устоз-шогирд» анъаналарини тacomиллаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ҳамда Ғиждувон каби кулолчилик мактабларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Айниқса, Самарқанд, Бухоро кулолчилик мактаблари буюмларининг жарангдор нағислигининг сабаби кўргочинли сир ва сарғиши яшил, жигарранг бўёкларнинг қўлланилишида. Шунингдек, Афросиёб сополи анъаналарига асосланниб, тайёрланадиган буюмлар безагида ислимий (ўсимликсимон) нақшлар етакчилик қиласиди. Лекин ҳандасавий (геометрик) нақшлар хайвонлар тасвири кам ишлатилган.

Хозирги кунда бадиий кулолчилик санъати мактабларида тахсил олаётган талаба-ёшлар илк билимни устоздан олади. Устознинг талабага берган таълим-тарбияси орқали жамиятимиз учун етук кадрлар тайёрланади. Айниқса, бу анъана бизнинг таълим тизимимизда мукаммал кўринишга эгадир. Кулолчилик санъати доирасиад устоз шогирд анъаналарини сақлаган ҳолда мукаммал хунармандлар етишиб чиқади.

Оддий лойга ишлов бериш, уни турли хил шаклларга келтириш асносида ҳар бир жабхани устоз ўз билимлари ва тажрибалари асносида шогирдга қўрсатиб, тушунтириш орқали янги уста кулоллар тарбияланади.

Мисол учун, кулолчиликда асосий ҳом ашё тупрок хисобланади. Оддий кизил лой, кора тупрок, кўкимтири тупрок турлари мавжуд. Оддий кизил лойдан то санъат асари яралгунга қадар, лойга обдон ишлов берилади. Уни керакли шаклга олиб келинади. Сўнгра қутилилади ва маҳсус печларда пиширилади. Кейин тайёр бўлган сопол буюмга (лаган, кўза, ўйинчок в.х.к) бадий ишлов бериш бошқичи бошланади. Бадий ишлов бериш жараёни кулолнинг тажриба ва билимлари, ранглар мутаносиблигини белгилаши, нақшларни тўғри танлай олиши, гоявий жиҳатдан асарнинг бадий ечи мини топа олиш даражаси, устозининг амалий тарзда кўрсатган йўл-йўриклари асосида шаклланади. Шу тариқа кулолчилик соҳасида янги бир санъат асари яратилади.

Кулолчилик энг қадими санъат турларидан хисобланганлиги боис, юқорида санаб ўтган барча иш жараёнларини бажариш учун ва мукаммал санъат асарини яратиш учун устоз шогирд анъанаси таъсири мухим. Чунки шогирд кулол ўзи яратает-ган бадий композициясининг энг кичик деталларигача устозининг йўлидан юриши, берилаган топширикларни тўғри бажаришида устоз кўрсатмалари алоҳида аҳамият касб атади.

Шундай килиб, таълим-тарбия натижасида тарабалар нафақат назарий, балки амалий билимларга ҳам эга бўлиб, уларни амалиётта татбиқ этишини ўрганадилар. Хусусан, улар мустакил равишда ҳалқ амалий безак санъати асарларини яратадилар ва шу билан бу санъатни асраб-авайлашга, уни авлоддан авлодга ўтишига хисса кўшадилар.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 28 август, 34-сон, 876-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 29.11.2019 й., 07/19/4539/4094-сон.
3. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. – Т.: 1995. – 9 б.
4. Гулямов К.М. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТО'YTEPA PRINT, 2020. – 156 б.
5. <https://zamaxshariy.uz/>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадий кулолчиликнинг қадимији услугуб ва мактабларини асраб-авайлаш, ёш авлодга ўргатиш ва янада такомиллаштиришда устоз-шогирд анъаналарининг ўрни ҳақида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль традиций наставничество в сохранении древних стилей и школ художественной керамики, обучении и дальнейшем совершенствовании подрастающего поколения.

#### SUMMARY

This article discusses the role of teacher-student traditions in preserving the ancient styles and schools of artistic pottery, teaching and further improving the younger generation.

---

## ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНИ БАҲОЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

*Алланиязов А.Б.*

*Ажиниёз номидаги НДПИ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** қадриятлар, баҳолаш, тажриба, омиллар, ижобий муносабатлар, фаолият, дунёкарош, аждодларимиз мероси, инсоний сифатлар.

**Ключевые слова:** ценности, оценка, опыт, факторы, позитивное отношение, деятельность, мировоззрение, наследие предков, человеческие качества.

**Key words:** values, assessment, experience, factors, positive attitude, activity, worldview, heritage of ancestors, human qualities.

Үқувчиларда қадриятли муносабатлар тажрибасини ҳосил қилиш уларнинг интеллектуал құвватларини рүёбға чиқариша мухим ахамиятта ега. Үқувчиларнинг қадриятларни англаш имкониятларини көнгайтиришга хизмат қиладиган илмий билимларни иккى гурухға ажратиши мүмкін. Улар:

- а) амалий билимлар; б) назарий билимлар.

Мазкур билимлар объектив борлыкни ифодалаш құлами, ҳажми, чукурлиги, тұлқылығындағы құра үзаро фарқланади. Амалий билимлар нисбийлік, бир ёкламалик характеристига ега бўлиб, воқеликни тұлқы ифодалай олмайди. Назарий билимлар эса объектив борлыкни билишнинг олий маҳсулі сифатида намоён бўлади. Назарий билимларнинг асосини амалга оширилган тадқиқотларнинг уйғунлашган натижаси ташкил этади. Назарий билимлар фаннинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлар. Назарий билимлар юқори даражада тарқиб топган умумийлік характеристига ега. Шу билан бир қаторда улар абстрактлашган ва тизимлашгандир. Назарий билимлар ходисаларнинг умумлашгандығы ва көңгі камровлигини ифодалайди. Қадриятлар ҳақидаги назарий билимлар эвристик характеристега ега бўлгандығы учун ҳам янги далиллар ва конуниятларни қашф этиши имконини беради.

Үқувчиларда ҳосил бўладиган қадриятли муносабатлар тажрибасига оид билимларни баҳолашнинг турли йұналишларини ажратиши мүмкін. Бунда үқувчилар ўзлаштирган қадриятларга оид билимларидан фойдалана олиш ёки фойдалана олмаслини лаёқатларига таяннади. Бундай үқувчилар хиссиятларга бой, бирок, катьй нуткай назарга әгадирлар. Уларда қадриятларни билиш ва унга амал қилиш фаоллиги юксек даражада ривожланган. Шу билан бир қаторда, қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини субъектив тарзда баҳоловчи үқувчилар ҳам талайгина. Улар ўрганилаётган материалларнинг объектив жиҳатларини құра олиш лаёқатига ега эмаслар. Шунинг учун ҳам, уларни етарлича баҳолай олмайдилар. Бундай баҳолаш үқувчилар фаолиятида олдинни құра олмаслик ҳолатини вужудга келтиради. Аксарият ҳолларда қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини субъектив баҳолаш үқувчиларнинг доимий фаолиятларига айланади.

Жуда кам бўлсада қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини объектив баҳолаш күнікмасига ега бўлган үқувчилар учраб туради. Үқувчилардаги объектив баҳолаш күнікмалари ўз-ўзидан қийинчилекларсиз туғилмайди. Бу жараёнда үқувчилар турли ички зиддиятларни енгішларига тўғри келади. Муайян воқеа-ҳодисаларни баҳолаш вазияти вужудга келган ҳолатларда уларга үқувчи ижобий ҳамда салбий баҳо бериши күнікмасига ҳам ега бўлиши лозим. Бундай баҳолаш күнікмасига ега бўлган үқувчилар интеллектуал жиҳатдан ривожланган, қадриятли муносабатлар тажрибасини муайян даражада эгаллаган бўладилар. Уларнинг нуткап назарлари тўлалигича шаклланган бўлади. Факатина ҳар томонлама ривожланган қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросининг моҳиятини англаш ва идрок этиши орқали үқувчилар уни тўғри баҳолаш имкониятларига ега бўладилар. Бунда улар объектив конуниятларга таянадилар. Объектив воқеликка баҳо бера туриб, үқувчи ўзини шу воқеликнинг таркибий қисми сифатида хис килиади.

Қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини хис этиши, үқувчиларнинг атроф-оламни идрок этишлари натижасида уларнинг кайфиятлари, хиссиятлари, атрофдагиларга нисбатан муносабатлари ўзгаради. Үқувчилар

ўзларининг қадриятларга оид билимларига таянган ҳолда инсоннинг қадрият эканлигини хис этадилар. Бу эса, улар фаолиятининг муайян жиҳатларини аниқлашга кўмаклашади. Ўқувчилар қадриятларга мурожаат қиласр экан, уларнинг кайфиятлари, ҳиссийтлари, харакатлари ўзгаради. Ўқувчиларнинг қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини хис этиши имкониятлари куйдагиларда намоён бўлади:

1. Сифатига кўра, қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини хис этишининг турли қўринишларини фарқлаш имконини берадиган ҳиссийтлар;

2. Тезлигига кўра, ўқувчиларда ижобий хис-туйғуларни кўзгатадиган муносабатлар ва қадриятларнинг тавсиfi;

3. Давомийлигига кўра, муайян вақт давомида ўқувчиларда ижобий хис-туйғуларни уйғотадиган қадриятли муносабатларнинг вужудга келиши.

Ўқувчиларнинг ҳиссийтлари англанган ва англамаган ҳиссийтлар сифатида майларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ўринда эхтиёжларнинг иккитури фарқланади: физиологик эхтиёжлар ҳамда психологик эхтиёжлар. Мазкур эхтиёжларнинг ҳар иккаси ҳам ўқувчиларда қадриятли муносабатлар тажрибасининг шаклланишига кўмаклашади. Ўқувчилар ўз эхтиёжларини қондирганда баҳт ва муваффакият ҳиссини түядилар. Улар моддий борлик талабларини онгли ва ўз ҳиссийтларига асосланган ҳолда англшга бопшайдилар. Шундагина улар ўз лаёқатларини барча эхтиёжларни қондиришга йўналтирадилар. Агар бундай ҳиссийтларнинг амал қилиши натижасида ижобий имкониятлар вужудга келса, ўқувчилар бор кучлари билан харакат қиласдилар, ўзларини яхши томондан намоён этишига интиладилар ва атрофдагиларга нисбатан қадриятли муносабатда бўладилар. Агар ўқувчилар мазкур фаолиятга бефарқ бўлсалар, улар муваффакият қозонишларига кодир эмасликларини хис этадилар, мақсаддага эришиш ва фаолият кўрсатишдан кочишига интиладилар.

Руҳшунослар фаолият кўрсатиш жараёнида ўқувчилар хис этадиган бир қатор ҳолатларни кўрсатиб ўтганлар. Улар куйдагилар:

1. Ўқувчиларнинг ўз фаолиятларига тўлиқ киришганликлари;

2. Ўқувчилар ўзлари бажараётган фаолиятларига дикқатлари ва фикрларини тўлиқ мувофиқлаштирганликлари;

3. Ўқувчилар нимани яхши билишлари, ишнинг қайси нуқталарида қандай харакатларни амалга оширишни хис этишилари, ўзлари бажараётган фаолиятларининг асосий мақсадлари ва вазифаларини аниқ англашлари, мазкур харакатдан келиб чиқадиган талабларга тўлиқ бўйсўнишлари;

4. Ўқувчилар ўзларининг ишларини қанчалик яхши билишлари, бажаришларини аниқ идрок этишилари, ўз фаолиятлари орасидаги алоқадорликни англашлари;

5. Ўқувчиларда ўз хатолари, муваффакиятсизликларидан безовталаниш ҳиссининг ўқолиши;

6. Ўқувчиларнинг субъектив вақти орқада қолаётганлиги ҳамда жуда қисқалиги, объектив вақт эса, тез ўтиши ва уларни кутиб турмаслигини хис этишилари;

7. Ўқувчиларда ўзлари ва ўз атрофдагиларни аниқ англаш ҳиссининг ўқолиши;

8. Ўқувчиларда қадриятларни англаш ва қадриятли муносабатлар тажрибасининг ҳосил бўлиши кабилар.

Ўқувчилар ўзларини оламнинг ажралмас кисми сифатида хис этиши туйғулари хар доим улар ўз фаолиятларидан коникиш ҳиссини тухашлаганликларида намоён бўлади. Мақсадга мувофиқ ҳолда шаклланган ижобий дунёкараш ва қадриятли муносабатлар тажрибаси мазкур фаолиятга туртки беради. Шундай қилиб, қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини тушуниш ижобий дунёқарашнинг таркибий кисми сифатида намоён бўлади.

Қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини тажрибага асосланган ҳолда хис этиш түйгүси ўкувчиларда “Мен бу фаолиятни бажара оламан ва бажара олишим керак”, деган фикр вужудга келганды амалга ошади. Агар ўкувчиларнинг онгидаги талаблар ва ләшкетлар бир-бирини тақозо киласа, бу жараёнда талаблар ўкувчиларнинг имкониятларидан юкори бўлмаса, уларнинг фаолиятларида ички майллар хосил бўлади. Мазкур жараёнда ўкувчиларда хосил бўлган қадриятли муносабатлар тажрибаси барқарор, изчили ҳамда табиий характерга эга бўлади. Қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини тажрибага асосланган ҳолда хис этиш жараёнида ўкувчилар ўз танловларини ҳиссий жиҳатдан кўплаб-куватлайдилар.

Қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини хис этиш уни идрок этиш, тушуниш ҳамда баҳолаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай вазиятларда ўкувчилар онгидаги бир қатор жараёнилар амалга ошади.

Ўкувчилар ўзларининг индивидуалликлари, бетакоррликларини, ҳатто, ўзгарувчан ҳолатларда ҳам сақлашлари ва ўзларини ҳаётий фаолиятларининг асосий субъектлари сифатида намоён этишлари лозим. Ўкувчи ўзининг муайян нуқтаи назарга асосланган ижобий дунёкараши билан атрофлагилардан ажralиб туради. Бунинг учун, ўкувчилар турли-туман вазиятларда ўзларига қулай йўналиш топишлари лозим. Улар ҳар доим ўз танловлари учун маஸъул бўлишлари талаб этилади. Ўкувчи ўз нуқтаи назарини шакллантириши жараёнида кўпгина ёд ҳолатларга қарама-карши туриши керак.

Қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросини тушуниш, баҳолаш ҳамда хис этиш ўзаро алоқадор ва биргалиқда намоён бўладиган ҳолатлардир. Бунинг учун, ўзлаштирилган, хис этилган билимлар унга қатъйлик бағишлади. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида ўкувчиларнинг ижобий дунёкараши таркиб топади ва барқарор нуқтаи назар вужудга келади. Ижобий дунёкарашининг таркибий қисмларидан бирортасининг ўзгариши унга сезиларли таъсир кўрсатади. Уларни яхлит тизим сифатида шакллантириш ўкув жараёнининг мақсадларидан биридир. Бунинг учун, ўкувчиларда ижобий дунёкарашини шакллантириш ўкув жараёнининг асосий мақсади сифатида намоён бўлишига эришиш лозим.

Ўкувчи онгидаги қадриятларнинг яхлит тарзда акс этиши уларнинг ижобий дунёкарашларини тўлиқ шакллантириш имконини бермайди. Улар қадриятлар устида кенг кўламда фикрлаш, уларни табиий тарзда тушуниш, тизимлаштира олиш, гуруҳлаш ҳамда ўзаро ўйғунлаштириш кўнгилмаларига ҳам эга бўлишлари лозим. Қадриятларга ҳаққоний тарзда ёндашиш ўкувчиларда ижобий дунёкарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўкувчиларда ижобий дунёкарашининг ифодаланиши улар ўзлаштириган қадриятлар, инсоний сифатлар ва аждодларимиз меросининг ҳаққонийлигига бевосита боғлиқдир.

Ўкувчилар қадриятлар устида чукур ўйлаганды, мазкур қадриятлар таълим олувчиларнинг тажрибасига сингандагина бундай билимлар улар онгидаги мустаҳкамланади. Чунки, ўкувчиларнинг ижобий дунёкарашлари муайян қадриятлар устида чукур ўйландагига вужудга келади. Ўкувчилар ўз тажрибаларига синган қадриятлар, уларнинг таркибий қисми бўлган анъаналар ва аждодларимиз меросининг мазмун-моҳиятини чукур хис эта олишлари керак. Шунинг учун ҳам, қадриятлар ҳақидаги янги билимларни ўзлаштириш жараёни уларнинг моҳиятини чукур асослаш натижасида вужудга келади.

Ўкувчиларнинг ижобий дунёкарашлари турли соҳадаги билимларнинг ўйғунлашуви натижасида вужудга келади. Бунинг натижасида улар қадриятларни турли ўкув материаллари ёрдамида асослашга интиладилар. Шунга кўра, улар қадриятларни яхлит тарзда идрок этиш имкониятига эга бўладилар.

## Адабиётлар:

1. Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишининг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Пед...фан...ном...илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент: ТДПУ, 1998. – 316 б.

2. Махмудов С. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – 218 б.

3. Назаров К. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон Файлусуфлари Миллий жамияти, 2004. – 196 б.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада ўқувчиларда қадрияти муносабатлар тажрибасининг хосил бўлишига хизмат килидиган билимлар, тушунчалар, уларнинг хосил бўлиш имкониятлари, омиллари, уларнинг қадриятларни англанаш баҳолаш кўйникмалари тараққиёт ҳақида фикр юритилган. Ўқувчиларда қадрияти муносабатлар тажрибасини баҳолаш йўналишлари очиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается развитие знаний, концепций, возможности их формирования, факторы, а также их способность понимать и оценивать ценности, которые служат для формирования ценного опыта взаимоотношений у учащихся. Раскрываются направления для оценки ценного опыта взаимоотношений учащихся.

## SUMMARY

This article discusses the development of knowledge, concepts, the possibilities of their formation, factors, as well as their ability to understand and evaluate the values that serve to form a valuable experience of relationships among students. The directions for assessing the valuable experience of student relationships are revealed.

**YOSH AVLODNI TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA XALQ  
MAQOLLARNING O'RNI**

*Sharipova N.R.*

*NavDPI, o`qituvchi*

**Tayanch so`zlar:** odob-axloq, tarbiya, xalq og`zaki ijodi, ma`naviyat, maqol, urf-odat, ananalar, orzu-umidlari, ma`naviy-axloqiy qarashlari.

**Ключевые слова:** нравственность, воспитание, устное народное творчество, духовность, пословицы, обычаи, традиции, мечты, надежды, духовно-нравственные взгляды.

**Key words:** etiquette, upbringing, oral creativity of the people, spirituality, proverb, tradition, traditions, dreams, spiritual and moral views.

Bizni hamisha o`ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so`z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog`liq. Bugun zamон shiddat bilan o`zgaryapti. Bu o`zgarishlarni hammadan ham ko`proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o`z davrining talablari bilan uyg`un bo`lsin. Lekin ayni paytda o`zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug` zotlarning avlodimiz, degan da`vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o`zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan.

Bunga xalq og`zaki ijodi, pedagogikasi, mutafakkir, ma`rifatparvar pedagog va olimlarining tarbiyaga axloq-odobga doir g`oyalarini o`rgatib komil insomni ishlari amalga oshmoqda. “Kelajak bugundan boshlanadi” deydin dono xalqimiz. Yosh avlodni kelgusi hayoti uni inson qilib ko`rsatuvchi ruhiy va ma`naviy jarayonning mezonini belgilaydi. Bu borada ta`lim-tarbiya samaradorligini oshirish va dunyo talablarini darajasiga olib chiqish ta`limni ilg`or tajribalar asosida boyitib borish, yangi pedagogic tajribalar asosida olib borish ayniqsa muhimdir. Xalq musiqasi og`zaki ijodiyoti, an`analari, urf-odatlari asosida barkamol avlodni voyaga yetkazish ularni ko`proq o`z millatini sevishga g`ururlanishga sharqano g`oya va ta`limotlarni o`rganib ularni kelajakka tadbiq etishga zamin yaratiladi. Mustaqil Respublikamizda milliy madaniyatimizni o`ziga xosligini tiklash, maktabgacha

ta'lim tashkilotlarida, umumta'lim maktablarida ta'lim-tarbiya oluvchilarни badiiy, axloqiy tarbiyalash va kamol toptirish hozirgi kunda dolzarb vazifalardan biridir.

Ma'naviyat-inson ruhiy, aqliy olamini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, xuquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarini o'z ichiga oladi. Ma'naviyat atamasining asosida «ma'ni» so'zi yotadi. Ma'lumki, insонning ichki va tashqi olami mavjud. Tashqi olami uning bo'y-basti, ko'rinishi, kiyinishi va hatti-harakatlari kiradi. Ichki olamiga esa uning yashashdan maqsadi, fikr yuritishi, orzu-istiklari, intilishlari, his-tuyg'ularini o'z ichiga oladi. Insonning ana shunday ichki olami ma'naviyatdir. Ma'naviyat va axloq bir-biri bilan bog'liq bo'lib bir-birini to'ldiradi.

Axloq odamlarning bir-birlariga, jamiyatga, davlatga, xalq mulkiga, oilaga, ishlab chiqarish vositalariga, mehnat mahsulotlariga munosabatini muayyan tartibga solinadigan hatti – harakat qoidalarini tizimida namoyon bo'ladi.

Axloq kishidan har xil holatlarda qanday yo'llutish kerakligini yaxshi o'ylab, maqsadga muvofiq harakat qilishni talab etsa, odob o'z qoidalarining odat tusiga kirishini, ya'ni harqanday vaziyatda shu odatni namoyon qilishini taqozo etadi. Har bir odam xususida, odatda, uning faoliyatiga va ishi axloq talablari, turmush qoidalariga, jumladan, davlat qonunlariga muvofiq yoki xilof ekanligiga asoslanib muayyan fikr yuritiladi.

Asrlar davomida axloq-odob mavzusida qanchadan-qancha kitoblar, hikmatnomalar, ibratlari rivoyatlar yaratigan. Qadimgi faylasuflar, donishmandlar axloq-odobga juda katta baho berib, uni jamiyatning poydevori deb ataganlar. Shuning uchun ham jamiyat a'zosining xulqi-odobiga alohida e'tibor berilishi bejiz emas.

O'zbek xalq ijodi qamrovini hoyat keng, bag'oyat serqir va serjilo tushunchadir. U xalqning paydo bo'lishi bilan paydo bo'ladi va rivojlanadi. Unda xalqning orzu-umidları, qarashlari, hayoti keng bayon etiladi. O'zbek xalq og'zaki ijodi namunalaridan maql, topishmoq, tezaytish, qo'shiq, ertak, dostonlarda bola tarbiyasining ma'lum bir xususiyatini o'zida aks etadi.

O'zbek xalq og'zaki ijodida maqollarning o'mni beqiyosdir. Maqollar odamlarning hayoti va turmushi jarayonida to'plagan tajribalari, dunyoqarashi, o'zi yashab turgan ijtimoiy hayotga bo'lgan munosabati, o'tmish hayoti va uning ibratlari saboqlarini, umid va orzularini ifodalaydi. So'z san'atining mahsuli sifatida maqollar ifodalanadi. Maqollar xalq og'zaki ijodining bir turidir. Maqollarda xalqning turmush davomida to'plagan tajribalari natijasida yuzaga kelgan xulosalari ixcham va sodda tarzda bayon etilgan.

Alisher Navoiy o'zining ijodiy faoliyatida xalq og'zaki ijodini o'rganiib, kishilar hayotida maqolning naqadar muhim ahamiyatga ega ekanligi haqida to'xtalib shunday baytni yozadi: Kishiga necha mushkul hol,

Hikmatu aqlanga erur halol.

Kimki bilay desang maqolin angla,

Aslibilay desang oni angla.

Rus yozuvchisi L.N. Tolstoy maqollarni xalq orasida naqadar yuksak qadr-qimmatga ega ekanligiga to'xtalib shunday deydi: «Harbir maqolda men shu maqolni yaratgan xalq siymosimini ko'raman».

«Maqol» atamasi arabcha «kavlun» - gapirmoq, aytmoq so'zlaridan olingen bo'lib, ommanning muayyan voqe-a-hodisalar, voqelik haqidagi lo'nda xulosalarini ifodalaydi.[3.112b] Ularda fikr aniq, muayyan mantiqiy izchillikda, ba'zan to'g'ri, ba'zan ko'chma ma'noda ifodalanadi. Maqollardagi berilgan fikrlar faqtgina bitta shaxsga tegishli emas, balki keng xalq ommasiga qaratilgan. Maqollar ixcham, lekin mazmuni bir olam. Maqollarda xalqning orzu-umidları, ma'naviy-axloqiy qarashlari, muhabbat va nafrat, tarbiyaning barcha qirralari ifodalanadi. Shuning uchun ham bola tarbiyasida, xususan axloq-odobiga ijobji ta'sir etadi

- Odob - kishining zebu ziynati
- Odob – oltindan qimmat
- Bola aziz – odobi undan aziz.
- Odob bozorda sotilmas.
- Odobni beodobdan o’rgan.
- So’z kishining o’zagi,
- Odob kishining bezagi.
- Yaxshi boladan rahmat,
- Yomon boladan la’nat.
- Yaxshi xulq – kishining husni.

Maqollar xalqimizning nodir ma’naviy boyligi bo’lib, o’quvchilarda milliylikni tarbiyalashga, ularni o’zligini anglashga da’vat etadi hamda yosh bolalarning fikrlarini chuqur, ixcham, aniq va obrazli qilib ifodalashga o’rgatadi.

Maqollarda o’zbek xalqining turmush-tarzi, ma’naviy qiyofasi, e’tiqodi, odamlarga, tabiatga munosabati o’z ifodasini topgan. O’zbek xalqi doimo Vatanga sodiqlik, mardlik, qahramonlik, kamtarlik, samimiylik kabi yuksak axloqiy fazilatlarni yosh avlodga singdirishga alohida e’tabor berib kelgan.

O’zbek xalqining qon – qoniga singib ketgan hikmatlar, maqollar va matallar ham asrlar mobaynida xalq bilan birga yashaydi. Ayniqsa, o’zbek xalq maqollarida uchraydigan insoniylik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik va ishyoqmaslik, halollik va tekinox’rlik, to’g’ri va egrilik, yaxshilik va yomonlik,adolat, insof va insofsizlik, do’stlik va dushmanlik, botirlik va qo’rqoqlik, ilmlilik va ilmsizlik, xushyorlik va ehtiyyotsizlik kabi g’oyalalar nafaqat o’tmis avlodlarimizni, balki kelajak avlod yoshlarimizni tarbiyasida muhim rol o’ynaydi. O’zbek xalq maqollarida g’oyalar o’ziga xos tarzda o’z aksini topgan bo’lib, ular o’rtasidagi dialektik munosabatdan kelib chiqib yosh avlodni ma’naviy barkamol qilib tarbiyalashga doimiy e’tibor qaratilgan.

Folklor materiali bo’lgan maqollarda bolalarni barkamol qilib tarbiyalashning usul va vositalari uyg’unlashadi. Maqollarda pand-nasihat, eslatish, rag’batlantirish, ogohlantirish kabi metodlardan foydalilanadi.

Demak biz tarbiya beruvchi sifatida oilada, ta’lim maskanida, jamoat joylarda yosh avlod tarbiyasi uchun masul kishilarimiz. Ana shu imkoniyat farzandlarimizga xalqimiz me’rosini, urf-odatlarini, ananalarini boy merosini yetkazish uchun katta zamin yaratadi. Bolalarni maqollarda bayon qilingan pand-nasihat, insoniylik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik va ishyoqmaslik, halollik va tekinox’rlik, to’g’ri va egrilik, yaxshilik va yomonlik,adolat, insof va insofsizlik, do’stlik va dushmanlik, botirlik va qo’rqoqlik, ilmlilik va ilmsizlik, xushyorlik va ehtiyyotsizlik kabi insoniy sifatlar ta’sirida tarbiyalash harbir tarbiyachi va ota-onha uchun muhim vositadir.

#### Adabiyotlar:

1. I.Karimov «Yuksak ma’naviyat- engilmas kuch» T.: Sharq. 2008..82b
2. M.J.Mutalipova “Xalq pedagogikasi” “Fan texnologiya” nashriyoti. 2015
3. Musurmonov A. «Ta’lim-tarbiyada xalq og’zaki ijodidan foydalaniш». T: O’qituvchi, 1993.
4. Abdumurod Tilavov “Bolalarga gap uqtirish san’ati” “Sano standart” lash T-2016
5. www. Ziyonet.uz

#### РЕЗЮМЕ

Maqola yosh avlodni tarbiyalashda xalq pedagogikasining o’rnı haqida. Xalq og’zaki ijodi, an’analri, urf-odatlarini farzand tarbiyasidagi ta’siri borasidagi fikrlar. Maqollar va ularning yoshlar tarbiyasidagi o’rnı haqida fikrlar bilan yoritilgan.

#### РЕЗЮМЕ

Статья о роли народной педагогики в воспитании подрастающего поколения. Мысли о влиянии уст-

нного народного творчества, традиций, обычаяев на воспитание детей. Пословицы и размышления о их роли в воспитании молодежи.

SUMMARY

The article is about the role of folk pedagogy in the education of the younger generation. Thoughts on the influence of folk oral creativity, traditions, customs on the upbringing of children. Proverbs and their role in the education of young people are illuminated by thoughts.

---

## RAHBARLIK ETIKETI VA MUOMALA-MADANIYATI

*Shamiyeva O.R.*

*Navoiy davlat konchilik instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi dotsenti*

*Ermatova G.P.*

*Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta`lim kafedrasi katta o`qituvchisi*

**Tayanch so`zlar:** boshqaruv faoliyati, raharlar, rahbar ma`suliysi, madaniyati, muomalasi, ta`sir etish, munosabatlarni rivojlantirish, kommunikativlik, talabchanlik.

**Ключевые слова:** управленческая деятельность, предстоящие решения, ответственность руководителя, культура, обращение, эффект, развитие отношений, коммуникативность, требовательность.

**Key words:** managerial activity, upcoming decisions, responsibility of the manager, culture, treatment, affect, relationship development, communication skills, demands.

Hozirgi kunda Respublikamizda rahbarlar oldida erishilgan ijobjiy tajribalarni o`rganish va uning samarali tomonlarini rivojlantirish, shakllanib kelayotgan yosh rahbarlarni zamon talabi ruhidha tarbiyalashning mazmuni va ko`lami asosida yanada takomillashtirish vazifalari turibdi.

Bu xususida Prezidentimiz ham "...zamon talabini his etmasdan, eskicha ishlashga hech birimizning haqqimiz yo`q. Buning uchun bizda kuch va imkoniyat, bilim va salohiyat ham, qa`tiy iroda, intilish va azmu-shijoat ham etarli".

Darhaqiqat, bugungi kunda yurtimizda har bir sohada islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu islohotlar barcha sohanı boshqarish va rivojlantirishga qaratilgan bo`lib, boshqaruv faoliyatini tubdan isloh etish har qachongidan ham dolzarb masalaga aylandi. Bu biz yurtboshimizning "Tanjidiy tahlil, qat`iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbarni - bu Bosh vazir yoki uning o`rinbosarlari bo`ladimi, hukumat a`zosi yoki hududlar hokimi bo`ladimi, ular faoliyatining kundalik qoidasi bo`lib qolishi kerak", -degan fikrlari fikrimizning dalilidir. Bu jarayonda rahbar kadrlarni o`rni beqiyosdir.

Bizga ma`lumki rahbarlik ataması fors-tojik tilida "Yo`lboshchilik" degan ma`noni anglatib, bu faoliyatda shaxs o`z sohasida yuksak natijalarga erishgan, xarizmatik ya`ni boshqalardan inteliktual va axloqiy jihatdan ustun bo`lgan, siyosiy munosabatlarda eng faol, o`z sohasida yuqori darajaga erishgan inson hisoblanadi. Mutaxassislarning fikricha tashkilot rasman mavjud joyda boshqaruv, pahbarlik qaror topadigan va psixologik munosabatlar asosida vujudga keladigan jarayondir.

Bundan tashqari, ta`lim-tarbiya beruvchi, yo`l yuriq ko`rsatuvchi, ustoz yoki faoliyatda murabbiy shaxslarga nisbatan ham rahbarlik atamasidan foydalilanadi. Rahbar har qanday tashkilotda umumiyl va cheklangan vazifalar oldida ma`suliyligi shaxsdir. Rahbar deganda rahbar tomonidan amalga oshirlayotgan hamda amalga oshirilishi ko`zda tutilgan faoliyatlar, xatti-harakatlar nazarda tutiladi. Shunga ko`ra rahbar boshqaruvning asosiy mazmunini tashkil etadi.

Boshqaruvda rahbarlikning uchta asosiy turi mavjud:

- Inson aql-zakovat yordamida madaniy an'analarga asoslanib ya'ni ma'lum bir qonuniy hujjalarda qayd etilmagan, yozilmagan qonun qoidalar yordamidagi boshqaruv;
- bevosita tayinlangan ma'sul shaxslar yordamidagi boshqaruv;
- qonunlar, qo'llammalar, qoidalar kabi yozma hujjalalar yordamidagi boshqaruv.

Rahbar har qanday ijtimoiy guruhda taraqqiyotga intilishning siyosiy jihatdan strategik tadqiq yo'nalişlarini, huquqiy jihatdan faoliyat imkoniyatlari va chegaralarni, iqtisodiy jihatdan shart-sharoitlari moddiy asoslari va mahsulotlarni, ma'naviy jihatdan esa tarbiyaviy, ma'rifiy va madaniy darajasini shakllantirishda yetakchi o'rın tutadi.

Rahbar madaniyatini bevosita yetakchilar, yo'boshchilarga xos ma'naviy qiyofa axloq odob, muomila va boshqaruv madniyatini ifodalaydi. Madaniyat avvalo ma'naviy boylik hosilasi. Siyosiy madaniyati yuksak rahbar millat davlat xalq manfaati nazaridan ish tutadi, umummanfaatni o'z shaxsiy ehtiyoj va manfaatlaridan ustun quo'yadi. Rahbar va rahbarlikka davogar shaxs alohida xulq atvorga, ma'naviyat va madniyatga ega bo'lish uni doimiy ravishda takomillashtirib borish zarur. Buning uchun siyosiy hayotdan xabardor bo'lish yoki iqtisodiy va kasbiy bilimlarni o'zlashtirishning o'zigina kifoya qilmaydi. Ular jahon tajribalari asosida shakllangan ilg'or boshqaruv malakalarini ham o'zlashtirgan bo'lishi kerak. Bugungi rahbar bunga zimmasidagi vazifalarga yuksak ma'suliyat bilan yondashish o'ziga nisbatan talabchanlik orqali erishadi. Siyosat iqtisod va ma'naviyatga dahidor kitoblar va mumtoz adabiyot tarixiy jarayonlarni chuqur mushohada qilish ham uning duniyoqarashini kengaytiradi. Agar aql zakovati tafakkuri ma'naviy kamoloti, madaniyati bilan rahbar mustaqil fikrleshdan mushohada qilishdan kundalik voqeа hodisalarni teran tahlil etib borishdan uzoqlashsa rahbarlik talab etgan ma'naviyatdan uzoqlashib boradi.

Rahbar ma'naviyat va madniyatning kuch-qudratidan egzu maqsadlar yo'lida samarali foydalanishi boshqaruv tizimidagi ijtimoiy immunitetlarni insonparvarlik g'oyalari asosida rivojlanib borishi darkor. Zero rahbarlik uslubi boshqarish madniyatining ma'lum elementlariga ega bo'lishni taqazo etadi.

Rahbar ma'suliyati rahbar madniyatining asosiy belgilariidan biri bo'lib, uning ma'lum sohaga javobgarligini ifoda etadi. U alohida shaxs ma'suliyatidan farq qilib kengligi bilan ajralib turadi. Shu bilan rahbar ma'suliyati hamisha muhim sanalgan .

Darhaqiqat, har bir rahbar bugungi kunda o'z yutuqlarini, kamchiliklari, ulug' vorligi, kundalik talablarni bilishi bilan birga boshqaruv jarayonida o'z qo'l ostidagi xodimlarning individual va psixologik xususiyatlarni, hohishlarini, ko'nikma, malaka va qobiliyatlarini bilishi lozim. U xodimlarning umumiyligi va xususiy qobiliyatlarini, temperament tiplarini, xarakter xislatlarni ustalik bilan hisobga olgan holda ishtutishi kerakdir. Xodimlarning shaxsiy sifatlarni hisobga olgan holda ma'lum vazifalarni tavsiya qilishi va texnologik zanjirda uni o'z o'miga qo'ya bilishi, ta'lim tizimiga oid ma'lumotni unumli tarzda ko'ra bilmog'i va o'z faoliyatini yuksak darajada tashkil etishi hamda jamoani boshqarishi uchun bir qancha psixologik xususiyatlarni bilmog'i lozim. Boshqaruv sohasida individual uslubning shakllanganligi va uning ahamiyatlari tomonini anglab yetish va muloqotning keng qamrovliligi va hamkorlikka asoslangan munosabat turining shakllanganligi ham o'ta muhimdir. Xodimlarga ta'sir etish va munosabatlarni rivojlantirish uchun zarur psixologik xislatlар majmui – kommunikativlik, talabchanlik, ularga nisbatan munosabatda adolatli bo'lish ham boshqaruv jarayonini samaradorligining zarur shartidir.

Yuqorida qayd etilgan jihatlaridan tashqari boshqaruv faoliyatida muomala ham muhim ahamiyatga ega. Rahbar- yetakchi, boshqaruvchi sifatida muomala-madniyatni ham joyiga

qo'ya olishi shardir. Boshqaruv jarayonida yoqimli va samimiy muomalada bo'lish ish unumi va samaradorligiga olib keladi. Bu esa e'tibor berilishi lozim bo'lgan bir qancha qoidalarni talab etadi:

- Muloqtda rahbarga nisbatan salbiy his-tuyg'u bildirilsa ham, u o'zini aqli deb bilishi, o'rinsiz xatti-harakatlardan o'zini nazorat qilishi lozim.
  - Rahbar sifatida suhbatdosh sherginini tushunishi zarur.
  - Suhbatdosh bilan samimiy muloqtda bo'lishi.
  - Muloqtda aytigan ma'lumot yetarli asoslarga ega bo'lishi kerak.
  - Muloqtda samimiy, do'stoma va ochiq bo'lish zarur.
  - Ortiqcha gapirib vaqtini bekorga o'tkazmaslik lozim.
  - Suhbatdosh bilan kelishuv natijalari axloqiy me'yorlarga mos bo'lishi shart.
  - B'zi bir o'rinnlarda esa suhbatdoshni tanqid qilishi ham lozim.
- Chunki, tanqid rahbarlikning yaxshi bo'lishiga yordam beradigan bo'lishi, ishga to'sqinlik qiluvchi emas, balki yaratuvchanlik darajasida ahamiyat kasb etishi lozim. Shu bilan birga rahbar sheringining e'tiborini doimo hamkorlikning muhim jihatlariga qaratishga harakat qilish zarur.
- Bundan tashqari rahbarning muomala-munosabatda yana bir muhim jihatni xodimlarni tinglay olishidir.

Muloqtning samaradorligi ana shu ikki shaxsning qanchalik o'zaro bir-biriga mosligi, bir-birini to'ldirishiga bog'liq bo'ladi. Noto'gri tasavvurlardan biri shuki, odamlarni muomala yoki muloqtda o'rgatganda, uni mantiqli so'zlardan foydalaniib, ta'sirchan gapirishga o'rgatishadi. Uning ikkinchi tomoni tinglash qobiliyatiga deyarli e'tibor berilmaydi. Mashhur amerikalik notiq psixolog Deyl Karnegi «Yaxshi suhbatdosh yaxshi gapirishni biladigan emas, bal'ki yaxshi tinglashni biladigan suhbatdoshdir» deganda aynan shu qobiliyatlarning insonlarda rivojlangan bo'lishini nazarda tutgan edi. Ilmiy manbalarda yoritilishicha rahbarning tinglash mahorati masalasini bugungi kunda hayotning o'zi har qachongidan ham dolzarb vazifasiga aylantirib quymoqda ekan.

Mutaxassislarning aniqlashicha, rahbar odamlar vaqtining 45 foizini kimlarnidir tinglashga surf qilar ekan. Odamlar bilan doimini muloqtda bo'ladigan rahbarlar, bosh mutaxassislar, ish bonsharuvchilar va boshqarma boshliqlarining 35-40 foizi oylik maoshlarini odamlarni tinglaganliklari uchun olarkanlar. Shuning uchun nemis faylasufi A. Shopengauer ham, odamlarning o'zingiz to'g'ringizda yaxshi fikrga ega bo'lishlarini xohlasangiz, ularni tinglang, deya fikr bildirgan.

Yuqorida bayon etilgan fikrlardan kelib chiqib quyidagilarni tavsiya etishimiz mumkin:

- ✓ Muloqot jarayonida u xodim bilan bo'ldimi yoki boshqa shaxslar bilanmi sizga nisbatan salbiy his-tuyg'usini bildirsa ham, siz o'zingizni bosiq tuting, noo'rin xatti-harakatlardan o'zini tiying;
- ✓ Suhbatdosh sheringinzni tushunishga harakat qiling. Uni tushunmaslik sizga maqlu qarorlar qabul qilishga xalaqit beradi.
- ✓ Sherik bilan samimiy muloqtda bo'ling;
- ✓ Siz etkazadigan ma'lumot yetarli asoslarga ega bo'lsin; Asosiz ma'lumotlar muloqot muvaffaqiyatsizligiga xizmat qiladi.
- ✓ Aniq va tiniq gapiring, chunki rahbar uchun haq bir daqiqa g'animat.
- ✓ Siz muolala munosabatiz axloq meyyorlarida bo'lsin.
- ✓ Muloqtda ba'zan tanqida ham izn bering.
- ✓ Muloqtda sheringiz e'tiborini doimo hamkorlikning muhim jihatlariga qaratishga harakat qiling;
- ✓ Suhbat jarayonida yaxshi tinglovchi ham bo'ling, bu esa sunbatdoshingizni ilhomlantiradi, uni ruhlantiradi va sizga nisbatan hurmatni ham tarbiyalaydi.

Shunday qilib, har bir boshqaruvchi o'zining bir qancha ijobjiy fazilatlari qatorida ma'nnaviyati, muomala-madaniyati ham naqadar zarur ekanligini anglashi juda muhimdir.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan tamoyil va tavsiyalarga amal qilgan rahbar o'z faoliyatida doimo ijobjiy natijalarga erishib borishi tabiiy. Muomala madaniyati rahbarlik qilish jarayonida eng qiyin jihatlaridan hisoblanadi va ayni shu bilan birga rahbarning shakllanishiga ko'proq foyda keltiradi.

Adabiyotlar:

1. Шавкат Мирзиёев. Тақиий таҳлил, катый тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлшини керак. – Т.: «Ўзбекистон», 54-бет

2. Sh.M.Mirziyoyev "Olyi Maslisiga va xalqimizga Murojaatnomasi", 2020 yil, 29-dekabr.

3. Karpov A.V. Boshqaruv psixologiyasi. Darslik [elektron nashr]. M.: Gardariki, 2005 yil.

4. Umarov B.M. Psixologiya T.: 2012 yil

Internet manbalari:

[http://studopedia.ru/7\\_53234\\_ob-ekti-i-sub-ekti-upravleniya.html](http://studopedia.ru/7_53234_ob-ekti-i-sub-ekti-upravleniya.html)

<http://ipitvet.uz/uploads/attachments/boshqaruv%20professionalizmi>

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada rahbar kadrlar, boshqaruv faoliyati, ularda boshqaruv ma'nnaviyati, muomala-madaniyati haqidagi ma'lumotlar yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается информация о руководящих кадрах, управленческой деятельности, духовности управления в них, культуре поведения.

SUMMARY

This article covers information about management personnel, management activities, the spirituality of management in them, and the culture of behavior.

## MODULLI TA'LIM-PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARNING MUHIM TARKIBIY QISMI SIFATIDA

*Jabborova D.F.*

*Navoiy davlat pedagogika instituti o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** shaxs, texnologiya, modul, modulli ta'lif, komponententlik, instrumental komponentensiya, kommunifikativ komponententlik, tizimli kompetententlik.

**Ключевые слова:** человек, технология, модуль, модулярное обучение, компетентность, инструментальная компетентность, коммуникативная компетентность, системная компетентность.

**Key words:** person, technology, modular training, competence, instrumental competence, communicative competence, structural competence.

Bugungi ta'lif-tarbiya islohoti bo'lajak mutaxassislarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda ularning bilim, ko'nikma va malakalarini zamonaviy talablariga mos shakllantirish muammosini dolzarb qilib qo'ydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldag'i "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmonining 4.4-bandida belgilab qo'yilgan "Ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriylar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish" ustuvor vazifalar sifatida belgilab qo'yilgan. Mazkur vazifalarning samarali hal etilishi o'z navbatida innovatsion ta'lif muhitini tashkil etish va ta'lif-tarbiya jarayonida yangi zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va amalda joriy qilish orqali mavjud dolzarb muammo va kamchiliklarni bartaraf

etishni taqozo etadi. Pedagogikaga oid adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi davrda pedagogik texnologiya tushunchasi ta'limga amaliyoti va nazariyasi ilmdan mustahkam o'rinnegalladi, lekin uning pedagogikaning mukammal lug'atlaridagi o'rni hali noma'lumligicha qolmoqda.

N.F.Talizina har bir pedagog real pedagogik jarayonni tashkil etishdan oldin o'quv jarayoni haqida texnologik darajada bilimlar tizimini bilib olgan bo'lishi shart deb ta'kidlaydi. U fan va amaliyot oralig'iда tamoyillarni olg'a suruvchi, metodlar ishlab chiquvchi, ularni izchil qo'llash kabi masalalar bilan shug'ullanuvchi alohida fan bo'lishi kerak, deb hisoblaydi, ularsiz pedagogik jarayon asoslanmay qoladi (texnologiya real o'qitish jarayoni sifatida)

Umumpedagogik texnologiya yaxlit ta'limga jarayonni ifoda qiladi.

Xususiy metodik texnologiya bir fan doirasidagi o'quv-tarbiya jarayonini amalga oshirish metodlari va vositalaridan iborat bo'ladi.

Lokal (modul) texnologiya o'quv tarbiya jarayonining maxsus bo'limlariga texnologiyani tatbiq qilishni ifoda qiladi. Bu texnologiya xususiy didaktik va tarbiyaviy vazifalarini hal qilishga qaratiladi.

Zamonaviy o'qitish texnologiyalarida talaba – shaxs pedagogik jarayon markaziga qo'yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy imkoniyatlarini ro'yogba chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratiladi. O'zbekiston Respublikasi ta'limga tizimi milliy modelining tarkibiy qismi sifatida "shaxs" kiritilgan va unga birinchi o'rinnajratilgan va shaxsga yo'naltirilgan ta'limga texnologiyalariga alohida e'tibor qaratilgan. SHaxsga yo'naltirilgan ta'limga texnologiyasining eng istiqbolli tizimlaridan biri – modulli ta'limga texnologiyalaridir. Bo'lajak o'qituvchilarini tayyorlash jarayonida umumkasbiy va ixtisoslik fanlarini o'qitishda modulli ta'limga texnologiyasini qo'llash talabalarning o'z bilimlarini oshirish bo'yicha muntazam ishlashni tashkil qilish g'oyasiga asoslanadi. Modulli ta'limga texnologiyalarini talabaning o'quv jarayoniga ijodiy faoliyatini takomillashtiradi.

Modul – bu mantiqiy ravishdagi tugallangan, ishlab chiqarilgan tamoyillar asosida qurilgan va o'quv fanning bir yoki bir nechta fundamental tushunchalarini o'rganishga yo'naltirilgan o'quv materiali birligi. Modulli ta'limga tizimi haqida rasmiy ravishda ilk bor 1972 yili Tokioda bo'lib o'tgan YUNESKOning butun dunyo anjumanida aytib o'tilgan. Modulli ta'limga texnologiyasi tafakkur neyrofiziologiyasi va pedagogik psixologiyasini qamrab oladigan funksional tizimlari umumiy nazariyasiidan kelib chiqqan.

Modul- «modulus» termini lotin so'zidan kelib chiqqan bo'lib, o'lcham, ma'lum bo'lak, hajim degan ma'noni anglatadi. Modulli o'qitish uslubiga asosan fan bo'yicha o'quv dastur alohida bo'laklarga, ya'ni modullarga ajratib o'qitiladi. Modul yoki o'quv funksional blok – bu o'quv dasturidagi bir necha o'quv mavzularini bog'langan holda o'rganish tizimidir. Har bir modul aniq bir mutaxassislik faoliyatini bajarish uchun kerak bo'ladi. ma'lum hajmdagi o'quv axborotni berish.

Modulning tarkibiy qismlari.

Modul dastur kompleks didaktik maqsaddan (KDM) va bu maqsadga erishishga xizmat qiluvchi modul bloklari yig'indisidan iborat. Modul dasturini ishlab chiqish uchun asosiy g'oyalarni ajaratib olish va blok-modullarda strukturalashtirish, so'ngra kompleks didaktik maqsadlarni shakllantirish talab etiladi. Kompleks didaktik maqsadlar modul-bloklarining maqsadlariga, ya'ni integrativ didaktik maqsadlarga (IDM) va xususiy didaktik maqsadlarga (XDM) bo'linadi, uni esa o'z navbatida o'quv elementlari tashkil etadi. Modul dasturlarning maqsadi albatta malakali mutaxassisni yetishtirishga xizmat qiladi. Modul dasturning maqsadini tuzishda ana shu mutaxassisiga qanday talablar tizimi qo'yilayotgan ekanini aniqlab olishdan boshlanadi. Bugungi kunda Rossiyada mutaxassisiga qo'yiladigan umumiy talablar tizimi o'rganilib, ular uch asosiy guruhgaga ajratilmoqda.

Mutaxassisning komponentligini aniqlovchi kriteriylarni quyidagi kategoriyalarga bo‘lish mumkin.

\* Instrumental kompentensiyalar:

- analiz va sintez qobiliyatiga ega bo‘lish;
- rejalshtirish va tashkil etish qibiliyati;
- umumiylazaviy bilimlarga ega ekanligi;
- mutaxassislik bo‘yicha bazaviy bilimlarni egallaganligi;
- ona tilida bemalol muloqotga kirisha olish;
- axborot texnologiyalaridan foydalana olish malakalari;
- axborot materiali bilan ishslash qobiliyati;
- muammolarni yechish qibiliyati;
- qarorlar qabul qilish qibiliyati.

\*Kommunikativ komponentlik:

- tanqid va o‘z-o‘zini tanqid qila olish;
- guruhda faoliyat ko‘rsata olish;
- o‘zaro muloqotga kirisha olish;
- axloqiy qadriyatlarni tan olish;
- turli xalqlar madaniyatiga hurmat bilan qarash;
- boshqa yo‘nalishida faoliyat yurituvchi ekspertlar bilan munosabatga kirisha olish.

\*Tizimli kompetentlik:

- bilimlarini amalda tizimli ravishda qo‘llay olish;
- tadqiqot olib borish;
- yangi sharoitga moslashish;
- ijod qilish;
- liderlik qobiliyatini o‘stirib borish;
- individual holda faoliyat yuritish qibiliyati;
- loyihalarni ishlab chiqish va ularni boshqarish;
- tadbirdorlik va yangi g‘oyalarni ilgari surish;
- mas’uliyatlilik;
- muvaffaqiyatga erishish motivining rivojlanganligi.

Tanlangan mutaxassislik bo‘yicha umumiylazaviy didaktik maqsadlar tasdiqlangan standartda o‘z aksini topgan. Modul dasturini ishlab chiqishda ana shu standart talablariga asoslaniladi.

Modullarni ishlab chiqishda uchta asosiy komponentga e’tibor qaratish lozim:

1. Modul spetsifikatsiyasi.

2. Modulning nazorat blokini ishlab chiqish.

3. Modulning o‘quv materialini ishlab chiqish.

1. Modul spetsifikatsiyasi – ana shu modul haqida to‘liq ma‘lumotni o‘zida aks ettiradi.

Uning tarkibiga quyidagilar kiradi:

1.1. Modulning nomi. Modullarning nomlari mazmunga mos bo‘lishi va qaytarilishlarga yo‘l qo‘ymaslik lozim.

1.2. O‘qitishning maqsadi. Mana shu modulni o‘zlashtirish natijasida qanday faoliyat yuritish imkonii tug‘ilishi, kasbiy tayyorgarlikdagi axamiyati yoritib berilishi lozim. Talabaning rejali taraqqiyoti aks ettirilishi maqsadga muvofiq.

1.3. O‘qitish natijalari. Modulni o‘rganish natijasida qanday bilimlarni egallashi,

qanaday ko‘nikma va malakalar shakllantirilishi sanab o‘tiladi. O‘zlashtirish jarayoni tugagandan so‘ng talaba qanday faoliyatni qanday sharoitlarda bajara olishi ko‘rsatiladi. Natijalar uzviy birlikka ega bo‘lib, o‘qitish maqsadlaridan chetga chiqmagan holda shakllantirilishi lozim. Natijalarni tekshirish jarayonida bir necha ko‘nikmalarini egallanishi

nazarda tutilishi lozim. Odatda, bir modul 3-5 turdagı ko'nikmani egallashga qaratilgan bo'lib, uni egallanganligi maqsadga erishilganlik darajasini ko'rsatadi. Erishiladigan natijalar aniqlashtirilgan maqsadlarni shakllantirish qoidalari asosida shakllantiriladi.

1. Modulning nazorat blokini ishlab chiqish.

1.1. Baholash mezonlari. Baholash mezonlarini ishlab chiqishda faoliyat ob'ekti, bajariladigan faoliyat turi, faoliyat sifati, bajarilgan faoliyatning standartlari ko'rib chiqiladi. Baholash mezonlarini ishlab chiqishda o'qitish natijalariga mos holdagi faoliyat turi ishlab chiqilishi lozim. Har bir natijani tekshirish mezonlari 4 yoki 6 tadan oshmasligi tavsiya etiladi.

1.2. O'zlashtirish darajasi. O'zlashtirilganlik darajasini chuqurligini ko'rsatuvchi mezonlar ishlab yiqiladi, ba'zi hollarda uni ishlab chimgish shart emas, agar u baholash mezonlarida ko'rsatilgan bo'lsa. O'zlashtirilganlik darajasini isbotlovchi erishilgan natija turli ko'rinishda bo'lishi mumkin. O'zlashtirish ob'ekti-tayyorlangan predmet, amaliy topshiriq, og'zaki yoki yozma javoblar tarzida bo'lishi mumkin.

1.3. Modulga kirish nazorati. Modulni o'rganish uchun zarur bo'lgan ta'lim va bilimlar tizimini ko'rsatadi.

1.4. O'quv jarayonini davomiyligi. Davomiylik o'quv soatlari birliklari ko'rinishida aks etadi.

1.5. Baholash. Baholash tizimini ishlab chiqayotganda uning haqqoniyligiga va ishonchli bo'lishiga e'tibor qaratish lozim. Yakuniy nazorat alohida o'tkazilishi maqsadga muvofiq. Ba'zi modullarda yagona baho ham qo'yilishi mumkin. Baholash tizimi modulning xarakteridan kelib chiqib tanlanadi.

1.6. Modulning tushuntirish xati. Ushbu xat tavsiyalar ko'rinishida bo'lib, pedagog shaxsiga yo'naltirilgan. Unda pedagogga qo'shimcha tavsiyalar, baholash jarayonini olib borishning yangi imkoniyatlari, qo'llash mumkin bo'lgan usullarga tavsiif beriladi. Proekt, portfolio kabi usullardan ham foydalanish mumkin.

O'quv materiali axborot matnnini va didaktik vositalarni o'zida aks ettiradi. Axborot matnida adabiyotlar, ilovalar va havolalar o'z aksini topadi. Qaytar aloqani amalga oshirish uchun axborotni ishlab chiqishda joriy nazorat uchun topshiriqlar va ularni ishlab chiqish namunalarini kiritish tavsiya etiladi. Axborot materiali tushunarli, lo'nda va ko'rgazmali bo'lishi lozim.

Bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashda o'qitishning modulli ta'lim texnologiyasiga o'tish samaradorligi quydagi omillarga bog'liq bo'ladi: ta'lim muassasasining moddiy texnika bazasi darajasi; professor-o'qituvchilar tarkibining malakaviy darajasi; talabalarning tayyorgarlik darajasi; ko'zlangan natijalarni baholash; didaktik materiallar ishlab chiqish; natijalarning tahlili va modullarni optimallashtirish. Demak, bo'lajak o'qituvchilarni modulli o'qitishda o'z qobiliyatiga ko'ra bilim olishi uchun to'la zarur sharoitlar yaratiladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldag'i "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sон Farmoni.

2. Olimov Sh. Sh., Durdiev D.Q. Pedagogik texnologiya. – Buxoro: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2019. – 184 b.

3. Ермолова Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75c.

4. Yo'ldoshev J.G., Usmonov S. Ilg'or pedagogik texnologiyalar. – T.:O'qituvchi, 2004.

5. Tolipov O., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbiqiy asoslari – T., 2006.

PEZHOME

Ushbu maqolada zamонавиъи pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayonida qo'llash zarurati, uning ilmiy

асосларында соғыз жүріліп, замонавиы педагогикалық технологиялардың мұхит тарқыбының көмекшілігінде олардың мәдениеттегі маңыздылығын анықтауда.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются необходимость использования современных педагогических технологий в учебном процессе, его научные основы, важность модульных образовательных технологий, которые являются важной составляющей современных педагогических технологий.

## SUMMARY

This article discusses the need for the use of modern pedagogical technologies in the educational process, its scientific basis, and the importance of modular educational technologies, which are an important component of modern pedagogical technologies.

## БҮЛЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИҚТІСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ШАРТЛАРИ

*Кучкорова Н.М.*

*Педагогика фанлари бүйінша фалсафа доктори (PhD) Урганч давлат университеті*

**Таянч сұздар:** ассимиляция, иқтисодий маданият, иқтисодий фаолият, индивидуал, стратегия, мотивация, лойиха.

**Ключевые слова:** ассимиляция, экономическая культура, экономическая деятельность, личность, стратегия, мотивация, проект.

**Key words:** assimilation, economic culture, economic activity, personality, strategy, motivation, project.

Янги ижтимои иқтисодий шароиттарда мұстакил фирмалай оладиган шахсий сифаттарға ега бўлган ракобатбардош шахснинг ўрни жамиятда ортиб бормоқда. Бўлажак ўқитувчиларни замонавий билимларни эгаллашлари ва эгаллаётган соҳаси бўйича янги билимларни амалиётда қўйиш олиш имконини беради. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни иқтисодий билмларга ега бўлиши уларни янгича ғояларни таълим жараёнинга тадбик эта олиш имкониятини беради. Иқтисодий маданиятни шакллантиришда шахсга йўналтирилган ёндашувни танлаб олиш ҳам келаҗадаги ўқитувчиларнинг таълим соҳасидаги иқтисодий фаолият натижаларини таълим жараёнинга тадбик эта олиш зарурати билан белгиланади. Педагогик жараёнда иштироқчиларнинг инсонларни тақдирли ҳақида ғамхўрлик қилишга тайёрлиги, жамиятимиз келажаги муқаррар равишида уларнинг гуманитар ҳаёт тарзини, педагогик ахлоқ меъёларига риоя қилишларини талаб этади.

Ушбу ёндашувлар ички шароитта аниқланган шахсий фаолият даражаларини талаб қиласы, унда бу шахслардан вазият талаб этилмайды, балки ўзида ривожланган ахлоқий қадрияттар тизимиға асосланыб, ўз – ўзини назорат қилиш учун аник ва мунтазам равишида муайян муаммоларни ҳал қилиш учун ўзига хос ижтимои ийнлиги ўналтирилган стратегияни ишлаб чиқади. Иқтисодий фикрлашни ривожлантириш ва иқтисодий маданиятнинг энг мухим таркиби қисмими шакллантирадиган бўлажак ўқитувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан мухим хусусиятларини ишлаб чиқиши муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган педагогик шартларни таҳлил қилиш, бўлажак ўқитувчининг иқтисодий маданиятини шакллантириш жараёнда фаолият ёндашувидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиши заруратини көлтириб чиқаради.

Фаолият ёндашувининг афзаллиги шундаки, у талабани дастлаб таълим олишида, амалда самарали иқтисодий хулқ – авторда индивидуал ва умумий стратегияни шакллантириш имконини беради. Фаолликка асосланган ёндашув бўлажак


ўқитувчиларнинг махсус вазиятларда (асослаш, танлаш, алмаштириш ва х.к) талаб қиласы.

Шу билан бирга иқтисодий таълим жараённанда бўлажак ўқитувчиларнинг итукларининг сифати муайян мезонлар асосида баҳоланади:

- ✓ иқтисодий жихатдан мухим вазифани ажратиш ва шакллантириш қобилияти;
- ✓ уни ҳал қилишнинг самарали усусларини танлаш;
- ✓ натижаларни мониторинг қилиш ва баҳолашда унга эришиш учун изчил харакатлар тизимини лойиҳалаш ва амалга ошириш.

Иқтисодий маданиятни малакали мутахассисларнинг ракобатбардошлигини таъминлашнинг универсал жиҳати сифатида ташкил этишда энг самарали восита – бу ўқитишининг илмий ёндашувидир. Бу ерда асосий эътибор талабаларнинг самарали фикрлари тараққиётидаги ҳал қиливчи омил ахборотнинг ўзи эмас, балки унинг асимиляция килиши усусларидир. Ушбу тамоийл бўлажак ўқитувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришда мухим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчиларнинг қасбий фаолиятлари учун чукур иқтисодий билимларни эгаллаш зарур бўлмаса ҳам ижтимоий иқтисодий ўзгарувчан шароитларда самарали харакат килиш қобилияти сифатида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида иқтисодий билимларни ривожлантирувчи механизм ишлаб туриши лозим.

Келажакда малакали мутахассиснинг иқтисодий маданиятини шакллантириш жараённинг самарадорлиги олий таълим муассасаларида қуйидаги шартларда амалга оширилади.



*Схема 1. Иқтисодий маданиятини шакллантириши шартлари*

шахсий фазилатларини ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган мотивлар, муно-сабатлар ва ахлоқий қадриятларни ўргатиш имконини беради. Таңланган шахсга йўналтирилган тадқикот ёндашувининг асосий йўналишида ўқувчиларнинг фаоли-ятини рағбаглантирадиган самарали усул ва услубларга аҳамият бериш зарур. Бунга тадқикот машғулотлари ва дизайн усуслари киради. Анъанага кўра бу тушунчалар бир – бирини тўлдиради.

Бундан ташкари, бўлажак ўқитувчиларни иқтисодий маданиятини шакллан-тириш жараённи ишни ташкил қилишнинг индивидуал ва колектив шаклларини назарда тутади. Шахсга йўналтирилган тадқикот ёндашуви ҳар бир бўлажак мута-хассисга иқтисодий маданиятни шакллантириш йўналишини белгилашга имкон беради. Бироқ, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда асосий вақт махсус ихтисос-

Шундай килиб, кела-жакда малакали мута-хассиснинг иқтисодий маданиятини шак-ллантириш учун энг самарали восита – бу шахсга йўналтирилган тадқикот ёндашувидир. Иқтисодий билим, кўникма ва малакалар билан касбий тайёр-гарлик жараённини бой-итувчи ушбу ёндашув унга бир вақтнинг ўзида иқтисодий фикрлари ва иқтисодий аҳамиятга эга




Схема 1.2 Иктиисодий маданиятини шакллантириши усуллари

иктиисодий маданиятини шакллантириш учун үкүв жараёнининг күйидаги педагогик шартларини белгилаш мүмкін.

Бүндай ҳолатда, ҳатто иктиисодий соҳада салбай ҳолат іозага келганды ҳам, ёшларимиз уларни ҳаёт нормаси сифатида эмас, балки ушбы нормага зид равишда талаб қыладиган даража сифатида қабул қыладылар. Мамлакатимиз ёшларига иктиисодий ривожланиш уларнинг имкониятлари, яшашиб шароитларидан келиб чиқан ҳолда шакиллантира олишлары мүмкінлігіні, бунинг учун давлатимиз томонидан берилдіктан имкониятларни англаб етишларига педагогик жараёнда шароитлар ыратып бериш талаб қылнады.



Схема 1.3 Бүлажак үkituvchilarinik  
иктиисодий маданиятини шакллантириши учун  
үкүв жараёнининг педагогик шартлари

#### Адабиетлар:

- Харакатлар стратегиясы ассоцида жадал тараққиёт ваянгиланиш сары // Т.: “F.Уолом”, –2017.- 706.
- Выготский Л.С. Проблемы возрастной периодизации детского развития // Вопр. психологии. – 1972.- №2. – С.45
- Сластенин В.А. Педагогика: уч. пособ. для вузов/ В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мещенко, Е.Н.Шиянов. - М.:Школа-Пресс, 1997.-512 с.
- Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миilliй дастури”// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т: Шарқ, 1997. – Б.34.
- Қодиров А. Мальнявиятнинг иктиисодий тамоййллары.- Т: Мальнявият,1999.
- Педагогические методы исследования качества образования / автор – составитель Н.В. Култашева. – Ижевск, 2006. – 362 с.

#### РЕЗЮМЕ

Үшбү маколада педагогларларнинг иктиисодий маданиятини самарали шакллантириш шартлары сифатыда иктиисодий фикрларни ривожлантириш, иктиисодий маданиятнинг таркийи кисмлари, иктиисодий билим, күнімка ва малакалары билан касбий тайёрларлар жараёнлари ёритиб берилген.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены условия для эффективного формирования экономической культуры будущих учителей, в которой рассматриваются развитие экономического мышления, компоненты экономической культуры, экономические знания, навыки и способности, а также профессиональное обучение.

SUMMARY

This article outlines the conditions for the effective formation of the economic culture of future teachers, which examines the development of economic thinking, the components of economic culture, economic knowledge, skills and abilities, as well as vocational training.

**AQLI ZAIF O'QUVCHILARNING TAFAKKUR JARAYONLARIDAGI  
NUQSONLARNI KORREKTSIYALASHDA O'YINLARDAN  
OYDALANISH YO'LLARI**

*Akramova X.S.*

*JDPI Maxsus pedagogika kafedrasи mudiri v.b.dots*

*Tojiyeva N.I.*

*Maxsus pedagogika, Defektologiya (Logopediya) mutaxassisligi 1 kurs magistranti*

**Tayanch so'zlar:** aqli zaif bolalar, nutqining rivojlanish jarayonlari, korreksiya, muloqot, psixologik aspektida o'rghanish, ta'lim-tarbiya, emotsional muloqot, artikulyatsion apparatning va fonematischeskoy eshitish, analiz va sintez.

**Ключевые слова:** умственно отсталые дети, процессы развития речи, коррекция, общение, психологическое изучение, образование, эмоциональное общение, артикуляционный аппарат и фонематическое слух, анализ и синтез.

**Key word:** mentally retarded children, the processes of development of speech, correction, communication, learning in psychological aspect, education, emotional communication, articulatory apparatus and phonematic hearing, analysis and synthesis.

Maktabgacha ta'lim va maxsus ta'lim O'zbekiston Respublikasidagi uzlusiz ta'lim tizimining birinchi bo'g'ini hisoblanadi. Aqli zaif bolaga o'qishni o'rgatish – o'qtishning, ta'limming bugungi kundagi asosiy vazifasi hisoblanadi. Shundan kelib chiqqan holda aqli zaif bolalarga tafakkurni jarayonida o'zga tilni o'rgatish metodikasi nutqiy harakat tamoyillariga (motiv, maqsad, fikr) va uning xususiyatlariga (avtomatizm, barqarorlik, moslashuvechanlik, mustaqillik) asoslanishi zarur. O'quv jarayonini shunday tashkil etish lozimki, unda har lahzada aqli zaif bolaning harakatlari haqiqatdan ham nutqiy bo'lsin.

Nazariy va amaliy ishlar shundan dalolat bermoqdaki, nutqiy faoliyat motivatsiyasini boyitish aqli zaif bolalar tafakkur jarayonlaridagi nutqini rivojlantirish borasidagi ishlarning samaradorligini oshiradi.

O'yinlar xalk Pedagog, defektolog, logopedikasining tarbiya vositasidan biri hisoblanadi. Asrlar davomida o'yinlar rivojlanib, yangilanib kelmoqda. O'yin faoliyatini aqli zaif bola hayotida, uning jismoniy, ruhiy, aqliy kamolatga etishida muhim vositalardan biri hisoblanadi. O'yin orqali aqli zaif bolalar tafakkur, tasavvur, xotira, diqqati kabi barcha psixik jarayonlari rivojlanadi va atrof - muhit haqidagi bilmi yanada kengayib boradi.

Maxsus maktabda o'yin faoliyatidan to'g'ri va unumli foydalanish, har bir o'tkaziladigan mashg'ulotlar va sayr faoliyatining samaradorligini oshirib boradi. Maktabgacha tarbiya muassasalarida o'yin faoliyatni turli xil shaklda voqeaband - ijroli, harakatlari, ta'limiylar, musiqiy-ta'limiylar kabi yo'nalishda olib boriladi. O'yin aqli zaif bolalar uchun qiziqarli, mazmunli bo'lishi uchun tarbiyachi o'yin qoidasi bilan yaqindan tanish bo'lishi kerak.

O'yin mashg'ulotlaridan voqeaband - ijroli o'yinlar orqali aqli zaif bolalar tafakkuri

kengayadi va qiziqishlari rivojlanadi. Rolli o`yinlar orqali aqli zaif bolalarga ularni qurshab turgan kishilarning kundalik hayoti, o`zaro munosabatlari, turmush kechirish yo`sinlari bilan tanishib boradi. Aqli zaif bolalar hamisha kattalarga taqlid kilishadi, qo`g`irchog`ini erkayatgan qizcha onasining so`zini takrorlaydi, qo`g`irchog`ini beshikka belab alla kuylaydi, mana shu birgina o`yin orqali unda oila sharoitidagi ko`nikmalar hosil bo`layotganligini kuzatishimiz mumkin. Bundan tashqari «Shifokor», «Sartaroshxonha», «Do`konda», «quruvchilar», «Tikuvchilar», «Bog`cha», «Maktab - maktab» kabi o`yinlar orqali maktabgacha tarbiya yoshidagi aqli zaif bolalar qalbida kasbga qiziqish, faollik, o`zgalarga mehnatiga hurmat, ahil va inoqlilik, shirinsuhanlik kabi hislatlar o`stirib boriladi.

Aqli zaif bolalar yoshiga mos ertaklardan, rus xalq ertagi « Sholg`om », «Bo`g`irsok », o`zbek xalq ertagi «Zumrad va qimmat», «Ikki echki» kabilarni sahnalashtirish, qo`shiqlarni, she`rlarni, hazillarni yod oldirish aqli zaif bola xotirasini mashq qildiradi, fikrni to`plash qobiliyatini, so`z boyligini, nutq faoliyatini, estetik madaniyatini, aqli zaif bolalarda ijrochilik mahoratini, o`ziga bo`lgan ishonch kabi qobiliyatlarni tarkib topishiga yordam beradi.

Harakatli o`yinlar aqli zaif bolalardan ephillikni, chaqqonlikni, diqqatni bir joyga jamlashni, sezgirlikni talab kiladi. Xalq o`yinlaridan «Ismingni eslab qol», «Ko`z bog`lagich», «Oq terakmi, ko`k terak», «g`ozlar», «qushim boshi», «To`p-tosh», «Jami» o`yinlari orqali aqli zaif bolalarda harakat faoliyati rivojlantirilib boriladi, mustaqil faoliyati, jismoniy quvvati oshirilib, o`zligiga ishonch ruhi o`stirib boriladi. Shuningdek turli o`yinchoqlar bilan uynash tup, arqoncha, ot, arava, velosiped kabilalar bilan uynaladigan o`yinlar orqali ular qalbida musobaqalashish hislari uyg`otib boriladi. Ayniqsa to`p o`yinlari aqli zaif bolalarning barcha tana harakatlarini rivojlanishiga katta yordam beradi, shuning uchun to`plar rangi yorqinroq, engil, yumshoq, aqli zaif bolalar uchun o`ynashga qulay bo`lishi kerak. Aqli zaif bolalar bilan sport xonalarida emaklash, sirpanish, tirmashib chiqish, arqon tagidan o`tish mashqlarini o`rgatish va shunga doir quyidagi: «Ona tovuq va jo`jalar», «Arqonga tegmay o`tchi», «Olishish», «Tortishmachaoq» kabi o`yinlarni aqli zaif bolalarga o`rgatish orqali ularda ishoraga binoan harakat, jamao bilan o`ynash, qoidaga amal kilish, chamlash, diqqatni jamlash kabi hususiyatlar tarbiyalanadi.

Ta`limiy o`yinlar orqali aqli zaif bolada mustaqillik, faollik, ijodkorlik masalaga ongli yondoshish malakasi o`stirib boriladi. O`yin ko`rgazmalilik, oddiydan murakkabga o`tish usullari orqali olib boriladi. Tarbiyachi ta`limiy o`yinlarni o`tkazish davomida aqli zaif bola harakatini faollashtiradi, mustaqil harakat qilish qobiliyatini shakllantiradi, o`yindan to`g`ri foydalanilsa aqli zaif bolaning tafakkuri, nutqi, xotirasi ya`ni, aqliy tarbiyasiga asos solinadi. Ta`limiy o`yinlar orqali aqli zaif bolalar eshitish, kurish, sezish a`zolari orqali turli narsalar va ularni yasashda ishlataladigin materiallarning xossalalarini, ularni bir - biriga taqqoslashni, guruhlarga ajratishni o`rganadilar. Ta`limiy o`yinlar kichik guruhlarda quyidagi xilda o`tkaziladi.

O`yinchoklar bilan o`ynaladigan o`yinlar-»Ayiqlarga nima kerak?», «Jajji oyqochalarimiz», «Zumrad uchun ko`ylaklar» .

Stol ustiga qo`yib o`ynaladigan o`yinlar-«Nima qaerda yuradi?», «Men aytgan narsani ko`rsat», «Kimming qo`lida nima bor?».

Og`zaki usuldagagi ta`limiy o`yinlar- «qo`g`irchoq Lolaxonni cho`miltiramiz», «qo`g`irchoq Lolaxon mehmonga keldi», «Ajoyib xaltacha», «Shaklini top», «Rangini top» kabi o`yinlar kiradi.

Eshitish va ko`rish a`zolarini faollashtirish uchun «Xilini top», «qaysi daraxtning mevasi?», «Nimaning pati», «Mevasini top», «Onasini top», «Mevalar va barglar», «Domino», «Yovvoyi va uy xayvonlari», «Ishlash uchun nima zarur», «Bu uychada

kanday xayvon yashaydi», «Bu kim yoki nima?» singari o'yinlardan foydalanish maksadga muvofik bo'ladi. Bu O'yinlar orqali aqli zaif bolalarda meva va sabzavotlar, xayvonlar va parrandalar, yil fasllari, kiyim - kechak va boshkalar, kabi tasavvurlar boyitilib, kengaytirilib, kurish va eshitish, esda saqlab kolish xususiyatlari rivojlantirilib boriladi. Katta guruhlarda uynaladigan «Ayting biz topamiz», «Topgan topag'om», «Oshqovoq pishdi», «Loy o'yini», «Bog'bonlar» o'yinlari orqali mehnatga muxabbat ruhi tarbiyalanib boradi.

Aqli zaif bolalar qalbida musiqaga bo'lgan muxabbat hissini oshirishda musiqiyta'limiy o'yinlarning roli beqiyosdir. Tarbiyachi aqli zaif bolalarga turli xil musiqa asboblarini ko'rsatib, chalib berish orqali, cholg'u asboblarining ovozi va tuzilishi va turlari bilan tanishtirib boradi. «Ovozidan top», «Nimada chalyapman», «qo'ng'iroq qanday jaranglayapti» kabi o'yinlar orqali tarbiyachi aqli zaif bolalarga ovoz va cholg'u asboblarining tovush xususiyatlarini farqlashga o'rgatadi. «Tapur-tupur qayrag'och», «Tomga tosh otdim», «O'ynab ber», «Sanamalar», «Mushtum va kaftchalar», «Yomg'ir» kabi milliy o'yinlar orqali aqli zaif bolalarni musiqa ritmiga mos harakat, o'yinli ashulani ijro etish, qarsaklar va mimik harakatlarni to'g'ri bajarishga o'rgatib boriladi.

- g' ozlar, bir so'z deysizmi?
- g'a, g'a - g'a!
- Totli suli eysizmi?
- Ha, ha - ha
- Nega patni silaysiz?
- g'oq, g'oq - g'oq.
- Menden nima tilaysiz?
- Boq, boq, boq»!

Bu xildagi she'rlar kichkintoylarni mustaqil fikrlashga, hayotiy tassurotlardan xulosa chiqarishga o'rgatib boradi.

Aqli zaif bolaning mashg'ulotlar jarayonida olgan iqtisodiy bilimi, tushuncha va tasavvurlarini mustahkamlashda, chuqurlashtirish va kengaytirishda o'yinlarning o'mi benihoyadir. Zero, aqli zaif bola o'ynab turib, dunyo taniydi. Aqli zaif bola o'yinda aks ettirayotgan narsani tezroq bilib olishga qiziqadi va uni xotirasida mustahkamlab oladi.

Shuning uchun Pedagog, defektolog, logoped maktabgacha yoshdag'i aqli zaif bolalarga iqtisodiy bilim beruvchi yoki iqtisodiy bilimlarini mustahkamlovchi aqli zaif bolalar o'yinini tashkil qilar ekan, quyidagi talablarga e'tibor berishlari zarur:

o'yinning mazmuni ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lishi;  
aks ettirilayotgan narsalar haqidagi tasavvurlar to'g'ri va to'la bo'lishi, o'yin harakatlari faol ma'lum maqsadga qaratilgan, ijodiy xususiyatga ega bo'lishi kerak.

Shuningdek, hamma va ayrim aqli zaif bolalarning qiziqishlarini e'tiborga olgan holda o'yinga rahbarlik qilish, o'yinchoqlar va kerakli materiallardan maqsadga muvofiq foydalanish va bu bilan aqli zaif bolalarning o'yinda xayrihox va xursand bo'lishlarini ta'minlash lozim.

Pedagog, defektolog, logoped aqli zaif bolalar o'yiniga rahbarlik qilar ekan, aqli zaif bola shaxsining barcha jihatlariga: ongi, his-tuyg'ular, irodasi, xulqiga ta'sir etishi va bundan aqli zaif bolalarni aqliy, axloqiy, estetik va jismoniy jihatdan ham shuningdek, iqtisodiy tarbiyalashda korreksion ishlarni olib borish zarur. Shunda o'yinlar natijasida aqli zaif bolalarning bilimlari tafakkurni boyib, chuqurlashib boradi.

Misol uchun aqli zaif bolalarning eng qiziqarli o'yinlardan biri bo'lgan «Do'kon-do'kon» o'yinini olaylik. Bu o'yinni syujetli-rolli o'yinlar sarasiga kiritish mumkin. Bunda qatnashuvchilar bitta sotuvchi, 3 yoki 4 xaridor. Peshtaxta o'rnda stoldan foydalanish mumkin. Do'kon shaklini tanlash guruh imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda «O'yinchoq

do'koni», «Oziq-ovqat do'koni» yoki aralash mollar do'koni sovun va tish pastalaribir tomonga, kiyim-kechaklar bir tomonga, xullas, har bir mahsulot o'ziga mos tovarlar guruhibilan peshtaxta ustiga chirolyi qilib terib qo'yiladi.

Sotuvchi magazinga kelgan xaridorlarni xushmuomalalik va odob bilan kutib oladi. Xaridorlarning har biriga qanday xizmat borligini, zarur mahsulotni bir zumda muhayyoqilajakligini bildiradi.

Xaridorlardan biriga tish pastasi kerak bo'ladi va sotuvchi bor pastalarni ko'rsatib, narxlarini aytadi. SHuningdek, sotuvchi pastalarni nomlarini, qaerda tayyorlanganligini ham, nima uchun pastalar narxi bir-biridan farq qilishini ham bilishi lozim. Bu bir tomondan, aqli zaif boladan aqliy bilim talab qilsa, ikkinchi tomondan hozirgi iqtisodiyotning shartlaridan bo'lgan reklamadan ham foydalanadi va reklamaning ahamiyatini yanada tushunib etadi. Xaridorlarni kutib olish, ularga xizmat qilit orqali esa aqli zaif bolada avvalo, muomala madaniyati, so'z boyligi va kishilar bilan muloqotga kira olish qobiliyatları o'sib boradi. Sotiladigan narxlar esa aqli zaif bolalarning

Elementar matematik tasavvurlarni shakllantirishda olgan bilimiga qarab qo'yiladi. Chunki, bunda aqli zaif bola pulni bilishi, qancha qaytim qaytarish kerakligini ham bilish kerak. Peshtaxtaga sotiladigan mahsulotlarni chirolyi qilib terib qo'yish orqali aqli zaif boladagi badiiy did. go'zallikka intilish kabi tuyg'ularni o'stirish mumkin. SHuningdek, bu orqali aqli zaif bola mahsulotlarni tartib bilan terish xaridorlarning diqqatini tezroq jalg qilishini va olib kelgan mahsulot tezroq o'z egasiga etib borishini tushunib etadi. Mahsulotlarni reklama qilish orqali uni qaerdan olib kelishimi, O'zbekistoning qaysidavlatlar bilan savdo aloqlari mavjudligini bilib oladi va itkazadi.

Quyida ana shunday o'yin ishlannmalaridan namunalar keltirilgan.

1. «TEJAMLI AQLI ZAIF BOLA BEJOGLA AQLI ZAIF BOLA». Jihoz : Qo'g'irchoq, Bitarovoy, sandiqcha.

Yangi so'zlar: Iqtisod, tejamkorlik.

Maqsad: Aqli zaif bolalarga «Iqtisod» nima ekanligi haqida bilim berish, bozor iqtisodiyoti sharoitida erkin harakatlana oladigan, barkamol, etuk aqli zaif bolalar bo'lib etishishlari uchun, ularni tejaml, tadbirdor bo'lischga o'rgatish, so'z boyliklariga iqtisodga oid yangi so'zlarni kiritish.

Mashg'ulotning borishi: Xona eshigi taqillab, dono Buvijon sandiqcha ko'tarib kirib keladilar. Aqli zaif bolalar salomlashib, kutib oladilar.

Buvijon sandiqchada nima bor? - dsb tarbiyachi murojaat qiladi.

Ha, bunda men Bilarjon nevaramni olib kelganman, - deb sandiqchani ochadilar. Sandiqcha ichidan-Bilarvoy «Assalomu-alaykum» deb chiqib keladi. Aqli zaif bolalarga Bilarvoy murojaat qiladi:

Do'stlarim, mening ismmim Bilarvoy. Bu ismi-chi, aqli zaif bolalar, har narsani bilishga qiziqib, savollar beraverGANIMdan buvijonim quyganlar. Bunijonim menga bir kuni «Iqtisod» degan ertak aytib berdilar. Men hozir sizlarga shu ertakni aytib bermoqchiman, maylimi?

«Iqtisod» bu katta mamlakat ekan. Unda hamma narsa tejab, isrof qilmasdan ishlatilar ekan. U mamlakat aqli zaif bolalari kiyimlarini kir qilmasdan ozoda yurar ekanlar. Non esalar ushog'ini erga to'kmay, ortganini uloqtirmay, ovqat esalar to'kmay tanavvul qilar ekanlar. Kiyim boshlarini, o'yinchoqlarini yana o'z joyiga chirolyi qilib qo'yar ekanlar.

«Iqtisod» mamlakatida aqli zaif bolalarining qiladigan bu ishlari «tejamkorlik» deb aytilar ekan. SHuning uchun ularning «Iqtisod» mamlakatları doimo gullab yashnhar ekan. Aqli zaif bolajonlar, ertagim sizlarga yoqdimi? Qani, u aqli zaif bolalar qilgan ishni biz ham qila olamizmi? Doimo kiyim boshlaringizni ozoda tutib, o'yinchoqlarni o'yinab bo'lib, o'z

joyiga qo'ya olasizmi, sindirib tashlamaysizmi, nonni eb ortiqchasin o'z joyiga qo'yasizmi, tugmangiz uzilsa tashlab yubormasdan olib qo'yasizmi? Ana shunda biz ham o'sha

1. Yangi bozor. 2. Mashina bozori. 3. Tovuq bozori. 4. Dehqon bozori. 5. Qo'y bozori. 6. Qovun bozori. 7. Ko'kat bozori. 8. Ko'chat bozori. 9. O'tin bozori. Bozorda ikki xil ish amalga oshadi: I. Sotuvchi o'z tovarini sotadi. Tovar pulga almashadi. 2. Xaridor pulga tovar sotib oladi. Pul tovarga almashadi. Har ikki tomon ham bundan manfaatdor bo'ladi.

«Iqtisod» mamlakatining aqli zaif bolalariga tenglashamiz. SHunda bizning O'zbekiston mamlakatimiz ham «Iqtisod» mamlakatiga o'xshab, gullab yapshaydi. To'g'rimi. aqli zaif bolajonlar? - deya Bilarvoy aqli zaif bolalar bilan xayrashib Buvijoni bilan birga chiqib ketadilar.

2. «FABRIKA» o'yini. Ekskursiya. Jihoz: Kiyim-kechaklar, «yorliqlar, rasm-qalam, qog'oz, rasmlı kartochkalar.

YAngi so'zlar: Iqtisod. yorliq, mukofot, maosh, boshqaruv, narx, vaqt.

Maqsad: Boshqaruv haqida bilim berish, sifatdi va sifatsiz mahsulotlar, unga sarflangan vaqt haqida, xazina, maosh, narx haqida tushuncha berish, fabrika belgisini o'rgatish.

Mashg'ulotning borishi: U erner direktori va sex bosqliqlari bo'ladi. Qizlar o'tirib, qo'g'irchoqlarga ko'yaklar tikadilar. Sex boshlig'i ularning bajargan ishlarini ko'rib sifatlari va sifatsizga ajratadi-di» SHuncha ko'yakcha tikdingiz» deb maosh to'lanadi Pichilgan va tikilgan ishlar alohida joyga qo'yiladi. «Tayyorlariga fabrika nomi yozilgan yorliqlar qo'yib tikiladi va sotish uchun bog'cha bozoriga chiqariladi. Qancha ko'p va tez sotilsa, ishchilar mukofot oladilar.

3. PUL MUOMALA VOSITASI. «Bozor qanday joy?»

Jihozlar: bozor rasmi, bozorda sotiladigan mahsulotlar rasmi.

YAngi so'zlar: sotuvchi, xaridor, tovar, bozor, jahon bozori.

Maqsad: aqli zaif bolalarni bozor zurlari bilan tanishtirish, u erda amalga oshiriladigan ishlar haqida ma'lumot berish.

Mashg'ulotning borishi: Mahsulotlar sotiladigan va sotib olinadigan joy bozor deyiladi. Bozorda tovar ayirboshlash xaridor va sotuvchi munosabati orqali yuzaga keladi. Sotuvchi tovar egasi. Xaridor-o'z ehgiyoji uchun turli mahsulotlarni sotib oluvchi shaxs, Tovar bozorda oldi-sotdi orqali ayirboshlanadigan mehnat mahsuli. «Moling sara bo'limguncha, borish sara bo'lmas» (maqol). Insonlar mahsulot ishlab chiqara boshlabdilarki, bozor paydo bo'lgan. Qani, aqli zaif bolalar, Qo'qon shahrimizda qanday bozorlar bor?

Bir sanab chiqaylik.

Bozorning eng kattasi Jahon bozoridir. U erda dupyodagi eng sifatli mahsulotlar sotiladi. Bular: paxta, oltin, gaz, qorako'l teri, neft, pilla, ko'mir kabi qazilma boyliklar, zaruriy ashylar va hokazo.

(Raqs: «Bozor borodi qizgina»).

Bu mahsulotlarning kerakligi yurtimiz uchun olib qolinadi va ortiqchasi chet ellarga sotiladi. O'miga kerakli bo'lgan shakar, kartoshka, dori-darmon, un, har xil mashinalar sotib olinadi.

4. «DO'KON» o'yini. Didaktik vazifasi: sotib olish zarur bo'lgan narsani tasvirlashga o'rgatish, xushmuomala bo'dishga, bir-birga e'tiborli bo'dishga do'kondagi muomala normasi, xushmuomalalik bilan so'rashish, rahmat aytish.

O'yin qoidasi: tasvirlanishiga qarab, sotib olinadigan buyum topish, kim birinchi bo'lib topsa, o'sha narsani sotib olishga boradi, xarid qilingan o'ynichoqlarni keyin aqli zaif bolalar o'ynaydi.

O'yin harakatlari: Topishmoq aytish, topish, sotish va sotib olish.

O'yinning borishi: Tarbiyachi ma'lum qiladi: Bugun byuda yangi magazin ochildi.

(O'yin boshlaguncha narsalarni peshtaxtaga qo'yib, sotuvchi tayinlanadi). Kim magazinga borib, narsa sotib olsa, olgan narsasini bizga ko'rsatmaydi. Biz so'raymiz: «Nima sotib olding, bizga ko'rsat!» Bizga javob beradi: «Agar nimaligini topsalaring ko'rsataman».

Aqli zaif bolalardan biri o'yinchoqni tanlab, so'zlay boshlaydi:  
Men tunda yoritadigan narsa sotib oldim. U metalldan, chirog'i qizil.

Fonarcha, - deb topadilar aqli zaif bolalar.

Birinchi xaridorni tarbiyachi tayinlaydi. Hamma aqli zaif bolalar do'konga orqa o'girib o'tiradilar, xaridor sotuvchiga xushmuomalalik bilan so'zlab, o'ziga yoqqan narsani so'raydi va tayoqcha bilan ko'rsatadi. Sotuvchi narsani xaltaga solib, xushmuomalalik bilan deydi: «Marhamat!». Xaridor sotuvchiga rahmat aytib xayrashdi. «Vali nima olding?» deb so'raydilar.

-Avval topinglar, keyin ko'rsataman, - deydi Vali, - men shunday kichkina narsa sotib oldim. Stadionda hakam uni o'zi bilan olib yuguradi, kim qoidani buzsa uni chaladi.

- Hushtak! Ko'rsat!

Vali olgan narsani ko'rsatadi va birinchi bo'lib javob bergan aqli zaif bola xaridor bo'ladi. Shunday qilib, o'yin uning hamma ishtirokchilari o'yinchoq sotib olguncha davom etadi.

O'yinni tushuntirish bilan yakuplash mumkin: «Magazin tushlik vaqtida yopiladi». Aqli zaif bolalar o'yinchoqlarni o'ynaydilar, bir-birlari bilan almashtiradilar. O'yin uchun unutilgan o'yinchoqlarni qo'yish kerak. Tarbiyachi o'yinchoqlarni qanday o'ynash lozimligini eslagipsh mumkin.

Masalap: «Vali! Xokkey o'ynaganlaringda endi sen hakam bo'lising mumkin. Ssnda hushtak bor». Aqli zaif bolalar kim xokkey o'ynapshe kelishib oladilar. «Mep esa aloqachi bo'lamon. Menda fonarcha bor. Men kechasi ham dushmanni ko'ra olaman. Kel, Sanjar aloqachilar bo'lib o'ynaymiz! Men senga ham fonarchamni berib turaman». Magazindan olingen narsani olish orqali aqli zaif bolalarda mustaqil o'ynash ko'nikmalari hosil bo'ladi.

5. «**BUNI QAERDAN SOTIB OLISH MUMKIN?**» Didaktik vazifasi: Aqli zaif bolalarni turli mahsulotlar turli magazinlarda sotilgan haqidagi bilimlарини mustahkamlash. Mahsulotlar oziq-ovqat do'konlariga, sanoat do'konida, kitob do'konida har xil bo'ladi: oziq ovqatlarga meva-sabzavotlar, nonvoyxona, sut kabilar va sanoat mollariga esa poyafzal, kiyim-kechaklar, gazlamalar, sport mollari kabi guruhlarga bo'linadi. Aqli zaif bolalarni do'konlarni bir-biridan farqlashga o'rgatadi. Ularda ota-onasiga engil xarid qilib yordamlatish istagini tarbiyalaydi.

O'yin qoidalari: Kichik suratlarni katga kartochkalar bilan moslashtirish. O'yin «Loto» usulida o'tkaziladi. Xato qilmay, hamma kataklarni berkitgan aqli zaif bola g'alaba qiladi. (yutadi).

O'yin harakatlari: Izlat, topish, kagaklarni berkshish.

O'yining borishi: O'yinni boshlashdan avval tarbiyachi aqli zaif bolalar bilan suhbat o'tkazadi. Kerakli narsalarni onalari qaerdan sotib olingenlarini bilishadimi, qanday do'konni biladilar, do'konlarni nomlari qanaqa, ular ham do'konga boradilar, ota-onalariga yordam beradilarmi? Suhbatdan so'ng tarbiyachi katta kartochkalardagi do'kon satrlarini ko'rsatadi. Aqli zaif bolalar do'kon peshtoqidagi yozuvga qarab, bilib oladi. (Ba'zi aqli zaif bolalar «non», «sut» degan yozuvlarni o'qiy oladilar).

Tarbiyachi: Hozir esa aqli zaif bolalar, o'ynaymiz. Mep sizlarga kichkina kataklarni tarqatib beraman. Sizlar esa bularni qaysi do'kondan sotib olish kerakligini aytasizlar va katta kartochkani ustiga qo'yasizlar.

Shoshilmanglar, diqqat bilan suratga qaranglar! Tarqatib bo'lgach, tarbiyachi ruxsat beradi: «O'yinni boshlang!» Aqli zaif bolalar stolning oldiga kelib, o'z kartochkalaripi

katta karta ustiga qo'yadilar. «Sut» deb yozilgan do'kon oldiga shisha, sut paketlari, yog', qaymoq, tvorog va boshqa narsalarni qo'yadilar. Tarbiyachi to'g'riligini tekshirib turadi rag'batlatiradi. O'yin barcha kerakli narsalarni magazindan sotib olish mumkinligini, ular turli xil bo'litsi bilib olishiga yordam beradi. Oddiy narsani sotib olishga, uyiga yaqin bo'lgan do'konga borishni o'rgagadi.

6. «ISHLASH UCHUN KIMGA NIMA KERAK?». Didaktik vazifasi: Aqli zaif bolalarning ishlaganda kimtilarga gur.shmehnat qurollari yordam berishi to'g'risidagi bilimlarini mustahkamlash kattalar igasha qiziqishpi garbiyalash, mehnat qiligani o'rgatsh.

O'yin qoidaları: Katta xarflardagi katakchalarni o'ziga mos keladigan suratlar bilan berkithish

O'yin harakatlari: Kerakli kartochkalarni sopiga. kim tezroq katta kartadagi kagakchalarini berkithish musobaqasi.

O'yining borishi: Uyin «Loto» tarzida o'tkaziladi. Katta kartalarda opshaz, vrach, shofyor, cho'pon tasvirlangan. Tarbiyachi aqli zaif bolalarning kasblar, mehnat qurollari to'g'risidagi bilimlarini aniqlaydi. Keyin gapida bulgan «Lotto» o'yini qoidalarini eslatadi. Agar aqli zaif bolalar bu o'yinni o'yashmag'an bo'lsa, o'yin qoidasini tushuntirish kerak. Bitta katta kartani olib, uni quradilar, keyin unga mos keladshan suratni, masalan, opshazga kastrulkha, cho'mich, go'sht qiymalagich, choynak kabi narsalarni unga quyadilar. Pedagog, defektolog, logoped qiynalayotgan aqli zaif bolaga savollar bilan yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda aqli zaif o'quvchilarning tafakkur jarayonlaridagi nuqsonlarni korrektsiyalashda o'yinlardan foydalananish yo'llarida nutq nuqsonlarni korrektsiyalash maqsadga muvofiq bo'ladi. Aqli zaif bolalar tafakkur jarayonlaridagi nutqini to'g'ri yo'naltirish, ularning me'yordagi tengdoshlari darajasiga ko'tarilishi uchun tegishli ish usullari o'yinlarni faoydalananish zarur deb topdik.

Adabiyotlar:

1. Aqli zaif bolalar ta'lím-tarbiyasiga qo'yiladigan davlat talabları. Vazirlar Mahkamasining 6.12.99 yildagi 07(40-57-sonli) hujjatiga asosan ma'qullangan.
2. Boboyorova G. Aqli zaif bolalarni mакtabga tayyorlashda interfaol usullardan foydalananish. Maktabgacha ta'lím j., 2007. 6сон. -14 б.
3. Akramova, X. (2020). Ақли заиғділардың компьютер технологиялары асосыда мемнат күннімаларының шақыллантириш. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(16), 1-9. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4013](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4013)
4. Akramova, X. (2020). Коррекционно-педагогические особенности формирование навыков здорового образа жизни у детей с умственной отсталостью в семейных условиях. Архив Научных Публикаций JSPI, 15(1), извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/918)
5. Akramova, X. (2020). Социально-педагогическая работа с детьми дошкольного возраста. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1), извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/674](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/674)
6. Akramova, X. (2020). Didactic Foundations of Labor Activity for Children with Intellectual Disabilities. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/682](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/682)
7. Akramova, X. (2020). Методика формирования общих трудовых навыков у умственно отсталых учеников через компьютерные мультимедийные программы. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(12), 1-7. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3182](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3182)
8. Akramova, X. (2020). Methods of developing general work skills in mentally retarded students through information programs. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/697](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/697)
9. Akramova, X. (2020). Peculiarities of the labor activity of mentally retarded pupils. Архив Научных Публикаций JSPI, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/897](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/897)
10. Akramova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarda axborot dasturlari vositasida umumiy mehnat ko'nikmalarini shakllantirish metodikasi. Архив Научных Публикаций JSPI, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/916](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/916)

11. Akramova, X. (2020). Замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланиш - муваффакият гарови . Архив Научных Публикаций JSPI, 1(12), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3162](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3162)
12. Akramova, X. (2020). Мактабгача ўйдаги болалар билан олб бориладиган ижтимоий педагогик фаолият технологияси. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3994](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3994)
13. Akramova, X. (2020). Mehnat darslarida aqli zaif bolalar nutqini o'stirishning o'ziga xosligi. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4025](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4025)
14. Muzaffarova, X. (2020). Identification of mentally retarded children: Identification of mentally retarded children. JSPI Scientific Publications Archive, 5 (1). Retrieved from [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/556](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/556)
15. Muzaffarova, X. (2020). Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik maxorati. JSPI Scientific Publications Archive, 1 (14), 1-1. Retrieved from [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3790](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3790)

## РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola aqli zaif o'quvchilarning tafakkur jarayonlaridagi nuqsonlarni korrektsiyalashda o'ynlardan foydalanish yo'llarida nazariy va amaliy ishlar shundan dalolat bermoqdaki, nutqiy faoliyat motivatsiyasini boyitish aqli zaif bolalar tafakkur jarayonlaridagi nutqini rivojlantirish borasidagi ishlarning samaradorligini oshirishda ilmiy yondashuvlar asosida yoritilgan.

## РЕЗЮМЕ

В статье отражены теоретическая и практическая работа по использованию игр в коррекции умственной отсталости у умственно отсталых школьников показывает, что обогащение мотивации речевой деятельности основано на научных подходах к повышению эффективности работы по развитию речи у умственно отсталых детей.

## SUMMARY

This article shows that theoretical and practical work on the ways of using games in the correction of defects in the processes of thinking of mentally retarded students is based on scientific approaches to enhancing the effectiveness of work on the development of speech in the processes of thinking of mentally retarded children, enriching the motivation of speech activity.

---

**OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INGLIZ TILINI NOMUTAXASSIS  
BO'LGAN YO'NALISHLARNI O'QITISHDA INNOVATSION  
YONDASHUVLAR  
(DEFEKTOLOGIYA MISOLIDA)**

*Aliyeva D.M.*

*Qo'qon davlat pedagogika instituti o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** innovatsiya, innovatsion yondashuv, komponent, analitik komponentlar, hissiy komponentlar, ijodiy komponentlar.

**Ключевые слова:** инновация, инновационный подход, составляющая, аналитическая составляющая, эмоциональная составляющая, творческая составляющая

**Key words:** innovation, innovative approach, component, analytical component, emotional component, creative component.

Respublikamizda uzlusiz ta'limgizni isloq qilish va uni yanada takomillashtirish, kelajakda yosh avlodni kasbiy madaniyat, ma'naviyat, ijodiy va ijtimoiy faoliyk, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil qatnashish, erkin fikr yuritish kabi qobiliyatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan. Bu esa, albatta, o'z navbatida talabalarning va o'qituvchilarning ilmiy bilim darajasini va faolligini kengaytirishni talab qiladi. Oly ta'limg muassasalarida fanlarni o'qitish jarayonida talabalarning darsga bo'lgan qiziqishlarini orttirishga, mustaqilligi va faolligini rivojlantirishga, mantiqiy tafakkurini o'stirishga qaratilgan interfaol ta'limg

olishlariga ko'mak beruvchi innovatsion usullardan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir. Zero, innovatsion texnologiyalar, yangicha g'oyalar asosida mantiqiy fikrlash uzluksiz ta'limgiz tizimini rivojlantirishning eng muhim omillaridandir. Ushbu omillar ta'limgiz jarayonida ma'lum o'zgarishlarga, ta'limgizning mazmun mohiyati, sifati boyishiga va samarali tashkil etilishiga sabab bo'ladigan turli tashabbus va yangiliklarning yaxlit tizimida namoyon bo'ladi. Ilm, fan va texnikaning jadal rivojlanishi, yangi texnika va texnologiyalarning, jamiyatning barcha qatlamlariga kirib borishi hamda axborot texnologiyalarining barcha davlat va nodavlat muassasalarida qo'llanilishi nafaqat o'quvchi va talabalardan, balki o'qituvchilardan ham uzluksiz bilim olishni talab qilmoqda. O'qituvchilarning faoliyati ko'p qirrali bo'lib, ular boshqaruvchi, muloqot qiluvchi, yo'naltiruvchi, tashkil etuvchi va baholovchi rollarini amalga oshirishlari kerak bo'ladi. Ta'limgiz bo'lgan e'tibor, ayniqsa chet tillariga bo'lgan e'tibor va talab vaqt o'tgan sari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuningdek, Oliy ta'limgiz muassasalarida chet tilini yuqori talab darajasida zamonaviy innovatsiyalar asosida o'qitilishi ham ahamiyatlidir. O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimov "Biz rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan zamonaviy davlat qurish yo'liga qadam qo'yib, kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari izchillik bilan o'tishni ta'minlar ekanmiz, faqat milliy va umumbashariy qadriyatlar uyg'unligi zaruratin teran anglaydigan, zamonaviy bilimlarni, intellektual salohiyat va ilg'or texnologiyalarni egallagan insonlarning o'z oldimizga qo'yagan strategik tarraqqiyot maqsadlariga erishishi mumkin ekanimi hamisha o'zimizga yaxshi tasavvur etib kelmoqdamiz" deb ta'kidlagan edilar. Barcha sohalarda mutaxassislar tayyorlash jarayonlarida ta'limgiz tizimi ustuvorligini, jumladan, chet tillarini o'qitishning yangi texnologiya-mezanizmlari, innovatsion usullarini joriy etishni ta'minlash ahamiyatlidir. Zero, xalqlar o'rtaсидagi doimiy aloqa, ma'naviy, ijtimoiy va shu kabi muloqotlar til orqali namoyon bo'ladi. Shu boisdan ham chet tillarini o'qitish va o'qish alohida ahamiyat kasb etadi.

Oliy ta'limgiz muassasalarida asosan o'smirlar ta'limgiz oliganliklari sababli, ular ongida ijodiy qobilyatlarni uyg'otish va shakllantirish bugungi kunda dolzarb masalalardandir. Ingliz tili, uning rivojlanish tarixi, xalq madaniyati va kundalik hayotini o'rganish nafaqat talabalarning ingliz tilini o'rganishga qaratilgan faoliyati, balki chet tilini o'qitishni ta'minlaydigan va shu soha vakillarining ijodiy qobilyatlarni aniq hayotiy material bo'yicha shakllantirish va rivojlanish shartlaridan biri sifatida e'tiborga olimishi lozimdir. Oliy ta'limgiz muassasida tahsil olayotgan talaba yoshlarning ijodiy qobilyatlarni shakllantirish, fikr doirasini kengaytirish va ularning chet tili bilim ko'nikmalarini mustahkamlashga qaratilgan komponentlar deb quyidagilarni aytma olamiz:

Analitik komponentlar – konseptual va mantiqiy fikrlash, izchillik, harakatchanlik, selektivlik, assotsiativlik, bilim, farqlash qobilyati kabilarni aytma olamiz.

Hissiy komponentlar – hissiy-majoziy fikrlash; tasvirlarning yorqinligi, voqealarni, faktlarni, hoidsalarni hissiy baholash va shu kabi emotsiyon yondashuvlar.

Ijodiy komponentlar – visual bo'lib, talabalarning samarali fikrlashi uchun muhim omildir. Bunda ular oqilona yechimlarni izlash, nostandart (individuallik, o'ziga xoslikning namoyon bo'lishi, stereotiplardan xalos bo'lish), natijani oldindan tahmin qila olish qobilyati, faoliyatdagagi eng yaxshi bilim va ko'nikmalarini analiz-sintez qilish istagi, ularga o'z shaxsiy fikrini berish qobilyati, ma'lum bo'lgan yo'llardan eng maqbulini tanlash va to'g'ri tanlovi asoslay olish kabi qobilyatlardur. Bu kabi komponentlar talabaning fikrlash doirasini het tili o'rganishi jarayonida ham izchil rivojlan Tirib boradi.

Innovatsion ta'limgiz yoki innovatsion o'qitish metodikasi iboralarini ishlata ekanmiz, odatda, o'quv jarayoniga foydalni va yangi elementlar olib kirish tushuniladi. Shu bois dan ta'limgiz tizimida innovatsiya qilish, bu o'zgartirish kiritish hisoblanib ta'limgiz jarayonini

murakkablashtirmasligi, aksincha uni osonlashtirib o'rganuvchilar e'tiborini jalg qilishi bilan xarakterlanadi. Ingliz tilini o'qitish jarayonida to'rt aspektlarni (o'qish, yozish, tinglab tushunish va gapirish) ko'nikmalarini hosil qilish zarur. Ta'limgarayonida turli xil texnologiyalardan foydalanish, ta'limning sifati oshishiga va talabalarning diqqat e'tiborini yanada jalg qilishga sabab bo'la oladi.

Ta'limgarayonida zamona viy axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish, ta'limgarayoniga zamona viy innovatsion texnologiyalarini olib kirish orqali ta'limgarayonida oshirish hamdir. Xususan, chet tilini o'rganishda bunday axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishning bir qancha afzalliklari mavjuddir. Til o'rganish va o'rgatish jarayonida zamona viy taxnologiyaning roli beqiyos. Texnologik vositalardan foydalanish chet tili o'rganishning har bir aspektida samaralidir. Masalan, tinglab tushunish uchun, albatta kompyuter, player, CD disklarisiz bu jarayonni amalga oshirish mumkin emas. Tinglab tushunish til o'rganishning eng muhim qismalaridandir. Bunda o'quvchi bir paytning o'zida so'zlovchining talaffuzi, grammatik qoidalarga rioya qilganligi, so'z boyligi va uning ma'nolariga e'tibor berishi talab qilinadi. Ta'limgarayonida zamona viy texnologiyalardan foydalanishda o'quvchilar ham axborot - kommunikatsion texnologiyalarni yaxshi bilishi, ulardan foydalana olishi eng asosiy omillardandur. Chet tilini zamona viy texnologiyalardan foydalaniib o'rgatish va o'rganish eng samador va bir necha yillardan buyon sinalib kelinayotgan usullardan biridir. Ma'lumi, bugungi kunda ta'limgarayonida o'quvchi subyekt hisoblanib, dars vaqtida asosiy ishtiropchi hisoblanadi. Shu sababi ko'proq interfaol metodlarga e'tiborni qaratish ta'limgarayonida oshirad. Ingliz tili darslariga qo'yilgan eng muhim talablardan biri talabalarni mustaqil fikrashga o'rgatishdir. Bugungi kunda ingliz tili o'qituvchilar Yevropa pedagoglari tajribasiga tayangan holda quyidagi innovatsion metodlardan foydalanishmoqda:

- “Muammoli vaziyat yechimi” (Creative Problem Solving) - bu usulni qo'llash uchun hikoyaning boshlanishi o'qib beriladi qanday yakun topishi o'quvchilar, talabalarni hukmiga havola qilinadi;
- “Quvnoq topishmoqlar” (Merry Riddles) talabalarga topishmoqlar o'rgatish Ingliz tilini o'rgatishda muhim ahamiyatga ega, ular o'zlariga notanish bo'lgan so'zlarini o'rganadilar va o'ylab topishmoq javobini topadilar;
Юкоридаги карор ва фармонларниң бажарилиши, мактабгача таълим ташкилотларида таълимий ўйин фаолиятлари сифатининг оширилиши, болаларга билим бериш бўйича замонавий таълим технологиялардан фойдаланиш жойларда қандай кечётганинг кизиқиши ўйтоши табиийдир.

Шундай экан, мактабгача таълимда математик тасаввурларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш орқали мустақил фикрлай оладиган болаларни мактабга тайёрлашимиз асосий вазифамиз бўлмоғи даркор. Бу ўз навбатида, мактабгача таълим ташкилотларида болаларниң математик тайёргарлигини кучайтириш, дидактик шароитларни аниқлаш, уларга билимли ва юксак педагогик маҳоратга эга педагог-тарбиячиларни жалб этишини ҳамда уларниң касбий малакасини мунтазам ошириб боришини талаб этади. Бу бежиз эмас албатта, чунки болаларниң мактабгача таълим ташкилотида олган билимларни келгуси мактаб фаолиятида амалга оширишда улар муҳим хисобланади. Бу даврда болаларниң эгаллаётган билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш амалга оширилади. Бу эса келгусида боланинг мактабга тайёр бўлиб этишишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Болаларниң математик тасаввурларини шакллантиришда маҳаллий ва хорижий илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда энг мақбул усуслардан фойдаланиш, методик таъминотни такомиллаштириб бориши, таълимий ўйин фаолиятлар жараёнига замонавий педагогик технологияларни кўллаш орқали билим бериш сифатини, болаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришини таъминлаш лозим. Мазкур жараённи янги авлод ўқув адабиётлари ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларига билимли педагог-тарбиячиларни жалб этиш, узлуксиз таълим тизими бўйича тажриба алмашиш, билим ва кўникмаларини тикилаш, уларни янгилаш, келажакка қаратилган мазкур қарор ва фармонларда белгиланган вазифаларни ечишига ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим ташкилотларида болаларниң математик тасаввурларини шакллантириш восита ва усусларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиши ҳамда амалиётта жорий этиш асосий вазифалардан бири бўлиб, таълимий ўйин фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Лекин бу борада ҳам бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Жўмладан, болаларниң математик тасаввурларини шакллантириш доирасидаги муаммоларниң илмий асосда ишлаб чиқилемаганлиги;

- болалар билимининг давлат талаблари даражасида бўлишини янада такомиллаштириш зарурати;

- элементар математик тасаввурларни шакллантириш бўйича янги авлод ўкув адабиётларини яратиш лозимлиги;
- ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучи ва танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган шахс маънавияти ва унинг илмий дунёкашини шакллантириш принципиал аҳамиятга эгалиги;
- илк математикани ўрганишга интеграцион ёндашувнинг таълимий ўйин фаолият самарадорлигини оширишга хизмат килиши;
- педагог ва тарбиячилар учун ушбу соҳада зарур методик қўлланмаларнинг камлиги сабабли, уларнинг амалий фаолиятларида кийинчиликлар туғдираётганилиги ва бошқалар.

Бизнинг назаримизда муаммоларнинг сабаблари куйидаги ҳолатлар билан изоҳланади: математикада берилган материаллар болаларни фикрлашга, мустақил фаолият юритишга ундасада, педагог-тарбиячилар бу имкониятдан етарли даражада фойдалана олмаяптилар ҳамда уларнинг аксарияти математикадан таълимий ўйин фаолиятларни ташкил этишга нисбатан ижодий, технологик ёндашув кўникмаларига, педагогик технологиялар, болаларда математик тасаввурларини шакллантириш тўғрисидаги методик мажмууларга эга эмаслар. Қайд этилган ҳолатлар болаларда математик тасаввурларни шакллантиришни мажбурият юзасидан ўзлаштириш кўникмасини ҳосил қиласди. Билимларнинг мажбурий тарзда ўзлаштирилиши уларнинг пухта бўлмаслигига олиб келади. Замонавий ижтимоий-педагогик талаблар эса болаларнинг илмий дунёкашга эга бўлишларини тақозо этади. Улар томонидан математикага оид билимларнинг пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи омил бу, болаларда математик тасаввурларини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур жараёнга янгича ёндашиш педагогик-дидактиканинг илмий принципларини амалга татбиқ этиш, ҳозирга қадар математика соҳасида ўйл қўйиб келинган хато ва камчиликларнинг асл моҳиятини англаб олиш, улардан тегишили хулоса чиқариш, бугунги ва кела-жакдаги вазифаларни тўғри белгилаб олишга кўмаклашади. Шундагина, болаларда математик тасаввурларни шакллантириш олдига кўйилган вазифалар муваффакиятли амалга оширилади. Ҳозирги замон дидактикаси ва методикасида бу борада замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш муаммоси кўпинча таълим узвийлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмокда.

Юқорида таъкидланган муаммоларни бартараф этиш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) Болаларнинг математик тасаввурларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришда замонавий ўқитиш технологиялар (инновацион, педагогик, ахборотлар)дан фойдаланиш масаласининг бугунги аҳволини таҳжил қилиш;

2) Технологиялардан фойдаланиш жараёнида таълимий ўйин фаолият самарадорлигига эришиш тамоийларини аниқлаш;

3) Мазкур технологиялардан фойдаланишга қаратилган методик шакл ва усулларнинг таълимий ўйин фаолият самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини илмий асослаш;

4) Болаларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантирувчи турли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

5) Математик таълимий ўйин фаолиятларини мавзуй режалаштириш ва ҳар бир мавзу юзасидан болаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга кўйиладиган минимал талаблар, математикани илгор педагогик технологиялар асосида ўргатиш каби илмий-методик тавсияларни ва таълимий ўйин фаолият ишланмаларини ишлаб чиқиш;

6) Болаларда математик билимлар узвийлигини шакллантирувчи самарали воситаларни белгилаш, математиканы узвий боғлаб ўрганиш орқали болалар онгида мілділік ва умуминсоний қадриятлар үйғуллигини шакллантириши;

7) Таълимий ўйин фаолиятда мазкур технологиялардан фойдаланишга омил бўлувчи методик шарт-шароитларни яратиш;

8). Инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ турли шакл, усул, воситаларни амалиётта жорий этиш;

9) Болаларда математик тасаввурларни шакллантиришининг таълимий, ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш;

10) Тайёрлов гурухи болалар савиясини ўстириб боришининг мухим дидактик тамойиллари (оддийдан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб бориб, абстракциялаш ва умумлаштириш) асосида яхлит тафаккурга эришиш;

11) Болаларнинг математик тасаввурларини шакллантириб, кейинги фаолиятларда улардан фойдаланиш кўнимкаснин ривожлантириш;

12) Математика таълимининг индуктив ва дедуктив хуносалар чиқариш ва мустақил ишлашнинг фаол воситалари, билишга бўлган қизиқишиларини рагбатлантирувчи методларидан унумли фойдаланиш;

13) Математикага оид билимларнинг турли манбаларидан олган билимларини умумлаштирган ҳолда кўллашни талаб қилувчи муаммоли вазиятларни яратиш;

14) Болаларнинг математикадан олган билимларига таяниб мушоҳада юритиш асосида жавоб топишга ундовчи турли муаммоли топширикларни мунтазам кўллаш;

15) Турли тайёргарликка эга бўлган болаларнинг математикадан амалий топширикларни бажариши натижаларини баҳолашга табакалаштириб ёндашиш;

16) Болаларнинг умумий ўкув кўйнекларини мунтазам шакллантириб бориш;

17) Элементар математиканинг ўзига хос ўрнини кўрсатувчи материаллар ва болаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи методик жиҳатлари самарадорлигини фаоллаштирувчи ҳамда Б.Блум саволларни орқали аниқлаш кабилар.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланишининг восита ва усулларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётта жорий этиш баробарида, уларнинг математик тафаккурини шакллантириши ва таълимий ўйин фаолияти самарадорлигини оширишининг мухим омили сифатида қаралади. Дастрлаб, янгилangan таълим хужжатларига мувофиқ тажриба-таянч ўкув режасида белгиланган математика давлат таълими стандарти лойиҳаси асосида дастурда ажратилган таълимий ўйин фаолият соатларидан келиб чиқкан ҳолда элементар математикадан янги синов дастурларини яратиб, унинг мазмунида юкорида қайд этилган муаммоларни акс эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юкорида билдирилган мулоҳазалар болаларда математик тасаввурларни шакллантиришда кўйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиши мақсадга мувофиқ эканлигини англатади:

- болаларнинг ёш, психологияк хусусиятларини ўрганиш,
- уларда математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш ҳамда бунга имкон берувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш;
- математик таълимий ўйин фаолиятининг ташкил этилишини таъминлашга эътиборни қаратиш ҳамда уларни аниқ мақсадга асосланувчи лойиҳа асосида ташкил этиш;
- бу жараёнда болаларнинг мустақил фикрлаши, ҳар бирининг фаоллик кўрсатишларига эришиш;
- самарали назорат усуллар воситасида болаларда математик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини ўрганиб бориш ва таҳлил этиш.

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон карори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон фармони.
3. Щербакова Е.И. Методика обучения математике в детском саду. – М.: Академия, 2002.
4. Белошистая А.В. Обучение математике в ДОУ: Методическое пособие. – М.: Айрис-пресс, 2005.
5. А.Мавлянов, С.Абдалова, Л.Ю. Юсупова. «Педагогик технология тамоиллари асосида дарс машгулотларини олиб бориши технологияси». Т. 2010.
6. Қодирова Ф., Тошпўлатова Ш., Каримова Н., Аъзамова М. Мактабгача педагогика. Даэрслик. Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2019.–158 б.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг математик тасаввурларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлидаги вазифалар ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье описаны проблемы совершенствования методики формирования математического воображения детей в дошкольном образовании и задачи по их преодолению.

## SUMMARY

The article describes the problems of improving the methods of forming the mathematical imagination of children in preschool education and the tasks of overcoming them.

---

## МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARGA EKOLOGIK ТА’LIM-TARBIYA BERISHDA VIZUAL TEKNOLOGIYALARНИНГ О’РНИ

*Kubayeva M.B.*

*Navoiy davlat pedagogika instituti “Maktabgacha ta’lim” kafedrasini o’qituvchisi*

**Tayanch so’zlar:** ekologiya, bola, ta’lim, tarbiya, vizual texnologiya, usul, audio, video, matn, grafika, animatsiya, effekt, interfaol.

**Ключевые слова:** экология, ребенок, обучение, воспитание, визуальная технология, метод, аудио, видео, текст, графика, анимация, эффект, интерактивность.

**Keywords:** ecology, child, education, upbringing, visual technology, method, audio, video, text, graphics, animation, effect, interactivity.

Ekologik muammolarning tobora global ahamiyat kasb etib borayotganligi inobatga olinib, so’nggi yillarda muhim ustuvor vazifalar bilan bir qatorda atrof-muhit muhofazasi, ekologik madaniyat, ekologik ta’lim-tarbiya, ekologik ma’rifat masalalariga alohida e’tibor berilmoqda.

Ekologik ta’lim-tarbiyaning dolzarbliji mamlakatimiz tabiatni, ekotizimlari, atrof-muhitni beqarorlik va izdan chiqishdan asrash, aholining ekologik madaniyatini oshirish, ushbu o’ta jiddiy, hayotiy masalalarga aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlar hissa qo’shishi zarurligi bilan belgilanadi.

Ma’lumki, yurtimizdagи maktabgacha ta’lim tashkilotlari ta’lim - tarbiya sohasida ekologik ta’limga oid elektron - metodik vositalarni yaratish va innovatsiyalardan foydalаниш imkoniyatini kengaytirish yuzasidan aniq takliflar ishlab chiqilmaganligi, shuningdek, maktabgacha ta’lim sohasida pedagog-tarbiyachilarning faoliyatini metodik jihatdan ta’minlovchi o’quv materiallari, shu jumladan, ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasiga oid o’quv qo’llanmalari yetarli emasligi inobatga olinib, 2019 yil 27 mayda O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 434-sonli qaror, ya’ni O’zbekiston Respublikasida “Ekologik ta’limni rivojlantirish Konsepsiysi” ishlab chiqildi.

Ushbu Konsepsiya belgilangan vazifalarga ko'ra, maktabgacha ta'limga tashkilotlari o'quv jarayonining ilmiy asosi sanalmish "Ilk qadam" dasturida belgilangan ekologik ta'limga oid mavzular va amaliy mashg'ulotlarni to'laqonli tashkil etish maqsadida "Ekolog bolajon" dasturi ishlab chiqilishi va amaliyotga joriy etilishi ta'kidlangan. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'limga vazirligi tomonidan ekologik sanalar bo'yicha turli yoshdagi guruhlar uchun "Ekolog bolajon" dasturi asosida tizimi mashg'ulotlar rejasiga va dasturlari ishlab chiqilib, maktabgacha ta'limga tashkilotlarida "Ekologik yo'lakchalar" tashkil etilmoqda. Bunga ko'ra, tarbiyalanuvchilarning ongiga O'zbekiston Respublikasi Qizil kitobiga kiritilgan o'simlik va hayvonlar haqidagi dastlabki tushunchalar singdirilmoqda va muhofaza qilinadigan o'simlik va hayvonlar rasmlarini chizish orqali bolalarda dastlabki ekologik bilimlar shakllantirilmoqda. Shuningdek, ta'limga dasturi o'rta, katta va maktabgacha tayyorlov guruhlari uchun jonsiz tabiat (o'simliklarning dunyosi), jonli tabiat (hayvonot dunyosi) hamda sayrda bo'lib o'tadigan jonsiz va jonli tabiat tushunchalarini uyg'otishga yo'naltirilgan bo'lib, bunda, mavzularni qayta belgilashda yer yuzida, shu jumladan, yurtimizda yo'qolib borayotgan va kamyob turdagini o'simlik va hayvonot dunyosi hamda ularni asrab-avaylash masalasiga alohida urg'u berilmoqda.

Maktabgacha ta'limga tashkilotlari ta'limga dasturlari atrof-muhitni muhofaza qilish va atrofimizdagi olamni toza saqlash, shu jumladan, maishiy chiqindilardan tozalash kabi tushunchalar bilan boyitish boriladi. Bundan tashqari har bir maktabgacha ta'limga tashkilotida ekologik burchaklar tashkil etish hamda ularni zarur materiallar bilan ta'minlash asosiy vazifalaridan biri sifatida belgilanmoqda.

Maktabgacha ta'limga tizimida tarbiyalanuvchilarning ekologik ongi ularning ko'ziga yaqqol tashlanadigan atrof tabbiy mutih (yer, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi) bilan "Ona tabiat" mavzusida ochiq havoda tanishtiruv soatlarini o'tkazish, rasmlar chizdirish, atrof olam haqidagi she'rlarni yod oldirish, mashqlarini bajartirish va turli mavzudagi o'yinlarni tashkil etish orqali shakllantiriladi. Shuningdek, tarbiyalanuvchilarga ekologik ta'limga – tarbiya berishning oson va tushunarli usuli sifatida o'quv jarayonini vizual texnologiyalar asosida tashkil etish bolalarda atrof-muhitga bo'lgan munosabatni yanada rivojlantiradi.

Vizual texnologiya o'zi nima? Vizual texnologiya – bu axborot kommunikatsiya vositalarining dasturiy va texnikaviy vositalari asosida audio, video, matn, grafika va animatsiya effektlari asosida o'quv materiallarini bolalarga yetkazib berishning mujassamlashgan holdagi ko'rinishidir.

Rivojlangan mamlakatlarda o'qtishning bu usuli, hozirgi kunda ta'limga sohasi yo'nalishlari bo'yicha tatbiq qilinmoqda. Amaliyot tajribalaridan shu narsa ma'lumki, vizual texnologiya asosida ta'limga jarayoni samarali bo'lishi isbotlangan. Vizual texnologiya vositalari asosida bilim berishda 30 % gacha vaqtini tejash mumkin bo'lib, olingan bilimlar esa xotirada uzoq muddat saqlanib qoladi. Agar tarbiyalanuvchilar berilayotgan materiallarni ko'rish (video) asosida qabul qilsa, axborotni xotirada saqlab qolinishi 25-30 % ga oshadi. Bunga qo'shimcha sifatida o'quv materiallarni audio, video va grafika ko'rinishda mujassamlashgan holda berilsa, materiallarni xotirada saqlab qolish 75 % ga ortadi.

Bolalarga ekologik ta'limga-tarbiya berishda o'rganiyatotgan ma'lumotni yaxshiroq eslab qolishlari va bilimlarni o'rganishlari uchun tarbiyalanuvchilarning e'tiborini jalb qilish lozimdir. Bunday natijaga faqat yuqori sifatlari, qulay, yorqin vizual materiallar tufayli erishish mumkin. Vizual texnologiya - bolaning e'tiborini jalb qilishga imkon beradigan, diqqatini jalb qiladigan va o'z navbatida materialni osonlik bilan o'zlashtirishi hamda yaxshiroq eslab qolishiga imkon beradigan vositatadir. Vizual texnologiyalar nafaqat xotiraga ta'sir qiladi, balki tasvirlarning ravshanligi tufayli, bola o'zi uchun tushunarli bo'lgan analogiyalarni yaratadi. Shu sababli, vizual texnologiya turli xil tushunchalar ishlatalidigan

doiraga kiritilib, bularning barchasi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ekologik ta’lim-tarbiya berish sifatini yaxshilaydi. Masalan, maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalarga ekologik ta’lim-tarbiya berish jarayonida tarbiyachi materialni og’zaki ravishda taqdim etishning o’rniga, vizual diagramma-rasm orqali taqdим etsa, bolada tasavvur qilish ancha yaxshilanadi. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarga ekologik bilim berishning vizual texnologiyalaridan foydalanishda asosiy maqsad va vazifalar sifatida quyidagilarni sanab o’tish mumkin:

- Atrof-muhit nisbatan o’z harakatlarning oqibatlarini anglashga va tabiat bilan nisbiy uyg’unlikda yashashga qodir yangi shaxsni shakllantirish;
- Bolalarda ekologik ta’lim-tarbiyaning asosiy asoslarini shakllantirish;
- Tirik organizmlarning ularning atrof-muhit bilan o’zarboqligini aks ettiruvchi, ona tabiatining elementar ekologik bilimlarini o’zlashtirish;
- Tabiatni muhofaza qilish sohalarida boshlang’ich g’oyalar va amaliy ko’nikmalarga ega bo’lish;
- Bolalarni ular bilan aloqada bo’lgan ob’ektlar va tabiiy hodisalarga ijobjiy faol munosabatda bo’lishga o’rgatish;
- Har bir bolaning ona vatanining tabiatini bilan muloqot jarayonida tarbiyaviy, ijodiy va ma’naviy-axloqiy potentsialini ochish va rivojlanтирish.

Vizual texnologiya bolaga nima beradi?

- O’z ona yurtining tabiatini bilan ko’rish orqali aloqa qilish jarayonida har bir bolaning ekologik, ijodiy va ma’naviy-axloqiy tarbiyasi rivojlanadi;
- Tabiatni asrash, inson ekologiyasi haqida dastlabki g’oyalarni oladi;
- Bola o’zining vizual - majoziy tafakkuri bilan, ob’ekt bilan bir vaqtida ko’rish, eshitish, harakat qilish yoki ob’ektning harakatlarini baholash mumkin bo’lgan narsani tushunadi;
- Ularga ob’ektlarni sezish va idrok qilish ma’lumotni qabul qilish osonroq bo’ladi.

O’quv jarayonida vizual texnologiyalardan foydalanish, bilimlarni puxta o’zlashtirish uchun alohida ahamiyat kasb etadi. Ular ta’lim jarayonida ko’rgazmalilik prinsipi bilan bog’langanda yanada kengayadi va takomillashadi. Vizual texnologiya shu bilan belgilanadiki, ularni qo’llash asosida yangi bilimlar olish maqsad qilib qo’yiladi. Bu jarayonda o’quv filmlaridan, diafilm va diapazitvlarning axborot matnlari (ostidagi sur’at) yozuvlar yangi bilimlar egallash uchun bilimlar manbai bo’lib xizmat qiladi. Bolalarga ekologik ta’lim-tarbiya berishda tabiiy materiallar va turli xil rasm hamda jadvallar namoyish qilinadi. Tarbiyalanuvchilar esa tarbiyachi tomonidan qo’yilgan ko’rgazma vositalarning kuzatish asosida (topishi) berilgan topshiriqqa asoslanib, javoban fikrlaydilar, tahlil qiladilar, so’ngra xulosa chiqaradilar. Har qanday holatda ham vizual texnologiyalar qo’llanilganda bolalarning faol idrok etishlari va fikrashlari ko’zda tutiladi, shuning uchun ham ular oldida aniq bilish vazifasi qo’yiladi. Unda jismlar va jarayonlarni kuzatish, qarab chiqish va namoyon bo’lgan borliq va jarayonlarni o’rgatish ko’rsatilishi lozim. Kuzatish va o’rgatish holati frontal, guruh yoki yakka tartibda o’tkazilishi mumkin.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ekologik ta’lim-tarbiya berish jarayonida bolalarga tabiiy ob’ektlarni namoyish qilishiga katta e’tibor beriladi. Bu bolalarda faqat ularni hajmi, shakli va boshqa belgilari haqida tasavvur qilibgina qolmay, shu bilan birga o’zlashtirish jarayonini tezlashtiradi va faollashtiradi.

Vizual texnologiyani amalga oshirishda ko’rgazmali vositalar asosiy o’rin tutadi. Ko’rgazma vositalar ikki guruhga bo’linadi, tabiiy va tasviriy.

Tabiiy ko'rgazma qurollar tabiat jismlaridir. Ular: xona o'simliklari, daraxt shoxlari, barglar, gullar, mevalar, urug'lар, ildizlar, gerbariyalar kolleksiyalari, guldastalar va meva sabzavotlar xo'l preparatlaridir. Hayvonlar bo'yicha esa: hayvonlarning tirik namunalari, tulumlari, skeletlari, hashoratlar kolleksiyalari.

Bolalarning bevosisa ko'rib qabul qilish imkonini bo'limgan jismlar tasviriy ko'rgazmalar orqali yetkaziladi. Ular maxsus magazinlarda sotiladi. Mulyajlar, modellar, rasmlar, ekran qo'llanmalari, tasviriy ko'rgazmalardir.

Vizual texnologiyaning qo'llanishini mohiyati shundaki, tarbiyalanuvchilar mazkur ko'rgazmalardan o'z o'rniда foydalangan holda ular haqida, ya'ni tabiat jismlari va hodisalariga doir yangi bilimlar hosil qilishdan iborat.

Tabiiy materiallarni mustaqil ravishda o'rganayotganda bolalarning kuzatuvchanligi va diqqat e'tibori rivojlanadi. Bu paytda tarbiyachi kuzatishning to'liq rejasini berish hamda o'rganilayotgan jismning belgi va xususiyatlarini qanday aniqlashni ko'rsatish kerak. Kuzatuvchanlikni rivojlantirishda karta ham katta rol o'ynab, kartada sayohat o'yinlarini o'tkazish, o'rganish asosida sharqli kartagrafik belgilarni izchil o'zlashtiriladi.

Vizual texnologiya asosida uyuştirilayotgan mashg'ulotlarda bolalar diqqatiga havola qilish qisqa muddatli, diqqatni jalb qiluvchi tajribalarga ham e'tibor qaratiladi. Tajriba - tarbiyalanuvchilar uchun qiziqarli va atrof-muhitni bilib olishning samarali usulidir. Kichik, qisqa muddatli tajribalarning targ'ib topishida o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. U mantiqiy tafakkur va nutqni o'stirishda, tabiatning ichki muhim sirlarini ochishda o'ziga xos o'ringa ega. Ularning natijasini ularoq bolalar yangi bilimlarga ega bo'ladilar.

Xulosa o'mida shuni aytish mumkinki, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida pedagog-tarbiyachilarning asosiy vazifasi bolaga har bir tirik organizmni yashash huquqiga ega bo'lgan o'z-o'zini qadrlaydigan, noyob mavjudot sifatida qarashiga o'rgatishidir. Shuningdek, bolalarga ekologik ta'lim-tarbiya berish jarayonini vizual texnologiyalar asosida tashkil qilish, ularda tabiat va atrof-olamning turli-tuman shakl, hajm, ranglar jilosi, voqeliklarning o'zaro o'zviy bog'liqligi sabab va oqibat jarayonlarini his qilishini, idrok etish, faktlarga tayanib tafakkur yoritishlari, xulosalar chiqarishlari hamda shu asosda dunyoviy bilimlarni egallashlariga zamin yaratishidir.

#### Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 27-maydag'i "O'zbekiston Respublikasida ekologik ta'limni rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 434-sон qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining "O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdag'i bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talabları." Toshkent, 2018 yil 18 iyun 1-mh sonli buyrug'i.

3. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining "Ilk qadam" Davlat o'quv dasturi. Toshkent, 2018 yil 7 iyul, 4-soni Hayat Qarori.

4. Namatov A.N. Ekologiya / Asosiy atama va iboralarning izohli lug'ati. - T.: «Bioekosan» nashriyoti, 2001.

5. To'xtayev A.S. Ekologiya / Pedagogika institutlarining talabalari uchun o'quv qo'llanma. - T.: "O'qituvchi" nashriyoti, 2001.

#### РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarga ekologik bilim berishning ahamiyati hamda bu jarayonda vizual texnologiyalar va ularning olib borilishi haqida bayon etilgan.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье освещено значение использования визуальных технологий в экологическом образовании дошкольников в ДОО.

#### SUMMARY

The article discusses the importance of environmental education for preschool children and the use of visual technologies in this process.

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ФАЗОДА МЎЛЖАЛГА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Азимова М.Ў.

Навоий давлат педагогика институти «Мактабгача таълим»  
кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** фазо, объектларнинг шакли, ўлчам, фазовий йўналишлари, фазода жойлашган ўрни, хажми, бўйи, ени, баландликлари.

**Ключевые слова:** пространство, форма предметов, размер, пространственные ориентации, место в пространстве, размер, ширина, высота.

**Key words:** space, shape of objects, size, spatial orientations, place in space, size, height, width.

Миллатнинг соглом генофондини тайёрлаш,  
аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириши ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз», - дея алоҳида ургу бериши зиммамизда ҳалқ манфаатлари, фарзандлар келажаги, уларнинг тарбиясига оид масъулият нечоғли юкори сканидан далолатдир. Зеро, фарзандлар бизнинг келажагимиз, улар ота-она ва аждодларимиз ишининг давомчилари хисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимин янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сонли Фармони, 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли карори, шунингдек Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июнданги 1-мҳсонли «Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» хамда «Илк қадам» мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастурини амалда жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси президентининг «Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожланириши консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Математика ўзига хос ривожланиш таъсирига ега. Уни ўрганиш хотира, нутк, тасаввур, хис-туйғулар ривожланишига ёрдам беради; шахснинг катъият, сабр-токат ва ижодий салоҳиятини шакллантиради. Ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам бошланғич математик тушунчаларни шакллантириш болаларнинг ривожланиши учун ноёб имкониятларга ега, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаётӣ шахсий фазилатларини шакллантирадиган болаларнинг ривожланишида кучли омил — дикқат ва хотира, фикрлаш ва нутқ, аниқлик ва меҳнацеварлик, алгоритмик кўнікмама ва ижодкорлик. Бирок, маълум элементар математик кўнікмаларни ривожланириш учун мактабгача таълим олувчилярнинг мантиқий тафаккурини ривожланириш керак.

ИНсоннинг теварак атрофда мўлжал олиш муаммоси кенг ва кўп киррали. Теварак атрофда фарқлаш ва фазони идрок қилиш, фазовий тасаввурлар ва ҳар хил фазовий муносабатларни, масалан, объектларнинг шакли, ўлчами, фазовий йўналишлари,

фазода жойлашган ўрни, ҳажми, бўйи, эни, баландликлари каби масофаларининг хаммаси ҳар хил фазовий категориялардир. Уларни идрок қилиш ва улар ҳақидаги тасаввурлар фазовий идрок-тасаввур килишдир.

Профессор В.С.Свердловнинг тавсифи бўйича, фазода мўлжал олиш «Фазовий идрок ва тасаввурларнинг амалий ифодаси»дир. Фазода мўлжал олиш фазони бевосита идрок қилиш ва айтиб ўтилган категорияларни билиш асосида амалга ошади. Бунда диккат, хотира, тафаккурнинг қатнашиши мажбурийдир. Мана шунинг учун ҳам фазода мўлжал олиш тушунчасининг мазмунини аниқлашда баъзи муаллифлар-у атроф-теваракдаги буюмларнинг ҳолатлари, ўзаро масофалари, катталиклари, шакллари, ўзаро жойлашувлари ва уларнинг мўлжал олинаётган жисмга нисбатан вазијатларини ўз ичига олади, деб хисоблайдилар. Бир мунча торроқ маънода фазода мўлжал олиш ифодаси жойда мўлжал олишни билдиради. Бу ҳолда фазода мўлжал олиш дейилганд, қўйидагилар тушунилади:

»Туриш нуктаси«ни, яъни субъектнинг уни ўраб олган объектларга нисбатан маконини аниқлаш. Масалан, мен уйдан ўнг томонда турибман ва ҳ. к.

-атрофдаги объектларни фазода мўлжал олаётган одамга нисбатан яккалаштириш. Масалан, жавон мендан ўнгда турибди, эшик еса мендан чап томонда;

-буюмларнинг бир-бирига нисбатан фазода жойлашувларини, бошқача айтиганда, улар орасидаги фазовий муносабатларни аниқлаш. Фаол ҳаракат қилиш фазода мўлжал олишининг зарур компонентидир, чунки инсон фазода жойнинг бир нуктасидан иккинчи нуктасига; ҳаракат қилиб, муваффакиятли ўтишини амалга ошириш учун фазода мўлжал олади. Шу сабабли, фазода мўлжал олиш амалда ҳар доим кўйидаги учта топширикка боғлиқ: ҳаракат (йўналиши)ни танлаш; шунга риоя (амал) қилиш (йўналишини саклаш); ҳаракат охирида мақсад (нишон)ни аниқлаш. Бундан ҳаракатларнинг ўзаро мувофиқлиги ва аниқ фазовий мўлжал олганилиги муҳим.

Шундай қилиб, фазода мўлжал олиш ифодаси кенг маънода ҳам, торроқ маънода ҳам ишлатилиади.

«Илк қадам» Давлдат дастурининг «Теварак атрофда мўлжал олиш» бўлими кичик ёшдан бошлаб берилган. Аммо болаларда фазовий идрок ва элементар математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича мақсадга мувофиқ ишни, бизнинг фикри-мизча, илк ёшдаёк бошлаш керак. Уч ёшгача бўлган болаларда теварак-атрофда уй шароити, гурух хонасида, буюмларнинг, ўйинчоқларнинг одатдаги жойлашувларида жуда катта қизиқиш билан амалий ориентир (мўлжал) олиш бўйича ҳар хил тажриба тўплаш давридир. Шунинг учун катта одам болани хоналарнинг (гурух хонаси, ухлаш хонаси, ювениш хона, ҳожатхона), буюмларнинг, нарсаларнинг, ўйинчоқларнинг фазовий жойлашувлари бўйича эркин мўлжал олишга ўргатиши керак.

Болаларнинг дастлабки фазовий тасаввурлари улар ҳаётининг иккинчи йилиданоқ нуткларида ҳам акс эта бошлайди («мана», «бу ерда», «ку ерда», «бунда»). Бунинг устига сўзлар ҳаракат йўналишини ёки қизиқтирувчи буюмни кўрсатувчи имо-ишоралар бошланади. Ана шу ешда болалар «ўзига», бошқа одамга нисбатан мўлжал (ориентир) олишни егаллай бошлайдилар. Катталарнинг таклифларига биноан, кўғирчокнинг кўзлари, оғзи, бўйни, кўлчалари қаердалигини мамнуният билан кўрсатадилар. Уч ёшга қадам кўйган болалар, масалан, чап ва ўнг қўлларини фарқлай бошлайдилар. Бунда катта одамнинг вазифаси боланинг шу малакаларни эгаллаб олишига ёрдам беришдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифаси кичкитойни «ўзига» нисбатан мўлжал олишга ўргатишдан, иборат, бошқача айтиганда, кичкитой бунда «ўзига» нисбатан ўнг, чап,

юкори томон ва ҳ. к. ларни ажратса оладиган бўла олиши керак. Уз танасига нисбатан фазода томонлар бўйича мўлжал олиш бу мўлжал олишнинг биринчи умумлаштирилган усулидир. «Ўзига» нисбатан мўлжал олишда «ўнг-чапни»ни фарқлаш энг кўй кийинчилик туғдиради. Мана шунинг учун ҳам бола олдин ўз кўлларини фарқлашга ўргатилиди.

Боланинг ўзига нисбатан мўлжал олиши бошқа одамга, буюмларга нисбатан мўлжал олишга ўргатиш вазифасига ўтиш учун зарур асос бўлади. Аммо бошқа одамга нисбатан мўлжал олиш фақат ўз гавдаси схемасини билгандагина мумкин бўлади. Бола хаёлан бу схемани бошқа объектларга нисбатан кўчиради ва ўхшашлик бўйича уни бошқа одамдан ва буюмлардан ажратади. Масалан, болалар ўйинчоқларни қарашади, улар билан фаол ҳаракат килишади. Суҳбатнинг боришида тарбиячи болалар ёътиборини характерли деталларга қаратади. Масалан, машина бўлсин; олдинда кабина, орқада кузов, пастда олдинги ва кейинги ғилдираклар. Буюмлар тасвирланган қиркма расмлар, кубчалар мустақил равишда деталлардан (қисмлардан) бутунни тикилаши имконини беради, яъни обьектнинг фазовий буюмларини (устиди-остида, тагида-юкорисида, олдидан-орқасидан, бир томони-ён томонидан ва иккинчи томонидан) ўзлаштириш имконини беради. Болалар ҳали обьектнинг ўнг ва чап томонларини фарқлай олишмайди; бу мураккаб малака 5-6 ёнда ўзлаштирилади. 3-4 ёнда буюмнинг фазовий характеристикасини тушуниш қисман ўзлаштирилади.

Гап шундаки, теварак-атрофимиз, яъни атрофимиздаги фазо, одамлар, ҳар хил буюмлар тўплами тўлиб-тошиб ётибди. Мана шу фазода мўлжал олиш уларнинг ҳар хил параметрларини, жумладан, «олдидан», «орқасидан», «ёнидан», «устидан», «остидан», кейинроқ буюмниг «чап» ёки «ўнг» томони каби параметрларини ҳисобга олиш мажбуриятини юклайди. Олдин ўзига, сўнгра бошқа одамга, буюмларга нисбатан қарама-қарши томонларини ажратиш, биринчидан, истиқболда боланинг фақат «ўзига» нисбатангина эмас, балки бошқа обьектларга, бошқа одамга нисбатан мўлжал олиш малакасини эгаллашни таъминлайди.

Иккинчидан, бу билим ва малакалар буюмлар орасидаги фазовий муносабатларни билиб олиш учун зарур. Биз бу муносабатлар ҳакида уларнинг томонларига – олдинги (юзтомонга), ён, юкори (устки) ва ҳ.к. томонларга мос келишларига қараб, мuloхaza юритамиз.

Учинчидан, ҳатто анча чегараланган фазо чегараларида ҳам (гурух хонаси, ёки хонанинг бир қисми, столнинг усти, қотоз вараги ва ҳ. к.) мўлжал олишнинг асосий йўналишларини билишни назарда тутади. Бу янги дастурий вазифа. Бу тўлик ўзлаштирилгандан кейингина, уни бутун иш мазмунидаги асосий вазифа дейиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, элементар математик тасаввурларни ривожлантириш машғулотларида бу вазифалар «Қўғирчокни чўмилтириш», «Қўғирчокни ухлашга ётказиши», «Қўғирчокни кийинтириш» каби дидактик ўйинларда аниклаштирилади. Масалан, тарбиячи кичкинтойларга қўғирчокнинг бошини, юзини (оёқларини) ювишни, сўнгра эса, унинг (боланинг) ўзи юзи, боши ва бошқа аъзолари қаерда эканлигини кўрсатишни сўрайди. Болаларга фазовий йўналишларни ўз гавдасининг аник қисмларига мос кўйишни ўргатиш керак. Юқорига-бош томонга, пастда-оёқлар, олдинда юз, чапда-чап кўл, ўнгда-ўнгкўл. Машғулотларда кичкинтойларни пастда-юкорида, олдинда-орқада, чапда-ўнгда каби жуфт қарама-қарши йўналишларни фарқлашга ўргатиш керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли карори.
2. Ерофеева Т.И. Математика для дошкольников. – М.: Просвещение. - 1992.
3. Метлина Л. С. Занятия по математике в детском саду. – М.: Просвещение, 1984.
4. Козлова В. А. Дидактические игры по математике для дошкольников. – М.: Школьная Пресса, 2002. – 16 с.
5. Колесникова Е.В. Математика для детей 6-7 лет: Учебно-методическое пособие к рабочей тетради «Я считаю до двадцати». 3-е изд., — М.: ТЦ Сфера, 2012. — 96
6. Козлова В.А. Дидактические игры по математике для дошкольников. В 3-х книгах + методика Серия: Дошкольное воспитание и обучение. М., 1996г.

РЕЗЮМЕ

Учбу макола мактабгача ёшдаги болаларда фазода мўлжалга олиш кобилиятини ривожлантириш учун нималарга сўтибор бериш кераклиги, мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш кобилиятлари ва билишга бўлган кизиқишиларни шакллантириш, мактабгача тарбия ёшидаги болани тарбиялаш ва ривожлантиришнинг енг муҳим масалалари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются наиболее важные вопросы воспитания и развития ребенка дошкольного возраста, на что следует обратить внимание для развития у дошкольников умения ориентироваться в пространстве, формирования познавательных способностей и познавательных интересов дошкольников.

SUMMARY

This article discusses the most important issues of education and development of a preschool child, which should be paid attention to for the development of preschool children's ability to navigate in space, the formation of cognitive abilities and cognitive interests of preschoolers.

MAKTABGACHA YOSHDAGI AQLI ZAIF BOLALAR NUTQNING  
RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI

*Akramova X.S.*

*JDPI Maxsus pedagogika kafedrasи mudiri v.b.dots*

*Sulaymonova F.O.*

*Maxsus pedagogika, Defektologiya (Logopediya) mutaxassisligi 1 bosqich magistranti*

**Tayanch so`zlar:** aqli zaif bolalar, nutqining rivojlanish jarayonlari, korreksiya, muloqot, psixologik aspektida o`rganish, ta'lim-tarbiya, emotsional muloqot, artikulyatsion apparatning va fonematisk eshitish, analiz va sintez.

**Ключевые слова:** умственно отсталые дети, процессы развития речи, коррекция, общение, психологическое изучение, образование, эмоциональное общение, артикуляционный аппарат и фонематическое слух, анализ и синтез.

**Key words:** mentally retarded children, the processes of development of speech, correction, communication, learning in psychological aspect, education, emotional communication, articulatory apparatus and phonematic hearing, analysis and synthesis.

Maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar to‘g‘risida so‘z yuritishdan oldin, me‘yorida rivojlanayotgan bolalar nutqining rivojlanish jarayonlarini eslab olaylik. Me‘yorida rivojlanayotgan bolada nutq rivojlanishi erta boshlanadi. Guvranish jarayonida fonematik eshitish shakllanib boradi, artikulyatsion apparat rivojlanadi. Kattalar bilan muloqotda passiv lug‘at yig‘ilib boradi. Bir yoshga yaqin odatda bola so‘zlarni aya boshlaydi, ikki yoshga kelib esa iboralarini ishlataladi.

Aqli zaif bola hayotining dastlabki oyalaridanoq rivojlanishdan ortda qola boshlaydi. Keyinchalik bu tutilish yanada kuchayadi. Natijada maktab yoshigacha davrga kelib unda

atrofga qiziqish uyg'онмаган, fonematik eshitish shakllanmagan, artikulyatsion apparat yaxshi rivojlanmagan bo'ladi, xislar yetarlicha namoyon bo'lmaydi, bular nutq rivojiga o'z ta'sirini o'tkazadi. Ko'pgina aqli zaif bolalar nafaqat maktab yoshigacha davrga kelib, balki 4-5 yoshda ham gapirmaydilar. Bolalar bir-birlari bilan muloqotga kirishishlari uchun shunday sharoit yaratish kerakki, muloqot zaruriyat bo'lsin. Muloqot deganda o'rganilgan iboralar bilan almashinishni tushunish kerak emas. Masalan, o'yin mazmuni bolalarga hali to'liq tushunarli bo'limganida ularda muloqotga kirishish istagi tug'ilmaydi. Odatda bunday hollarda bolalar tarbiyachi ko'rsatmalariga asosan harakatlanadilar, shu o'yin uchun maxsus yodlagan iboralarini gapiradilar, muloqotni imitatsiya qildilar (o'xshatadilar). Bolalar muloqotga kirishishlari zarur bo'lgan didaktik vaziyatlar avvaliga juda sodda bo'lishi kerak. Muloqot ham albatta faqat so'z orqali bo'lishi shart emas, ya'ni uni birqalikda bajariladigan harakatlar, qo'l harakatlari (jest) orqali yaratish mumkin. Biroq, bunda pedagog bolalarga kerakli so'z va iboralarni aytilib turishi, bolalarda paydo bo'lgan muloqot ehtiyojidan maksimal ravishda foydalanishi kerak. Asta-sekin bolalar oldida turgan vazifalar murakkablashtiriladi, shu bilan birga bolalar muloqot jarayonida foydalanishi kerak bo'lgan nutq materiali ham murakkablashadi. Endi so'z orqali muloqot qilishni qo'l harakatlari orqali muloqotga almashdirib bo'lmay qoladi.

Berilgan muammoga nazariy yondashuv maktab yoshigacha bolalarning nutq rivoji qonuniyatlariga asoslanadi, ular L.S.Vigotskiy, A.A.Leonteva, F.A.Soxina, A. M. Shaxnarovich, D. B. Elkoniň ishlarida shakllantirilgan.

Aqli zaif bolalarda birinchi so'zlar 2,5 yoshdan 5 yoshgacha bo'lgan davrda paydo bo'lar ekan (bolalarda birinchi so'zlarning paydo bo'lish me'yori 10 oydan boshlanadi).

A.A.Kataeva esa, intellekti buzilgan bolalarning ko'pchiligidagi birinchi so'zlar ikki yoshdan keyin paydo bo'ladi. Odatda, uch yoshgacha iboralar paydo bo'lmaydi, degan fikrni ilgari suradi. Muhimi shundaki, intellekti buzilgan bolada, kichik yoshdagagi nutq muloqot vositasi ham bo'la olmaydi. Shuningdek, nutq bolaning harakatlarini boshqarish vazifasini ham bajara olmaydi.

A.A.Kataeva va E.A.Strebelevlar ta'kidlashicha, intellekti buzilgan bolalarda kichik yoshdan nutqining rivojlanishi uchun zarur holatlar etishmaydi; predmetlar bilan harakatlar, kattalar bilan emotsiyonal muloqot, artikulyatsion apparatning va fonematik eshitishning tayyorligi. Natijada, o'rganilayotgan kategoriyadagi bolalar muloqoti uchun holat normadagi bolalarniki bilan bir xil bo'lganiga qaramay, bu holatning mazmuni u bolalar uchun boshqacha tuyuladi; ular uchun o'zlarining xususiy va kattalar bilan birqalidagi harakatlari kamroq bo'lganidan, taqlid umuman shakllanmagan bo'ladi, shuning uchun kattalarning gaplari havoda "osilib" qolaveradi, normal rivojlanishdagi nutqning tayanchi kabi tajriba bilan qo'shila olmaydi. Bolalar ko'pgina predmetlarga e'tibor bermaydilar, demakki, ularning nomlarini ham eslab qolmaydilar. Biroq aksincha jarayon ham aks etishi mumkin; ijtimoiy muhit taqozo etgani uchun ham, u yoki bu darajada muloqotga muhtojlik paydo bo'ladi. Bundan tashqari, intellekti sust bolani tarbiyalay turib, kattalar yosh normalariga (kun tartibiga, o'z-o'ziga xizmat ko'rsatishga, nutqqa) tayananadilar.

Birinchi gapda ular e'tiborni, nima qilib bo'lmasin, nutqning orqada qolmasligiga, o'z kuchiga va imkoniyatiga tayaniб, uning rivojlantirishga qaratadilar. Bolalar ota-onalarining so'zlarini iboralarini qaytaradilar. Bularning orqasida hech qanday tasavvur bo'lmasa-da, ularning tushunarsiz hikoya va ertaklarini tinglaydilar. Ba'zan ular o'zlariga aniq ma'noni bermaydigan so'zlar, hattotki iboralarini ham eslab qolishlari mumkin. Bolalarning bir qismi, biror aniq va odatdagi holatda, tez-tez qaytariladigan vazifalarni tushuna boshlaydilar. Masalan, bolani vannaxonaga olib kirib, unga "qo'llaringni yuv" - deyilsa, bola iltimosni bajaradi. Agar xuddi shu gapni unga oshxonada aytilsa, bola undan nimani so'rayotganlarini tushunmaydi.

Biz A.A.Kataeva va E.A.Strebelevalar fikrlaridan quyidagi ayrim xulosalarni chiqarib aytishimiz mumkin:

- intellekti buzilgan bolalarda predmetlar bilan ta'sirlashuvi kichik yoshda, asosan monipulyatsiya ko'rinishida, endigina boshlanadi. Ularning bir qismida predmetlar bilan standart ta'sirlashuvlar (faqat o'z-o'ziga xizmat qilishda) yoki shularni o'zlashtirishga intilishlar yuzaga keladi. Ularning kichik yoshida predmetli faoliyat bo'lmaydi.
- nutq va muloqotning rivojlanishi ham kechikadi. Bolalarning ko'pchiligidagi faol nutq paydo bo'lmaydi. Ularda passiv nutq yaxshiroq rivojlanadi. Bu esa bolaga yaxshi tanish bo'lgan sharotlар doirasida uning faoliyatiga va xulqiga biroz ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ayrim bolalarda alohida so'zlarning buzib aytilishi paydo bo'ladi. Faqat sanoqli hollardagina yoshiga rasman mos keluvchi, lekin "bo'sh" gaplar (nutq) kuzatilishi mumkin ekan.

Shuningdek, "Logopediya" darsligida aqli zaif bolalar bilan olib boriladigan logopedik ishlarning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan. Unda, aqli zaif bolalarda nutq buzilishi va ularni me'yorga keltirish xususiyati oliv nerv (asab) faoliyatini hamda psixik rivojlanishning o'ziga xos tomonlari bilan belgilanadi, deb ta'kidlanadi.

Aqli zaif bolalarda bilish faoliyatining oliv shakllarini yaxshi rivojlanmaganligi fikrashning yuzakiligi, nutqning sekin rivojlanishi va sifat jihatidan o'ziga xosligi, xattiharakatini so'z orqali nazorat qilishni izdan chiqishi hissiy-irodaviy sohani to'laqonli emasligi kuzatiladi.

Aqli zaif bolalarda nutqining rivojlanishni o'ziga xos tomonlari ko'plab mualliflar tomonidan psixologik aspektida o'rganilgan (V.Petrova, M.Pevzner, I.Karlin, M.Strazulla, S.Borel-Mezonni, Shlezingier, M.Zeeman va boshqalar).

S.Ya.Rubinshteyning fikricha, aqli zaif bolalarda nutq rivojlanmasligining sababi "miya po'stlog'i faoliyatining zaifligi, barcha analizatorlarda yangi differential aloqalarning sekinlik bilan ishlab chiqilishidadir". Nutqiy eshitish analizatorlari doirasida differential shartli aloqalarning asta rivojlanishi munosabati bilan aqli zaif bola ancha vaqt nutq tovushlarini ajrata olmaydi, atrofdagilar aytgan so'zlarini aniq anglamaydi.

Motorikaning, shu jumladan, nutqiy motorikaning rivojlanishi aqli zaif bolalarda sekinlik bilan kechadi. Nutqiy harakatlarining aniqligi ikki tomonlama nazorat orqali ta'minlanadi. Eshitish singari kinestetik nazorat ham noaniq bo'lib rivojlanadi.

Aqli zaif bolalar nutqining o'ziga xos tomonlarini tahlil qilish jarayonida S.Ya. Rubinshteyn, V.G.Petrova ularning nutq buzilishlari sabablari hisoblangan ko'pgina faktorlar yig'indisini, ajratib, aqli zaif bolalar nutqining buzilishi va anomal rivojlanishning asosiy sababi bilish faoliyatining rivojlanma-ganligidir, deb e'tirof etadi.

Analitik-sintetik faoliyat darajasining pasayishi nutq tovushlarini differentialshtiruvchi murakkab psixik (ruhiy) faoliyat, fonematik qabul qilishning buzilishida namoyon bo'ladi. Bilish faoliyatining buzilishi tilning semantik tomonidan o'zlashtirishda qiyinchiliklarga olib keladi. Shuning uchun, aqli zaif bolalar semantik jihatdan murakkab bo'lgan so'zлarni (mayhum, umumlashgan) va grammatic shakllarni (masalan, maqsad va sabab, ergash gapli qo'shma gaplar) qiyinchilik bilan egallaydilar.

Analitik-semantik faoliyatining umumiyligi ravishda rivojlanmay qolishi sababli, til umumlashmalarining shakllanishi, til qoidalarining o'zlashtirishi me'yorda rivojlangan bolalarga nisbatan o'laroq, qiyinchilik bilan kechadi.

Aqli zaif bolalar so'z boyligining o'ziga xos tomonlari ko'plab mualliflar diqqat-e'tiborini o'ziga jalb qilgan. Ular, idrok qilish faoliyatidagi buzilishlar passiv va aktiv lug'atlarning shakllanishida o'z izini qoldiradi, deb e'tirof etganlar.

Aqli zaif bolalarda lug‘at boyligining kambag‘alligi, so‘zlardan noto‘g‘ri foydalanish, passiv lug‘atning aktiv lug‘atdan ustun bo‘lishi va so‘zlarni mazmunga qarab ishlatalishdagi qiyinchiliklar sezilib turadi. Bu bolalarda so‘z boyligi kambag‘alligining muhim sabablarini bo‘lib, ularning aqliy rivojlanishi pastligi, atrofdagi olam haqida bo‘lim va tasavvurlarning cheklanganligi, verbal xotiraning zaifligi, ijtimoiy va nutqiy munosabatga bo‘lgan talabning pastligi, qiziqishlarning shakllanmaganligi hisoblanadi.

Aqli zaif bolalarning passiv lug‘ati faol lug‘atga qaraganda ko‘proq, lekin shunda ham biror so‘zni qaytarish, talaffuz etish uchun yo‘naltiruvchi savol talab etiladi. Qiyinchiliklar bir tomonidan, aqli zaif bolalarning bosh miya po‘stlog‘idagi tormozlanishdan, boshqa tomonidan, semantik maydonlar shakllanishidagi o‘ziga xosliklardan kelib chiqadi.

Normada so‘zni tanlash, ularning ma‘nosidan kelib chiqqan holda, ya‘ni mazmuniy o‘xshashliklarga qarab amalga oshiriladi (baland-past, olma-nok). Aqli zaif bolalarda esa so‘zlarni tanlash tahminiy, ba’zan, tovush o‘xshashliklariiga asoslanib amalga oshiriladi-ki, bu yana bir bor lug‘aviy sistematiklikning to‘liq shakllanmanligidan dalolat beradi. Ko‘pgina so‘zlar tushunchaga aylanmay qolaveradi.

M.P.Xamidova, M.Yu.Ayupova e’tirofi bo‘yicha: “Aqli zaif bolalar nutqidagi kamchiliklar ularning bog‘langan nutqini shakllantirishda bir qator muammolarni keltirib chiqaradi. Materialning ma‘nosini anglish qiyinchiliklari, hodisalarning mantiqini tushuna olmaslik, vaqt haqidagi tasavvurlarni etishmasligi, mavzudan chalg‘ib ketish, shuningdek, tevarak-atrofdagi predmet va hodisalar haqidagi etarli ma‘lumotga ega emasliklari oqibatida ularning so‘z boyliklari kambag‘allashadi va muloqotga kirishishni qiyinlashtiradi”.

Aqli zaif bolalar bilan olib borilgan kuzatishlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, ular predmetlar va holatlarni bildiruvchi so‘zlarining ma‘nosini tushunishda qiyinchilik va xatolarga duch keladilar, hayotiy tajribalarida kam uchraindigani predmetni hatto ko‘rsata olmaydilar. Ularning passiv so‘z boyligi salmog‘i faol nutqididan yuqori turadi. Rasmdagi tasvirlarni mazkur toifadagi bolalar ko‘rsatib bera oladi, ammo nomlashga aqliy imkon yetmaydi. Faol so‘z boyligining kamligi aqli zaif bolalarning atrofdagilar bilan muloqot qilishda qiyinchilik tug‘diradi. Aqli zaif bolalar ba’zi so‘zlarni rasmdagi tasvirga qarab aytib beradi, lekin boshqa sharoitda va vaziyatga shu so‘zlarining ma‘nosini tushunmaydi.

Shu bilan birga, so‘z boyligining kambag‘alligi tufayli bolalar bir guruhi so‘zlardangina foydalanishi natijasida nutqning bir yoqlama, noaniq bo‘lishiga olib keladi.

Aqli zaif o‘quvchilar nutqning grammatic qurilishining o‘ziga xos xususiyatlarini ko‘pgina mualliflar o‘rganib chiqishgan. Afsuski, maktabgacha yoshdagagi aqli zaif bolalar nutqining grammatic tomoni mukammal o‘rganilmaganligini guvohi bo‘ldik. Hattoki, mehnat ta’limi maktabi 1-sinf o‘quvchilarining nutqidagi grammatic tuzilishlar takomillashmagan bo‘ladi. Ularning jumllalari bir sodda so‘zlardan iborat bo‘ladi, o‘z fikrlarini bayon qilishda juda qiynaladilar. Shuning uchun, aqli zaif bolalarning maktabgacha yosh davrida hali grammatic komponentlardan foydalana olish malakalari shakllanmagan bo‘ladi, degan xulosaga keldik. Aksincha, aqli zaiflikni keltirib chiqargan gidrotsefaliyada esa, ba’zan nutq yaxshi rivojlangandek tuyulsada, aslida unday emas. Bunday bolalar nutqida juda murakkab jumllalar, so‘zlar bo‘ladi. Ular nutqining grammatic tuzilishi ham juda mukammalligi bilan ajralib turadi. Bu bolalarning fikr yuritishlari nasihatga ydekk bo‘lib tuyuladi. Nutqlarining mohiyatiga o‘zlarini yaxshi tushunib yetmaydilar. Bu bolalar nutqi yaxshi rivojlangan bo‘lsa ham, aqli zaif bolalarning fikr yuritish quroli bo‘la olmaydi. Aqli zaiflikdagi bunday o‘ziga xos nutq juda kam uchraysdi. Shizofreniya kasaliga uchrangan aqli zaif bolalarning nutqi ham yuqoridagi holatga o‘xshab ketadi. Bu bolalarda nutq malakalari, tushunish holatlar normal bolalardan ham tez shakllanishi mumkin. Ularning so‘z boyliklari normal bolalarnikidan kam farq qiladi. Ammo ular nutqida buzilgan so‘zlar uchrashi mumkin.

Maktabgacha yoshdagи aqli zaif bolalardagi nutqni asosi bo'lmish grammatic tomonini tekshirish natijalarining tahlili, ularda tilning leksik-grammatik tuzilishining yetarli shakllanmaganligini ko'rsatadi. Ular amalda tilning grammatic qoidalarini buzgan holda qo'llaydilar va nutqda xuddi shunday ifodalaydilar. Aqli zaif bolalarda 5 yoshda so'zlardan gap tuzish jarayoni zaifligi yoki yetarli shakllanmaganligi kuzatiladi. Tekshirishdan olingen natijalar aqli zaif bolalar 2- 3 so'zdan iborat gap tuzish imkoniga ega ekanligini ko'rsatdi. Maktabgacha yoshdagи aqli zaif bolalar gapni grammatic jihatdan to'g'ri tuzishda qiyinchiliklarga duch keladilar. Noto'g'ri tuzilgan gaplar orasida tugallanmagan, grammatic jihatdan shakllanmagan, ma'nosiz so'zlarni o'mnini almashtirish kabi kamchiliklar kuzatiladi.

Ayni vaqtida, intellekti buzilgan bolalarning rivojlanish sur'ati normal rivojlanayotgan bolalarniki bilan bir xildir. Ayrim buzilishlar predmetli harakatlarni o'zlashtirishdagi kechikish, nutqning rivojlanishidagi va bilish jarayonlaridagi kechikish hamda chetga chiqib ketish sezilarli darajada ikkinchi darajali tabiatga ega. Hayotni to'g'ri tashkil etib, ancha kichik yoshidanoq maxsus o'qitish yo'lg'i qo'yilsa, rivojlanishning anchagina nuqsonlari to'g'irlanishi, aksariyat hollarda oldi olinishi ham mumkin.

Tafakkur, til va nutqning aloqadorligi haqida L.S.Vigotskiy, A.G.Spirkinlarning juda qiziqarli ishlari bor. Bolalar nutqining rivojiga atalgan umumiy tarzdagi qiziqarli ma'lumotlar S.L.Rubinshteyn va D.B.Elkonin ishlarida keltiriladi. Yuqoridagi barcha ishlarda asosiy e'tibor nutqning mazmun tomoniga, bolalar aqliy ishlardagi va xulqidagi roliga qaratilgan. Normal 3-4 yoshli bula yetarli lug'at boyligiga ega bo'lib, uning faol nutqi deyarli to'g'ri grammatic shaklni tashkil etadi. Fonetik xatolar u darajada ko'p bo'lmaydi. Oligofren bolada esa, so'zlarni talaffuz qilish birmuncha kechikadi. Ularni nutqi kambag'al va noto'g'ridir. L.V.Zankov va M.S.Pevznerning ta'kidlashlaricha, aqli zaif bolalar nutqi 1-1,5 yoshda emas, balki 3 yoshlardagina rivojiana boshlaydi. Chet el olimlaridan Shols-Erzam, Kassel, Shlezinger, Zeemanlarning ta'kidlashlaricha, 40% dan ortiq aqli zaif bolalarda nutq kechikib shakllanar ekan.

Aqli zaif bolalardagi nutqning yaxshi rivojlanmasligi asosida eshitish a'zolarida ham ayrim kamchiliklari yuz berishi mumkin. Bu nuqson oqibatida bola uzoq muddat atrofdagilar nutqini yaxshi eshitimasligi natijasida, bir-birlaridan ajrata olmaydi. Umuman bola kar emas, ammo unga nisbatan aytilgan gaplarni noaniq idrok etidi. Bu bolalar juda kam so'zlarinigina bir-birlaridan ajrata oladilar. Aqli zaif bolalarning nutqni idrok etishlari birmuncha sekin amalga oshadi. Aqli zaif bolalarning nutqidagi barcha kamchiliklarning asosiy sababi mana shudir.

Aqli zaif bolalar nutqining to'la bo'lmasdan, kechikib rivojlanishi noto'g'ri idrok qilishning asorati ekan. Aqli zaif bolalar tanish tovushlarni yomon farqlaydilar, ayniqsa, undosh tovushlarni bir-birlaridan qiyin farqlaydilar. Fonematik eshitishning yomon rivojlanganligi oqibatida qator tovushlar almashitirilib eshitiladi va shu asosda almashitirilib yoziladi. Hatto, bolaga tovushlar tartibi ham noaniq tuyuladi. Talaffuz qilinayotgan so'zlar oxirları yaxshi tahlil qilinmasligi asosida ham, grammatic xatoliklar kelib chiqar ekan. Aqli zaif bola fonematik eshitishidagi kamchiliklar, nutq a'zolaridagi, artikulyatsiyadagi kamchiliklar asosida yanada og'irlashadi. Analizatorlarning to'la, mukammal rivojlanmasligi asosida nutqning qator kamchiliklari yuzaga keladi. Tafakkur quroli bo'lgan nutqning o'zi yaxshi rivojlanmagan bo'lsa, tasavvur qiling tafakkur qay holatda bo'ladi. Aqli zaif bolalarda birinchi, alohida so'zlar 2-3 yoshlarda, qisqa kambag'al grammatic gaplari 5-6 yoshlarda yuzaga kelar ekan. Aqli zaif bolalarning so'zlarni tovush tomonidan tahlil qila olishlari grammatic qonun-qoidalarni muvaffaqiyatli egallashlarida asosiy narsadir. N.S.Rojdestvenskiyning ta'kidlashlaricha, "So'zdagi tovushlarni farqlamasdan, ularni ajratmasdan, bolalarni o'qish va yozishga, keyinchalik to'g'ri yozishga o'rgatish mumkin

emas". Intellekti buzilgan ko'pchilik bolalar faqat maktabgacha yoshning boshida emas, balki 4-5 yoshda ham gapira olmaydilar. Intellekti buzilgan bolalar, nutqning rivojlanishi nuqtai nazaridan qaraganda, juda turli-tuman kategoriyalardan iboratdir. Ularning orasida nutqi umuman yo'q bolalar, so'zlarini va oddiy iboralari kichik hajmga ega bo'lgan bolalar bor. Ularning hammasini, bir tomonidan, aytilgan nutqni tushunishning chegaralanganligi, boshqa tomonidan, nutqning borliqdan uзilib qolganligi birlashtirib turadi. Nutq bolaning haqiqiy intellektual imkoniyatlarini aks ettirmaydi, unga bilimlarni va axborotlarni uzatishning to'laqonli manbai bo'lib xizmat qila olmaydi.

Iborali nutq fonetik va grammatik ko'plab nuqsonlar bilan ajralib turadi. Odatda, matabgacha yosh davrida nutqning grammatic tuzilishini o'zlashtirish amalga oshmaydi. Ayniqsa, bog'lovchi nutq aziyat chekadi. Bunday vaziyatda son bilan otning muhim buzilishlari o'ziga xos xususiyatlardan biri bo'ladi.

Passiv shakldagi so'z boyligi faol shakldagisidan yuqori bo'ladi. Bu odatda, alohida ajratib olingan so'zlarga tegishli bo'ladi, biroq barcha vaziyatlarda emas. Shunday so'zlar borki, intellekti buzilgan bola ularni biron suratga, predmetga nisbatan aytishi mumkin. Biroq ularni o'ziga tanish bo'lмаган vaziyatda boshqa birov aytса tushummaydi. Ushbu holat intellekti buzilgan bolalarda so'zning vaziyatlari holati uzoq muddat saqlanishini bildiradi. Bunday bolalarda so'zning semantik vazni ayni shu yoshdagи normal bolalardagidan kamroq bo'ladi.

So'zning vaziyatlari ahamiyati, nutqning grammatic yetarlicha tuzilmagani, fone matik eshitishdagi buzilish va qabul qilish (idrok etish)ning sekinlashganligi shuni ko'rsatadiki, kattalar nutqni intellekti buzilgan bola yo umuman tushunmaydi yoki aniq tushunmaydi, yoki noto'g'ri tushunadi.

Ayni paytda kattalarning nutqi imkoniyati cheklangan bolaning faoliyatini tashkillashtirishda muhim rol o'ynashi mumkin. Bu uning e'tiborini to'plashi, uni faoliyatga qaratishi, hattoki uning oldiga unchalik qiyin bo'lмаган vazifani qo'yishi ham mumkin. Shuni esda tutish lozimki, bunday vaziyatlarda faqat og'zaki tushuntirish bilan cheklanib bo'lmaydi, uni matabgacha yoshning butun davri davomida ko'rsatish, namuna qilish, bolaning kattalar bilan birgalikdagi harakatlari bilan qo'shib olib borish lozim. Intellekti buzilgan bolalarda maxsus o'qitishsiz o'zlarining xususiy nutqi yordamida faoliyatini boshqarish imkoniyati rivojlanmaydi: ba'zi hollarda kuzatuvchi nutq paydo bo'ladi, biroq qayd qiluvchi va rejalashtiruvchi nutqlar paydo bo'lmaydi.

Aqli zaif bolalar nutqi turli yo'naliшlarda, turli yoshdagи bolalarda, turli mutaxassislar tomonidan, turli darajada o'ргanilgan. Nutq nuqsonlarining aqli zaif bola umumiyo ruhiy taraqqiyotiga salbiy ta'siri Shif J.I. qo'llanmasida atroficha, chuqur tahlil qilib berilgan. Mualliflarning e'tirof etishlaricha, aqli zaif bola bilan normal bolalar orasidagi farq ularning faol nutqlari ko'zga tashlanar ekan. Aqli zaif bolalar o'z nutqlarida sifat, fe'l, bog'lovchilardan juda kam hollarda foydalananadir. Bolalar ulg'aygan sari narsa nomlarining ahamiyati ham o'sib, aniqlanib boriladi. Aqli zaif bolalarda "taxallus"lardan tushunchalarga o'tish jarayoni juda uzoq va qiyin shakllanadi.

Aqli zaif bolalar nutqini erta korreksiyalash, ular so'z boyligini oshirish, nutqida grammatic komponentlardan to'g'ri foydalana olish malakalarini shakllantirish uchun bunday bolalarda muloqot funksiyalarining paydo bo'lishini ta'minlash lozimligini isbotlab berdilar.

Normadagi bolalar eng birinchi kattalar bilan muloqot funksiyalari paydo bo'ladi. Bu emotisional, predmetli va faol xarakterga ega bo'ladi. Keyinchalik tengqurlari bilan muloqot paydo bo'ladi va rivojlanadi. Bolaning umumiyo psixik rivojlanish darajasi qancha yuqori bo'lsa, muloqotda nutq shunchalik katta rol o'ynaydi. Nutq bolalar harakatining kollektiv

ko‘rinishlarida, ayniqsa, o‘yinda muhim o‘rin tutadi. Bu erda ular nutq yordamida o‘yinning mazmuni haqida kelishib oladilar, uning rejasini tuzadilar, har personajini sharhlagan holda, rollarni bo‘lishadilar. Nutq yordamida, muayyan o‘yin davomida bolalarning o‘zaro munosabatlar ham yuzaga chiqadi.

Intellekti buzilgan bolalarda muloqot xuddi shu yo‘llar bilan rivojlanadi, biroq katta kechikish bilan. O‘qitishning boshlang‘ich paytida bolalar, odatdagidek, hali o‘zaro muloqotga kirisha olmaydilar, hattoki bunday muloqotga ehtiyoj ham sezmaydilar. Chunki ularda faoliyatning kollektiv ko‘rinishlari umuman rivojlanmagan. Biroq kattalar bilan muloqotga muayyan ehtiyoj va bu ehtiyojni amalga oshirish usullari barcha bolalarda mavjud. Bolalar kattalarga turli holatdagi iltimoslar bilan murojaat etadilar. Bolaning kattalar bilan muloqoti mashg‘ulotlar jarayonida ham doimiy ravishda paydo bo‘laveradi. Bunday sharoitlarda, har qanday bosqichda bo‘lmasin, bola o‘zining ehtiyojini amalga oshirishi uchun zarur, o‘zi tushina va anglay oladigan muloqot vositalarini olishi kerakligi haqida qayg‘urmoq lozim. Dastlabki bosqichda bu bir so‘zli ibora, keyin ikki so‘zli va, oxirida, yoyilgan (“Ber”, “Suv ber”, “Iltimos, suv bering, ichgim kelyapti”) iboralar bo‘lishi mumkin.

Intellekti buzilgan bolalar maktabgacha muassasaga besh yoshida kelsalar-da, ularning nutqi, avval ayтиб o‘tgанимиздек, hali bilish vositasi bo‘lib xizmat qila olmaydi. Pedagoglar oldida nutq rivojlanishining mazmunli va grammatik tomonlari bilan bog‘liq bo‘lgan, nutqning bilish funksiyasini shakkantirish vazifasi turadi.

Hozirgi zamon oligofrenopsixologiyasida aqli zaif bolalar nutqi, alohida faoliyat va bilish jarayoni sifatida qaraladi. O‘yin bilan birga nutq aloqasi alohida, faoliyat turi sifatida o‘rganiladi. O‘zaro aloqa jarayonida fikrlar almashuvni hislarni ifoda etish, kattalar va bolalar xulqiga ta’sir etish yuz beradi. Mamlakatimiz va chet el mutaxassislarining ilmiy izlanishlari aqli zaif bolalar nutqining fonetik, leksik, grammatik tomonlarining rivojlanish dinamikasini ochib berishga katta yordam berdi. Aqli zaif bolalardagi turli nutq kamchiliklari ularning atrofdagilar bilan muomalasini qiyinlashtirib, o‘zlarida qayg‘urish holatlarining yuzaga kelishiga salbiy sabab bo‘lar ekan.

#### Адабиётлар:

1. Волкова Г.А. Методика психолого-логопедического обследования детей с нарушениями речи. Вопросы дифференциальной диагностики: Учебно методическое пособие. – СПб, 2003.
2. Ayupova M.Yu. Logopediya. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2007y.
3. Akramova, X. (2020). Ақли заңғаралының компьютер технологиялары асосида мемнат күннікімаларин шакллантириш. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(16), 1-9. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4013](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4013)
4. Akramova, X. (2020). Коррекционно-педагогические особенности формирование навыков здорового образа жизни у детей с умственной осталостью в семейных условиях. Архив Научных Публикаций JSPI, 15(1), извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/918)
5. Akramova, X. (2020). Социально-педагогическая работа с детьми дошкольного возраста. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1), извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/674](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/674)
6. Akramova, X. (2020). Didactic Foundations of Labor Activity for Children with Intellectual Disabilities. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/682](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/682)
7. Akramova, X. (2020). Методика формирования общих трудовых навыков у умственно отсталых учеников через компьютерные мультимедийные программы. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(12), 1-7. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3182](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3182)
8. Akramova, X. (2020). Methods of developing general work skills in mentally retarded students through information programs. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/697](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/697)
9. Akramova, X. (2020). Peculiarities of the labor activity of mentally retarded pupils. Архив Научных Публикаций JSPI, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/897](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/897)

10. Akramova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarda axborot dasturlari vositasida umumiyl mehnat ko'nikmalarini shakllantirish metodikasi. Arxiv Nauchnykh Publikacij JSPI, 15(1). izvlecheno ot [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/916](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/916)
11. Akramova, X. (2020). Zamonaviy multimedya vositalaridan foydalaniш - muваффакият гарови . Arxiv Nauchnykh Publikacij JSPI, 1(12), 1-5. izvlecheno ot [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3162](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3162)
12. Akramova, X. (2020). Maktabgacha ёщдаги болалар bilan olib boriladigan ijtimoiy pedagogik faoliyat texnologiyasi. Arxiv Nauchnykh Publikacij JSPI, 1(16), 1-5. izvlecheno ot [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3994](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3994)
13. Akramova, X. (2020). Mehnat darslarida aqli zaif bolalar nutqini o'stirishning o'ziga xosligi. Arxiv Nauchnykh Publikacij JSPI, 1(16), 1-5. izvlecheno ot [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4025](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4025)
14. Muzaffarova, X. (2020). Identification of mentally retarded children: Identification of mentally retarded children. JSPI Scientific Publications Archive, 5 (1). Retrieved from [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/556](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/556)
15. Muzaffarova, X. (2020). Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik maxorati. JSPI Scientific Publications Archive, 1 (14), 1-1. Retrieved from [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3790](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3790)

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqola maktabgacha yoshdag'i aqli zaif bolalar nutqiy motorikaning rivojlanishi aqli zaif bolalarda sekinlik bilan kechadi hamda nutqiy harakatlarning aniqligi ikki tomonlhma nazorat orqali ta'minlanadi. Eshitish singari kinestetik nazorat ham noaniq bo'lib rivojlantrish xususiyatlari ilmiy yondashuvlar asosida yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается развитие речевой моторики у детей дошкольного возраста с задержкой психического развития у детей с задержкой психического развития, причем точность речевых движений обеспечивается за счет двустороннего контроля. Как и слух, кинестетический контроль неопределен, а его особенности развития основаны на научных подходах.

**SUMMARY**

This article discusses the development of speech motor skills in pre-school age mentally retarded children in mentally retarded children, as well as the accuracy of speech movements through bilateral control. As with hearing, the features of the development of kinesthetic control are unclear and are illuminated on the basis of scientific approaches.

---

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

**Каримова К.Р.**  
таянич докторант, ЎзМУ

**Таянич сўзлар:** таълим, ривожланиш, тафаккур, мантикий фикрлаш, бошлангич синф, математика, мураккаб масалалар.

**Ключевые слова:** образование, развитие, мышление, логическое мышление, начальная школа, математика, сложные вопросы

**Key words:** education, diversity, thinking, logical thinking, beginning class, math, complex problem.

Инсон бутун ҳаёти давомида билим олиш, ўргатиш, ўқитиш орқали фикрлашни ўрганади. Агар биз болаларга бошлангич синфдалигига ёқ мантикий фикрлашни ўргатсак, бу ўқувчининг кейинги билим олиш жараённада ва амалий фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Бу ҳозирги даврда ҳал килиниши керак бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, айниқса бошлангич синфдаёқ ўқувчининг математика фанини чукуроқ ўрганиши учун имкон яратади.

Ҳеч бир фан математика фаничалик фикрлашнинг ривожланишига ҳисса кўшмайди, айниқса, мантикий масалалар дикқатни жамлашни, хушёрликни, ёзти-

борлиликини ва тўғри хуоса чиқаришни ўргатади ва булар орқали фикрлаш янада ойдинлашади.

Инсон ақлий салоҳияти унинг ўрганган билимлари миқдори билан эмас, балки, мантиқий фикрлашининг қанчалик юқори эканлиги билан белгиланади. Шуни эътиборга олган ҳолда бошлангич синф ўқувчиларига нафақат борлиқни, балки мавхум бўлган муаммоли вазиятларни хам анализ қила олиш, у ҳакида ўз фикрига эга бўлиш, таҳлил қилиб бошқа масалалар билан таққослаган ҳолда умумий хуоса қилиб, натижага тўғри ёндаша олишга ўргатиш зарур. Бошлангич мактаб ёшида, математикани ўрганаётганда, фикрлашни ривожлантириш воситаларидан ёрдамида мактаб ўқитувчилари томонидан ўқувчиларга фикрлашни ўргатиш мухимdir.

В.А.Сухомлинский болалар тафаккурининг ривожланишини ўрганиб, шундай фикр билдирган: «Авваламбор, биз болаларни онглари билан бир қатор обьектларни, ҳодисаларни, воқъеликни тушунишга ўргатишимиш, улар орасидаги боғлиқликни тушунишга ўргатишимиш керак.... Биз болаларни мавхум тушунчаларни ўйлашга ўргатишимиш керак.»

Я.А.Коменский [2] ўқувчиларни фикр юритишнинг қисқача қоидалари билан таништириш, уларни ҳаётий мисолларда кўллаб, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашларини такомиллаштириш, турли фанлардаги турлича муаммоларни таҳлил қилиш таклифини билдиради.

В.А.Сухомлинский ўз фаолияти давомида болаларнинг фикрлаш кетма-кетлигини кузатиш натижасида куйидагича хуосага келади: «Биринчи навбатда, болаларни бир қатор предмет, воқеа-ҳодисаларни ақл кўзи билан қамраб олишга, улар орасидаги боғланишларни идрок этишга ўргатиш керак.... Аста-секин одамлар фикрлашларини ўрганиб, англай олмаслик, масалан, бир вазифанинг мавхумлашиши, аниқликдан чалғиши оқибати эканлигига янада ишонч ҳосил қилдим. Болаларни мавхум тушунчаларда фикрлашга ўргатишимиш керак» [1,124].

Боланинг билиш фаолияти давомида олинган билимларининг чуқуррок, изчил ва мазмунли бўлиб боришини ўқиш давомида ташкиллаштириш зарур. Бундай билим олишни бошлангич синфларда математика дарсларида кизиқарли математик ўйинлар, масалалар, топшириқларни амалиётда фойдаланган ҳолда болаларга тақдим этиш, билим олишга кизиқишининг ортишида жуда самаралидир.

Ж.Пиаже бошлангич синф ўқувчиларининг билиш фаоллиги механизмларини ўрганиб, онгнинг шаклланишини боланинг ақлий ривожланишининг асосий ўйналиши сифатида кўриб чиқади, бу эса бошқа барча ақлий жараёнларга бевосита боғлиқдир. У биринчи навбатда болалар тафаккурининг сифат жиҳатдан ўзига хослигини ўрганиш вазифасини кўяди.

Ж.Пиаже [3] карашларига кўра онгнинг ривожланиши бирнечча босқичдан ўтади ва бошлангич мактаб даврида ўқувчиларнинг аниқликка таянган интеллектини шаклланиш даврига тўғри келади. Болаларнинг оғзаки ва мантиқий тафаккури мактаб давригача ривожлана бошлайди ва сўзлар билан ишлаб, мулоҳаза қилиш кобилияти шаклланади.

Болаларда оғзаки ва мантиқий тафаккурининг ривожланиши камида икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда бола предметлар, обьектлар ва ҳаракатлар билан боғлиқ сўзларнинг маъносини ўрганиб билиб олади, масалалар

ешишда, муаммоларни ҳал қилишда улардан фойдаланишини ўрганади. Иккінчи босқичда эса муносабатларни ифодаловчы тушунчаларни, уларни қандай күллаш тизимини ўрганадилар ва мантикий фикрлаш қоидаларини ўрганадилар. Иккінчи босқич асосан мактаб таълим мининг бошланғич даврига тегишилдири [4,22].

Болада ақлий фаолияттарынг бундай эң мұраккаб шаклини ўрганишда нөлдин биркатор хатоларға йўл қўйиши табиий бўлиб, бу жараён ёш болалар тафаккурига жуда хосдири. Бу хусусиятлар болаларда муроҳаза қилишларида, тушунчалардан фойдаланганларида ва бола томонидан мантикий фикрлаш мининг муайян операцияларини ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади. Бироқ, бундай хатолар болалар-нинг ўзлари тушунадиган нарсалар ҳақида баъзан жуда асосли ва аниқ ҳукмларни чиқаришларига умуман тўсқинлик қильмайди [5,80].

Бошланғич синф ўқувчиларида фикрлашни ривожлантаришга алохиди аҳамият каратиш зарур. Машгулот бошланиши билан ўқувчининг фикрлашни ривожланишини бошлиди ва аста-секинлик билан мантикий фикрлаш ва ўзига хос характерга эга бўлган бошқа ақлий функциялар тизими пайдо бўлишида асос бўлади [6,12].

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг тафаккури ривожланишининг мухим босқичида бўлади. Бу даврда кўргазмалиликдан оғзаки-мантикий, болалар учун тушунарли бўлган фикрлашга ўтиш орқали уларда реал воқелик ва тўғридан-тўғри кузатиш билан боғлиқ бўлган аниқ, мантикий фикрлашни хосил қилишимиз мумкин. Лекин бу даврда мавхум фикрлаш болаларда мавжуд бўлмайди.

Маълумки, бошланғич мактаб ёшидаги ўқувчиларда мантикий фикрлашнинг илк элементлари пайдо бўлади. Умуман олганда, математиканинг мұваффакияти, асосан, мактабга кирган болада мантикий фикрлашнинг элементлари қанчалик яхши шаклланганлигига боғлиқ бўлади. Олимларнинг натижаларига кўра, болаларнинг мантикий фикрлашни ривожлантаришда ақлий операцияларнинг қанчалик шаклланганлиги катта аҳамиятга эга.

Бошланғич мактаб ёшидаги ўқувчиларда қаралаётган предметларнинг хусусиятларини танлаш ва мавхумлаштириш, уларни таққослаш ва таснифлаш каби ақлий операциялар алохиди ўрин тутади. Бола ўз атрофидаги дунёни, предметлар ва атрофидаги ҳодисаларни мухим хусусиятларига кўра фарқлашни, уларни таққослашни, нарсалар ва ҳодисаларда умумийликни топишни ва яъни шу хусусиятларни умумлаштириб айтганда фикрлашни ўрганади.

Бошланғич синф ўқувчиларида мантикий фикрлашни ривожлантаришнинг педагогик шарт-шароитлари, аввало, турли восита ва усусплардан фойдаланишидир. Кўпинча ўқитувчилар дарсларни анъанавий тарзда ўтишини ҳисобга олсак, амалиётда кўллаш учун мантикий тафаккурни, ақлий операцияларни ривожлантаришга қаратилган, дарсларда фойдаланиш мүмкун бўлган методик материалларга эҳтиёж туғилади.

С. Л. Рубинштейн ва Л.С. Выготскийнинг [7] назарий ва экспериментал ишларидаги айтилишича, болада ўзига хос фазилатлар-мантикий фикрлаш, ижодий тасаввур, кучли мустахкам хотиранинг ҳеч бири тарбиядан катый назар, камол топиши натижасида ўз-ўзидан ривожланади.

А. С. Урунтаевнинг [8,226] фикрига кўра, боланинг мантикий фикрлашни ривожлантаришнинг эң асосий шарти уни таққослашга, умумлаштиришга, таҳлил

қилишга, ёзишга ва болани нутқини ривожлантиришга ўргатищдир. Турли хил мълумотларни ёдлаш, бирорларнинг мулоҳазаларидан нусха олиш болалар фикрлашларининг ривожланиши учун хечкандай фойда бермайди.

Шундай экан бошлангич синф ўкувчиларида мантикий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шарти бу, боланинг ёшига мос бўлган педагогик воситалар ва усулларни оқилона амалга оширишдир.

Мантикий фикрлашни ривожлантиришни куйидагича вазифалар билан амалга ошириш мумкин:

- мантикий боғланишларни топиш (масалан, бир тўпламдаги расмга иккинчи тўпламдан унга мос расмни танлаш);
- мантикий қатор (бошқаларидан фарқли белгиларга эга бўлган элементни топиш ёки кетма-кетликни мантиқан давом қилдиринг,...);
- хусусиятлари бўйича буюмларни гурухлаш (масалан: жуфт ва тоқ рақамлар, парранда ва күшлар,...);
- лабиринт (турли лабиринт йўллардан ўтиш);
- хатоларни тузатиш (нотўғри шаклни тузатиш);
- жумбоклар, кросвордлар, топишмоқлар ечиш;
- сифатлар бўйича мослик ўрнатиш (масалан: ўкувчига мос бўлган ўкув куроллари);
- ясаш (масалан: тўғри тўртбурчакни битта диагонал орқали киркиб, ҳосил бўлган бўлаклардан бошқа фигуralарни ҳосил қилиш);
- ортиқасини топиш (масалан: гандаги ортиқча сўзни топиш).


Ўқитиши жараённада ҳарбир ўқитувчи ўз услубига эга бўлиб, синфдаги ўкувчиларнинг қизиқишиларидан келиб чиккан холда уларни билим олишга қизиқишини кучайтириши керак. Шуни эса тутиш керакки, билим беришнинг умумпедагогик метод ва услублари йўқ. Шундай экан дарс ўтиш бир хил бўлиши шарт эмас, ўкувчига қандай усул ва технология билан тушунтириш ўқитувчига боғлиқ, энг асосийси билим олувчи тушунишидир.

Бошлангич синф ўкувчиларида мантикий фикрлашни шакллантириш учун дастлабки мантикий топшириклиарни куйидагича танлаш мумкин.

Расмлар орасидан ўзаро боғликларини топинг.



2. Расмлар қаторини пастки қатордаги расмлардан бирини қўйиб давом қилдиринг.




3. Күйидаги ўрмон ва фермадаги жонзотларни түғри жойлаштииринг.






4. Математик лабиринтни ечинг.



5. Қайси шакл тенг<sup>4</sup>та бўлакка бўлинган?





6. Энг кичик ва энг катта тоқ рақамлар йиғиндисини, энг катта ва энг кичик жуфт рақамлар айримасига кўпайтириңг. Натижани энг кичик икки хонали сонга бўлинг.

7. Ўқувчи мактабга бориш расмда берилгандардан нималарни сотиб олиши керак?



8. Квадратни чизиқлар бўйича қиркинг ва берилган шаклларни ясанг.



9. Ортиқча сўзни топинг:

- а) Томонлари тенг квадрат ясанг.
- в) Эрталаб соат 8да мактабга кетаман.
- с) Ҳаво совуклиги учун қўлқопни кўлимга кийдим.

д) Томогим муздай музқаймок еганим учун оғриди.

Умуман олганда, бошлангич синф ўқувчиларининг математика дарслари жараёнида мавзуга мос мантикий масалаларни келтириш орқали ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши ривожланиб, дарс самарадорлиги ошади.

Адабиётлар:

1. Л.М.Лихтарников. Занимательные логические задачи (Для учащихся начальной школы). Л.М. Лихтарников - СПб.: Лань, МИК, 1996.

2. Коменский, Я.А. Избранные педагогические сочинения. Т.2. Отдельные произведения / Я.А. Коменский ; пер. с лат. В.Н. Ивановского [и др.]; под ред., с ввод.ст. и примеч. А.А.Красновского. — М. : Учпедгиз,1939.

3. Пиаже, Ж. Избранные психологические труды. / Ж. Пиаже ; пер. с франц. - М.: Педагогика, 2001.

4. Амонашвили, Ш.А. Здравствуйте, дети! / Ш.А. Амонашвили - М.:Просвещение, 1988.

5. Дьюи, Д. Психология и педагогика мышления. / Д. Дьюи ; пер. сангл. Н.М. Никольской. - М.: Совершенство, 1997.

6. Гальперин, П.Я. Психология мышления и обучение о поэтапном формировании умственных действий. / П.Я. Гальперин. // Исследование мышления в советской психологии – М.: Просвещение, 1966.

7. Выготский, Л.С. Собрание сочинений в 6 т.: Т.2 /Л.С. Выготский. -М.: Педагогика, 1982.

8. Давыдов, В.В. Проблемы развивающего обучения / В.В. Давыдов. –

М.: Педагогика, 1992.

9.М.Ахмедов,Н.Абдурахмонова, М.Жумаев.Математика //1-синф учун дарслик.Т.:Турон-Икбол, 2017.

10.Н.Абдурахмонова,Л.Ўринбоева.Математика//2-синф учун дарслик. Т.:Янгийўл Полиграфсервис, 2018.

РЕЗЮМЕ

Маколада бошлангич синф ўқувчиларида мантикий фикрлаши шакллантириш ва ривожлантириш боланинг ёшига мос бўлган турли педагогик воситалар ва усуллар орқали амалга оширилиши кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается, что для формирование и развитие логического мышления у школьников начальных классов осуществляется с помощью различных педагогических средств и методов, соответствующих возрасту ребенка.

SUMMARY

The article shows that the formation and development of logical thinking in younger schoolchildren is carried out with the help of various pedagogical means and methods corresponding to the age of the child.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БОГЛАНИШЛИ НУТҚИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Холиқулова Ф.Х.*

*Навоий давлат педагогика институти  
Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Таяинч сўзлар:** таълим босқичлари, интеллектуал салоҳият, баён, нутқ, матн, лугат, сўз маънолари, режа, кайта хикоялаш, мультимедиа, электрон кўлланма.

**Ключевые слова:** этапы обучения, интеллектуальный потенциал, повествование, речь, текст, словарь, значения слов, план, пересказ, мультимедиа, электронный справочник.

**Key words:** stages of learning, intellectual potential, narration, speech, text, vocabulary, meanings of words, plan, retelling, multimedia, electronic reference book.

Таълим босқичларида ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш асосий мақсад бўлиб, бунда ёзма ишлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, мустакил ва ижодий фик-

рлаш күнікмаларини шакллантиришда ёзма иш турларидан бири бўлган баён асой сий восита саналади. Муайян асар ёки ундан олинган бирор парча мазмунининг ўқувчилар томонидан изчил ва саводли тарзда ифодаланиши мазкур иш турига хос мухим хусусиятдир.

Баённинг таълимий аҳамияти она тили ва ўқиш (адабиёт) фанлари давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўнікма ва малакаларнинг эгалланишида кузатилса, тарбиявий жиҳати матн мазмунидаги ғоя орқали ўқувчиларда шакллантириладиган ахлоқий фазилатларда намоён бўлади.

Баён ўтказиш методикасида уни ёзишга тайёргарлик, матн мазмуни устида ишлаш; ишни ёзиш; хатоларни таҳжил қилиш, тузатиш, баҳолаш ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга доир жараённинг амалга оширилиши белгиланган. Баён ёзишга тайёргарликда дастлаб синфнинг ўзлаштириш даражаси асосида мавзу танланади, сўзларнинг ўқувчилар ёшига мослиги эътиборга олинади, матн билан таништирилади, мақсад ва вазифалар белгиланади, режа тузилади ҳамда сўз маънолари устида ишланади. Кейинги босқичда ўқувчиларнинг матн мазмунини қай даражада тушуниб етганликлари бир неча саволлар орқали аникланади ва баённи ёзишга киришилади. Жараён якунида ўқувчиларга ёзганларини яна бир бор кўриб чиқишилари учун муайян вакт ажратиласди.

Баён ёзишга тайёргарликда ўқувчилар эътибори қаратиладиган жиҳатлар куйидагилардан иборат:

- матнни дикқат билан ўқиш (tinglash);
- маъноси тушунарсиз сўзлар устида ишлаш ҳамда матн мазмунига оид асой сўзларни белгилаш;
- матнни қисмларга ажратиш, уларга сарлавҳа топиш;
- тиниш белгиларининг қўлланиши ўрни ва вазифасини билиш;
- матнни қайта ўқиб чиқиш ва баён режасига зарур тузатишлар киритиши.

Баён ёзишда матн билан танишиш жараёнидан кейинги босқич, сўз маъноларидаги баъзи англамаган жиҳатларни аниклаштириш мақсадига қаратилган луғат устидаги ишлардир. Бу борада профессор С.Матчонов таъкидлаганидек, “Луғат устида ишлаш ўқувчининг луғат бойлигини оширишдан иборат эмас, ўқувчининг дикқатини сўзнинг мазмунига қаратиш, сўзнинг семантикасини, маъносини аниклаштириш, сўзнинг бошқа сўз билан семантик боғланишини, алоқасини очиш, боғланишили нутқда ҳар бир сўзнинг ўз маъносига кўра бошқа сўзлар билан боғланишини англашларига эришишдир”.

Дарҳакиқат, луғат ишлари сўз маъносини шунчаки айтиб ёки изоҳлаб ўтиш дегани эмас, балки унинг амалда қўлланилиши билан боғлик барча хусусиятларни босқичма-босқич, маълум бир изчилликда ўрганиш ва шу асосда боғланишли нутқ ўстириш масаласига дикқат қаратишдир. Ҳ.Бакиеванинг кузатишларида тўғри қайд килинганидек, бошланғич таълим амалиётида “ўқитувчиларнинг дарс режаси ва конспектларида машқ шартларини бажаришдан нарига ўтилмаётганлиги, маъноси изоҳланадиган сўзлар изохи акс этмаётганлиги, савол-топширикларда сўзларнинг матно қирралари устида ишлашга эътибор берилмаётганлиги” нафақат машқ, балки она тили ва ўқиш дарслекларидағи матнларда учрайдиган нотаниш сўзлар маъносини изоҳлашга нисбатан комплекс ёндашувларни талаб этади.

Тилнинг лугат бойлиги матнадаги нотаниш сўз ва иборалар; сўзнинг янги маънолари билан танишириш; тилда кам кўлланиладиган сўзлар; янги пайдо бўлган сўз маънолари, боғланишли нутқ ҳамда грамматик атамалар устида ишлаш машқлари орқали ўзлаштирилади.

Нотаниш сўз ва иборалар дарсликдаги мавзуга оид матнда илк бор учраши сабабли ҳам ўқувчилар уларнинг маъносини тушунмаслиги табий. Бундай ҳолда сўз маъносини тушунтириш учун уларнинг маънодашларини келтириш, изохлаш, гап тузиш, расмлар орқали ёхуд мультимедиа воситалари имкониятлари асосида матнадаги муайян сўз ҳакида муайян тасаввур ҳосил килдириш мумкин. Бу борада Е.Н.Мельникова шундай деб ёзди: “Тасаввур фақат инсонга ҳосдир. Мехнат ва фаолият жараёнида тасаввур пайдо бўлди ва ривожланди. Ҳеч нарса килмасдан олдин нимани амалга ошириши кераклигини, қандай килиб бунинг амалга оширилишини, нарсанинг нимага ўхшашлигини англашга уринади. Бу эса инсон миясида жойлашган асаб толаларига ўзаро таъсир килиб, инсоннинг меҳнат фаолиятига киришишга ёрдам беради. Тасаввур ҳақиқатдан ажralишидир. Бирор киши, бъазизда ҳали кўрмаган нарсаларни тасаввур киласди. У ҳали мавжуд эмас, аслида бор эмас, балки ташки дунёда объектив ҳақиқатда тасаввурнинг манбаидир”.

Бошлангич синф ўқувчилари кўчма маъноли ёки кўп маъноли сўзлар маъносини бирдек ажратса олмасликлари машгулотларда тасвирий ифодалар, иборалар, маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар; шу сўзларга оид расмларни кўрсатиш, зарур ҳолларда уларнинг расмларини чиздириш ўқувчиларнинг сўз маъносини кейинчалик ҳам хотирасида саклаб қолиш, ифодаланаётган предмет ёки воқеа-ходисани аниқ тасаввур қилишларига замин яратади. Фикримизни асослаша 4-синф она тили дарслигидаги 77-машқ матнига мурожаат қиласми:

Арча

Кўм-кўк арча она тупрок бағридан униб чиқади. Күёшнинг заррин нурларини эмб ўсади. Унинг ям-яшил ранги ҳеч ўзгармайди.

Арча қишининг қаҳратон совуқ ҳавосига бардош беради. Баҳорда ҳам севимли либосини ўзгартирмайди. Фақат янги новдалар чиқаради. Кузда ҳам ўзининг яшил тўнини ташламайди .

Келтирилган матнадаги сўз ва сўз бирикмалари маъноси устида ишлашда:

а) матндан маъноси нотаниш сўз ва иборалар аниқланади (бу ўқувчилардан қайси сўз ёки жумлани тушунмаганликларини сўраш орқали амалга оширилади);

б) изоҳли лугатдан фойдаланиб сўз маъноси тушунтирилади (кулайлик бўлиши учун ўқувчиларга алифбо тартибида ишлаш ўргатилади);

в) сўзнинг изоҳли лугатда берилган ўз ва кўчма маъносидан матнадаги маъносига мос келадиган варианти танлаб олинади (айнан мос тушадиган сўз ёки сўз бирикмасини топишлари сўралади);

г) тасвирий ифодаларнинг матнадаги аҳамияти тушунтирилади;

Матнадаги тасвирий ифодалар устида ишлашда дастлаб ундаги она тупрок бағри, эмб ўсиш, севимли либос ёки яшил тўн каби сўз бирикмалари зиммасидаги маъно хусусиятлари таҳлилга тортилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, заррин сўзи кўшнинг сариқ рангда товланиб нуруни тартиши маъносини ифодаласа, бардош бериш ибораси арча дарахтининг совуққа чидамлилик, мустаҳкамлик хусусиятини

ўзизда мужассам этганлиги илғор стратегиялар асосида ўқувчиларга етказилиши зарур. Шунингдек, күчма маънодаги ёки кўп маъноли сўзлар устида ишлашда бадий-тасвирий тил воситалари нутқнинг таъсирчанлиги ва эмоционаллигини оширишга хизмат қилиши нуқтаи назаридан қўлланилганлигига ургу қаратилади.

Луғат устида ишлашда турли дидактик воситалардан, жумладан, график органийзерлар (жадвал, чизма, схема, диаграмма)дан фойдаланиш мавзуга хос хусусиятларни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълумотларни таркибий ажратишга, фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этишга хизмат киласди. Сўз маъносини аниклаштириш ва фарқлашга оид жадваллар билимларни фаоллаштириш, фикрлаш жараёнида янгича тасаввурларни шакллантириш, ўзаро боғлик билимларни жамлаш, шунингдек, маълумотларни тоифалаши нуқтаи назаридан ҳам самаралидир. Масалан:

№	Сўз	Қайси тилдан олинганди	Англатадиган маъноси	
			ўз маъносида	күчма маънода
	Заррин	форсча	Зар кўшиб ишланган, зар кўшиб ясалган.	Олтиндай товланувчи, олтинранг; сарик, сарғиш .
	Бардош	форсча	1. Чидам, сабр, тоқат, дош берни қуввати. Бардош бермоқ (ёки килмок), кийин ҳолатларга чидамок, сабр-тоқат килмок; кўтара олмок. 2. Ирова, қатъият .	

д) ахборотларнинг қандай кўринишда тақдим этилишини белгилаш (сўз бораётган воқеа-ҳодиса ёки нарса-предметнинг видеотасвири, матн мазмунига оид фильмлардан мос лавҳа намойиш этиш, бирор тарихий шахс, йил фасллари, мева-сабза-вотларнинг мультимедиа иловаларини тақдим этиш ва бошк.).

Баён ёзишга тайёргарлик чогида адабий тилдаги айрим сўзларнинг қўлланилиш доирасини кенгайтириш, ёзма нутқда такрорларга йўл кўймаслик мақсадида уларни маънодошларига алмаштириш мумкинлиги ўқувчиларга турли усусларда етказилиши зарур. Бу эса ўқувчининг адабий тил коидаларини ўзлаштиришлари ҳамда нутқининг бойишини таъминлайди. Жумладан, сўз маъноларини таққослаш ва шарҳлаш; сўзларни кузатиш орқали уларнинг имлоси, маъноси ва талаффузини ўргатиш; сўзларни белгиларига кўра гурухлаш усуслари луғат устида ишлашнинг самарадорлигини таъминлайди.

Кўчма маънодаги сўзлар, иборалар, паронимлар ёки шаклдош сўзлар имлоси, маъноси ва талаффузини изоҳлашда таққослаш ва шарҳлаш усули қўл келади. Хусусан, 326-машқ шартида дастлаб “Шеърни ифодали ўқинг. Унинг қайси диёр ҳакида эканини айтинг. Шеърни ёддан ёзинг” топшириғи ва матн берилган:

Бунда булбул китоб ўқыйди.

Бунда қуртлар ипак тўқыйди.

Бунда ари келтиради бол.

Бунда күшлар топади иқбол.

Бунда қорнинг тагларида киш

Бахор учун сўйлайди олқиши.

Матн якунида “Ўқийди, келтиради, топади, сўйлайди сўзлари қандай маънода қўлланган?

Таккосланг: ўкувчи ўқийди – булбул ўқийди.

Сўзлар гапда қандай маъноларда қўлланган?”. (134–135-б.) тарзидағи топширик айрим инсонларга хос характер хусусиятлари муайян жонзот, нарса-предмет ёки ўсимликлар хатти-харакатларига кўчирилиши сабаблари юзасидан ўкувчиларнинг тизимли фикрлаш, солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Сўз имлоси, маъноси ва талаффузини ўргатишда кузатиш усули ўкувчиларнинг ундаги маъно нозикларини англашларига, маънодаги фарқни ажратади билишларига, грамматик билимларини чукурлаштиришга, шунингдек, тил захираси мунтазам равишда янги сўзлар ҳисобига ортиб боришини тушунишларига замин яратади. Жумладан:

Сўз	Асос	Сўз ясовчи қўшимча	Сўзларни ўзаро боғловчи қўшимча	Асосдош сўзлар	Мисоллар
Зар- гар- нинг	Зар	- гар	- нинг	зарли, зарсиз, зардўз, зарбоф, зарокил, зардовор, зархал, зарварақ	Ўз маъносида: Заргарнинг маҳорати у ясаган буюмларда мужассам. Кўчма маънода: Ҳазрат Алишер Навоий сўз заргаридир.

Гурухлаш усули сўз маъноси, сўз туркуми, сўз имлоси ва сўз уяси кабиларни ажратиш, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлай билишга имкон яратади. Матнда иштирок этган бирор сўз туркумини белгилаб, унга маънодош сўзлар рўйхатини тузиш ёки уларга оид хусусиятларни гурухлаш шулар жумласидандир. Аҳамият берилса, дарслидаги 55-машқ шартидан кўзланган мақсад ҳам шу каби жиҳатларни ўзида мужассам этган: “Ўқинг. Матн мазмунини сўзлаб беринг. Матнни ўқиб, қандай хуносага келдингиз?”

Куёш – ўзидан нур, ёруғлик ва иссиқлик таратадиган жисм. Агар офтоб ёруғлик ва иссиқлик таратмаса, одамлар қоронғида адашиб, музлаб қолиши мумкин... (24-б.).

Ажратилган сўзларга маънодош ва зид маъноли сўзлар топинг ва уларни гурухлаb ёзинг”.

Топширикни бажаришда маънодош ва зид маъноли сўзларга оид назарий тушунчалар эсга олинниб, сўзлар катори муайян изчилиқда шакллантирилади: Маънодош сўзлар:

- 1) қуёш, офтоб, кун;
  - 2) ёргулик, равшанлик, нур, ёғду, нурафшон, чарагон;
  - 3) одамлар, кишилар, инсонлар, башпариат.
- Зид маъноли сўзлар:
- 1) ёргулик – қоронгилек, зимистон, зулмат;
  - 2) иссиклик – совуқлик.

Таққослаш усули 61-машқдаги “Матндан қайси сўзларни бир сўз билан умумлаштириш мумкин? Матда тасвирланган бозор билан хозирги бозорларни таққосланг. Ҳозирги бозорларни тасвирлаб ёзинг” топшириғида ҳам учрайди. Бундай мазмундаги топшириқлар мавзуни ҳаёт билан боғлаш, фикрни тизимлаштириш, сўзларни гурухлаштириш, таснифлашга ўргатиши билан аҳамият касб этади.

“Телпакчилар, маҳсидўзлар, ковуш, гарч-гурч туфли сотувчилик ўзи бир дунё. Сандинкозлар, кутидорлар, бешикчилар яна бир дунё. Дўппи, жияк, қийқ бозори.

Бир томонда қовун бозори. Ҳандалак, окуруғ, кизилуруғ, чўтири, ананас, босвонди, киркма, бўрикалла, кўкча, оқпалак, эҳ-хе... (26-б.).

Демак, таққослаш характеридаги машқларнинг берилишида ҳар бир хатбошидаги гаплар мазмунидан уларни маълум ном остида умумлаштириш ва бирлаштиришга оид билим ва кўнкимларни шакллантириш мақсади кўзга тутилган.

Шунингдек, “Сехрли кутича” дидактик ўйинини ташкил этиш орқали ҳам ўқувчи матндан маъносини тушунишда кийналадиган сўзлар устида ишлаш мумкин. Ўйин ўқувчиларга ўзлари ўқиётган бадиий асардаги маъноси нотаниш сўзларни варақчаларга ёзип, синфдаги маҳсус ясалган кутичага солишлари; муайян вакт оралигига ҳар бир ўқувчи кутичадаги сўзлар билан танишиб боришлари; ихтиёрий тарзда турли манбалардан ўша сўзларнинг маъносини топишга уринишлари; маълум вактдан сўнг шу сўзлар имлоси, англатадиган маъноси юзасидан ўқитувчининг “Изоҳлаш дақиқалари” тарзida уюштирилади.

Адабиётлар:

1. Matchonov S. va boshq. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent: ..., 2021. – 176-b.
2. Бакиева Х.С. Бошлангич синф ўқувчиларида мустакил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириши методикаси. Пед. фан. док. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2020. – 11-б.
3. Мельникова Е. Психологические сопровождение развития творческого воображения в условиях современного обучения. Автореф. дисс. канд. псих. наук. – Алмати, 2011. – С. 14.
4. Икромова Р. ва бoshq. Ona tili. Umumiy o'tta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. – Toshkent: "O'qituvchi" NMU, 2020. – 85-b. (кейинги миссолар ҳам шу манбадан олингани учун саҳифаси кавс ичидаги кўрасатлари).
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З ҳарфи. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi). – 138-б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Б ҳарфи. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi). – 38-б.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур макола бошлангич таълимда ўқувчиларнинг боғланиши нуткини ўстириш, она тили ва ўқиши дарсларида баён ўтказишга кўйиладиган талаблар, хусусан, сўз маънолари устида ишлаш, режа тузиш, оғзаки ва ёзма қайта хикоялашни ташкил этиши масалаларига багишланган. Шунингдек, мультимедия воситаларининг баён ўтказишдаги аҳамиятига ҳам ўрин берилган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящена развитию связной речи учащихся в начальном образовании, требованиям к повествованию на родном языке и урокам чтения, в частности, работе над значениями слов, планированию, организации устного и письменного пересказа. Также подчеркивается важность мультимедия в повествовании.

The article is devoted to the development of coherent speech of students in primary education, the requirements for storytelling in the native language and reading lessons, in particular, working on the meanings of words, planning, organizing oral and written retelling. The importance of multimedia in storytelling is also highlighted.



## ИНТЕРАКТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ ДОШКОЛЬНИКОВ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

*Марасулова Д.Н.  
соискатель, ТГПУ имени Низами*

**Таянч сүзлар:** интерактив технология, мактабгача ёшдаги болалар, мактабгача таълим, инглис тили, ўқитиши, ривожлантирувчи ўйин, мантыйк ўйин, ўқув ўйини, ижодий.

**Ключевые слова:** интерактивные технологии, дошкольники, дошкольное образование, английский язык, обучение, развивающая игра, логическая игра, развивающая игра, креатив.

**Key words:** interactive technologies, preschoolers, preschool education, English, learning, educational games, logic games, educational games, creativity.

Дошкольное образование на современном этапе требует поиск новых путей для повышения качества образования дошкольников. В настоящее время отмечается значительный подъем интереса к обучению иностранным языкам в дошкольном возрасте, что во многом объясняется инновационными процессами, происходящими в экономической, социальной и внешнеполитической деятельности нашего государства.

Дошкольный возраст особенно благоприятен для начала изучения иностранного языка, дети этого возраста отличаются особой чуткостью к языковым явлениям. Организованная образовательная деятельность по английскому языку с использованием интерактивного обучения отличаются разнообразием, повышенным интересом дошкольников к английскому языку, эффективностью.

В образовательной деятельности по английскому языку используются различные формы информационно-коммуникативных технологий (ИКТ): использование ресурсов сети интернет; использование готовых электронных продуктов; использование мультимедийных презентаций; использование ИКТ в сочетании с методом проектов. Применение компьютерных технологий способствует ускорению процесса обучения, роста интереса дошкольников к иностранному языку, улучшают качество усвоения материала. Таким образом, компьютеры, телевизоры, интерактивные доски в настоящее время считаются вспомогательными средствами в обучении дошкольников английскому языку.

Интерактивное обучение – это специальная форма организации познавательной деятельности. Она подразумевает конкретные и прогнозируемые цели. Одна из таких целей состоит в создании комфортных условий обучения, при которых обучающий чувствует свою успешность, свою интеллектуальную состоятельность, что делает продуктивным сам процесс обучения. Интерактивное обучение означает взаимодействие педагога и обучаемых. Следует отметить, что роль преподавателя второстепенна при таком общении. Главной функцией педагога становится контроль

над процессом обучения [5].

Выяснив суть термина «интерактивное обучение», необходимо охарактеризовать те методы и приемы, посредством которых интерактивное обучение реализуется на учебных занятиях по иностранному языку.

Интерактивный метод обучения – это длительный способ взаимодействия между преподавателем и обучаемыми, в результате которого происходит передача и усвоение знаний, умений и навыков, предусмотренных содержанием обучения с помощью взаимодействия обучаемых друг с другом и преподавателем, находясь в режиме беседы, диалога с одним из объектов процесса обучения [2,167]. Под интерактивным приемом понимается кратковременное взаимодействие между преподавателем и обучающимися, направленное на передачу и усвоение конкретного знания, умения, навыка [2, 125]. Метод включает в себя несколько приемов. Прием – это составная часть метода.

Выделим основные цели обучения иностранному языку дошкольников. С точки зрения И.Л. Шолпо главными целями в обучении дошкольников иностранному языку являются: формирование у детей первичных навыков общения на иностранном языке; умения пользоваться иностранным языком для достижения своих целей, выражения мыслей и чувств в реально возникающих ситуациях общения; создание положительной установки на дальнейшее изучение иностранных языков; пробуждение интереса к жизни и культуре других стран; воспитание активно-творческого и эмоционально-эстетического отношения к слову [5, 67].

Таким образом, учитывая выше изложенное в дошкольном возрасте на занятиях по ИЯ необходимо использовать интерактивные методы и приемы обучения для более эффективного и качественного обучения, в частности игры, которые относятся к методам и приемам интерактивных технологий.

В детском саду изучение иностранного языка – это не учеба, а любимая игра. Игра – это главный мотивационный двигатель ребёнка, тот методический инструмент, который обеспечивает готовность к общению на иностранном языке. Обучение языку в игровой форме даёт возможность проявить себя каждому ребёнку, потому что находчивость и сообразительность помогают преодолеть трудности в усвоении нового материала [3].

Большую помочь педагогам при обучении дошкольников английскому языку оказывают интерактивны игры. Интерактивные игры – отличный помощник в образовательном процессе ребенка, они вызывают у детей: познавательный интерес; способствуют снятию напряжения, утомления; могут служить средствами развития речи; развивают мелкую моторику, память и внимание, понятия формы, цвета и величины, воображение и творческие способности, элементы наглядно-образного мышления, работоспособность дошкольников.

Преимущество интерактивных игр в том, что их можно использовать на любом этапе в организованной образовательной деятельности, как при изучении нового материала, так и при повторении и закреплении материала, расширяя возможности педагога в выборе материалов и форм обучения английскому языку, делая занятия яркими и увлекательными, эмоционально насыщенными. Интерактивные игры при обучении английскому языку помогают:

формировать правильное произношение, развивать звуковую культуру речи, активный словарь у дошкольников;

• развивать фонетическое восприятия (звуки, ударение, ритм, интонация), лексический словарь, грамматический строй речи, связную речь (диалогическую и монологическую), элементарные коммуникативные навыки общения на английском языке.

Существует несколько видов интерактивных игр для дошкольников:

- развивающие игры — направлены на развитие познавательных способностей, эмоционального и нравственного развития, развития воображения. В них нет четко выделенны дидактические задачи — они являются инструментами для творчества, самовыражения ребенка;
- обучающие игры — ребенку предлагается в игровой форме решить ту или иную дидактическую задачу. Сюда относятся игры по обучению иностранному языку, на формирование у детей элементарных математических представлений;
- логические игры — направлены на развитие логического мышления ребенка дошкольника. К таким играм относятся головоломки с одной или несколькими задачами, которые должен решить ребенок.

Применяя интерактивные игры в организованной образовательной деятельности по английскому языку, повышается мотивация у детей к обучению, дети учатся новым формам сотрудничества, формируется рефлексия ребенка, оценка своих достижений [5].

Чтобы интерактивное обучение дошкольников не причинило вреда для здоровья необходимо соблюдать все гигиенические нормы при взаимодействии ребенка с компьютером, телевизором, интерактивной доской, осуществлять содержательный отбор игр и систематично проводить физкультминутки и гимнастику для глаз. Всё это делает занятие на английском языке с дошкольниками ярким, насыщенным, повышает интерес детей к изучению английского языка.

Немаловажную роль приобретает численность сформированности групп дошкольников для участия в играх. Рекомендуется формировать группы не менее чем из пяти и не более чем из десяти человек, так как общая беседа, организованная совместная деятельность возможны в группе, состоящей не более чем из 10 человек. Занятие строится на коммуникации детей друг с другом и с преподавателем. При этом не допускается использование родного языка, общение идет исключительно на английском языке. Занятия проводятся: ежедневно по 15-25 минут – в зависимости от возраста воспитанников, в неделю по 25-45 минут с перерывами для подвижных игр и временем для творческих занятий, связанных тематически с уроком.

Таким образом, применение интерактивных технологий в образовательном процессе дошкольного образования наравне с традиционными методами обучения повышает эффективность образования и воспитания детей, усиливает уровень понимания информации, развивает творческие способности детей.

Литература:

1. Аркин Е. А. Ребенок в дошкольные годы. / Е.А. Аркин. – М., 1968. – 234 с.
2. Борытко Н.М. Теория обучения./ Н.М. Борытко. – Волгоград: ВГПУ, 2006. – 310 с.

3. Воронин А.С. Словарь терминов по общей и социальной педагогике. / А.С. Воронин. – Екатеринбург: ЕГПУ, 2006. – 324 с.
4. Выготский Л.С. Игра и ее роль в психическом развитии ребенка/ Л.С. Выготский // Вопросы психологии. – №6 – СПб. 1966. – 62-76 с.
5. Шолпо И.Л. Как научить дошкольника говорить по-английски // И.Л. Шолпо: Учебное пособие по методике преподавания английского языка для педагогических вузов, колледжей и училищ по специальному «Преподаватель иностранного языка в детском саду». – СПб. 1999. – 235 с.
6. Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды/ Д.Б. Эльконин – М., 1989. – 342 с. Земченкова Т.В. Английский для дошкольников. – М.: ВАКО, 2008. - (Дошкольники: учим, развиваем, воспитываем).
7. Виноградова Н.А., Микляева Н.В. Интерактивная предметно-развивающая и игровая среда детского сада. — М.: Изд-во «Перспектива», 2011.
8. Кларин М.В. Интерактивное обучение — инструмент освоения нового опыта / М.В. Кларин. – Педагогика, 2000. – №7. – С. 21-28.

## РЕЗЮМЕ

Maqolada maktabgacha yoshdagι bolalarga ingliz tilini o'rgatishda interaktiv texnologiyalardan foydalanish haqida so'z boradi. Maktabgacha yoshdagι bolalarini o'qitish maqsadlarini samarali amalga oshirishni ta'minlaydigan texnologiyalar qatorida o'quv jarayonini tezlashtirishga, maktabgacha yoshdagι bolalarning chet tiliga qiziqishini oshirishga va ta'lim sifatini oshirishga yordam beradigan axborot-kommunikatsiya texnologiyalar materialidan foydalanishni alohida ta'kidlash mumkin.

## РЕЗЮМЕ

В статье говорится об использовании интерактивных технологий при обучении дошкольников английскому языку. Среди технологий, которые обеспечивают эффективную реализацию целей обучения дошкольников можно выделить применение информационно-коммуникативных технологий, способствующих ускорению процесса обучения, росту интереса дошкольников к иностранному языку, улучшению качества освоения материала.

## SUMMARY

The article talks about the use of interactive technologies in teaching English to preschoolers. Among the technologies that ensure the effective implementation of the goals of teaching preschoolers, one can single out the use of information and communication technologies that help accelerate the learning process, increase the interest of preschoolers in a foreign language, and improve the quality of learning the material.





## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

### АХОЛИ САЛОМАТЛИГИ – ЙОРТ БОЙЛИГИ

*Турсуналиев И.*

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий – методик таъминлаш, қайта тайёrlаши ва малакасини ошириши Маркази директори, доцент, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт аълочиси

**Таянч сўзлар:** саломатлик, оммавий спорт, соғлом турмуш тарзи, спорт дақиқаси юриш, югуриш, мини – футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout».

**Ключевые слова:** здоровье, массовый спорт, здоровый образ жизни, спортивная минутная ходьба, бег, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол «Workout».

**Key words:** health, mass sports, healthy lifestyle, sports minute walking, running, mini-football, cycling, badminton, streetball «Workout».

Ўзбекистонда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсатининг энг муҳим ўйналишларидан бири сифатида белгиланган. Лекин бугунги кунда ахолимизнинг аксарияти (50 фоиздан ортиғи) ортиқча вазнга эга эканлиги, кейинги вақтда иммунитет танқислиги, ошқозон ости бези, юрак хуружи ва турли онкологик касалликларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ҳамда нодавлат ташкилотларида жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Доимий равишда ахолининг турли ёш гурухларининг спорт фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш, спорт мусобақаларида иштирок этиш, спорт соҳасидаги хизматларнинг мавжудлиги ва сифатидан қониқишига қаратилган маҳсус тадқиқотлар етарлича олиб борилмаяти.

Мамлакатимиз минтақалари бўйлаб спорт соҳаси ривожи йўлидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, ахолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғликни сақлаш, соғлом овқатланиш ва бошқаларни ўз ичига олган соғлом миллат ривожланишининг муҳим йўналиши борасида тармоклар ва идоралараро ҳамкорликнинг самарали механизmlари, шунингдек, манфаатдор ташкилотлар, ҳудудий хокимликлар, нодавлат секторларнинг ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш тизими етарлича йўлга қўйилмаган эди.

Бу борада жуда катта қадамлар ташланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йил мамлакатимизда “Ёшлиларни кўллаб-куvvatлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” – деб эълон қилинди.

Мурожаатномада “...Жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда мухим омилдир... Шунингдек, барча туман марказлари ва шаҳарларда маҳсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади....”- деб таъкидланди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортини янада такомиллаштириши ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон фармонлари қабул килиниши аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, ўсib келаётган авлодни жисмонан камол топиши учун шарт-шароитларни яратиш ишлари маҳаллий давлат ҳокимиyати органлари томонидан етарли даражада ташкил қилинишига ва оқибатда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиш истагини билдириган ёшлар кескин ортишига хизмат киласди.

Зеро соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг кенг катламини, айниқса ёшларни заарарли одатлардан асрарни ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан бир қаторда, барча вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари шу жумладан спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) ўргасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш давр талабига айланмоқда. Шу боис ҳам “Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида: “...Хар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа корхона ва нодавлат турдаги барча ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш.”- эътироф этилган.

Фармонда, шунингдек Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида 2021-2022 ўқув йилида, умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фани барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитиши йўлга кўйилиши, 2021 йилда умумтаълим мактабларига 50 та спорт зали курилиши спорт таълим муассасаларига 48 та спорт иншоти курилиши таъкидланган.

Анъанавий таълимда умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралигига (кatta танаффус вактида) «Спорт дақиқаси» жисмоний машқлари амалиётга жорий этилиши ва дарслар бошланишидан олдин эса 2 дақиқа нафас олиш машқлари ўтказилиши инсон саломатлигининг гарови эканлигига эътибор қаратилган.

Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш ва тарғиб қилишида: юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout» (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгиланган.

(Стритбол - баскетболнинг фақат 3 ўйинчи иштирок этадиган тури. «Workout» - аҳоли ва ёшларни маҳалла ва кўча машқларида мушакларини ривожлантириши – фитнеси.)

Маҳаллаларда ахолини барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ишлари доирасида маҳалладаги, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда давлат, нодавлат ташкилотлар қонун устиворлигига амал қилган ҳолда ҳамкорликда жорий этишларида күйидаги тавсиялар таклиф килинади:

Маҳалла - ташаббускор ташкилот сифатида жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий, маънавий, мағкуравий, маданий, экологик, саломатлик, жисмоний тарбия ва оммавий спорт ҳамда бошқа соҳаларга доир манбаатларни қамраб олиб, раис бошчилигида ишчи гурӯҳ аъзолари, фаоллар шу манбаатларни ижрочиси сифатида фаолият кўрсатадилар.

Маҳалла соғлом турмуш тарзини хаётга кенг тагбиқ этиш ва ахолини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг шарт-шароитлар яратиш ишлари доирасида фуқаролар ва ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, хар томонлами жисмоний камол топишига ва соғлом турмуш тарзига эҳтиёжини шакллантириш жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ўтказиши оркали уларнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат.

“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоилига асосланган янги тизимда ахолини барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ишлари бўйича маҳалла раиси, ўринbosарлари ва маслаҳатчи, комиссия аъзолари, мутахассисларнинг вазифаларида кўрсатилмаган.

Маҳалла раиси ҳамкор ташкилотларнинг молиявий имкониятлари ва маҳаллий шарт – шароитлардан келиб чиқиб, тегишли конунлар талабида “Спорт тарғиботчиси” лавозимини жорий этиши, ахолини соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказиб, амалга ошириш самарадорлигини таъминлайди.

“Спорт тарғиботчиси” маҳалла ахолисини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, улар ўртасида жисмоний маданиятни ривожлантириш ишлари доирасида ташкилотлар билан маҳалла раиси, ўринbosарлари бошчилигида маҳалладаги спортчилар оиласи, спорт соҳасида юқори натижаларга эришган (собиқ чемпион) спортчилар ва спорт фахрийларидан жамоатчилик асосида маслаҳатчи ва тренерлар гурухини ташкил этиб фаолият олиб боради.

Ахолининг кенг қатламларини юриш, югуриш, велоспорт, хаваскорлик бадминтони, шахмат – шашка, стол тенниси каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, маданий – маънавий, жисмоний тарбия, спорт тадбирларини амалга ошириш, тинчлик барқарорлиги ҳамда тартиб – қоидаларни мустаҳкамлашда омма куч – ғайратини бунёдкорликка йўналтиради.

Ҳар бир ойлада спортнинг турли ўшдагилар учун энг оммабоп, инвентарлари арzon, маҳсус майдон талаб қилмайдиган хаваскорлик “БАДМИНТОН” тури билан шуғулланишини ташкил этиш ваоилалар, кўчалар ўртасида маҳалла биринчилиги мусобақаларини уюштириш;

Маҳаллада истикомат килувчи спорт соҳасида республика ва ҳалқаро спорт мусобақалари ғолиблари (чемпионлар) “Йўл ҳариталари” та ўзлари ўқиган мактаб ўқувчилари, фуқаролар билан “СПОРТ – ҲАЁТ ТАРЗИ!” мавзусида маънавий – маърифий учрашувлар ўтказиши;

Маҳаллада ўтказиладиган турли байрам тадбирларида умумтаълим мактаб ўқувчилари, спорт таълими муассасалари шугулланувчиларининг спорт соҳалари бўйича кўргазмали чиқишлиарни ташкил қилиш;

Маҳалла идораси (гузари)да стол тенниси ва маҳалла фахрийлари учун шахмат – шашка бўйича мусобакалар ўюштириш;

Маҳалладаги давлат ва нодавлат мактабгача, мактаб, спорт таълими ташкилотларининг спорт заллари веспорт майдончасида ахолининг ёшларига мос миллий харакатли ўйинлар: “Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!”, “Катта ёшдагилар учун аэробика”, “Бошланғич йога машғулотлари”, “Ортиқча вазндан воз кеч!” каби жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ҳамда оиласалар ўргасида ўтказиладиган “Отам, онам ва мен – спорчилар оиласи!” каби спорт мусобакалариниташикли этиши ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш кабилар.

Ахолиси ахилва соғлом бўлган маҳалла –миллий ва умуминсоний қадриятлар бешиги бўлган замонавий ва файзли обод, хавфсиз кўркам қишлоқлар, овулларлар бўлиб, хаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни илм, касб – хунар танлашларида қобилият ва истеъодларини рўёбга чиқариш, оиласалардаги соғлом мухит фуқароларни жисмоний тарбия ва спорт бўйича саломатлигини мустаҳкамлашгамаксадли ёндошув мотивациясини оширади ва салбий, зарарли одатлардан халос этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармони Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарzinи хаётга кенг татбик этиши ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармони Lex.uz

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳамда ахолини оммавий спорт тадбирларига жалб қилиш бўйича ташкил этилаётган тизимли ишлар баён килинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается об особом внимании, уделяемом физической культуре и спорту в нашей стране, а также о проводимой планомерной работе по привлечению населения к массовым спортивным мероприятиям.

#### SUMMARY

The article describes the special attention paid to physical culture and sports in our country, as well as the systematic work being done to attract the population to mass sports events.

---

## KURASH MASHG‘ULOTLARIDA KURASHCHILARNI TAYYORLASHDA MA’NAVİY HAMDAJİSMONİY MADANIYATINITARBIYALASH

*Mirzayev A.M.*

*UzMU, “Taekvando va sport faoliyati” fakulteti, dotsent*

*Ochilova SH.A.*

*AndDU, “Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodika” kafedrasи o’qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** Kurash mashg‘ulotlari, ma’naviy borlik, ahloq ideal, intellektual rivojlangan, yuksak ma’naviyat, salohiyat, qadriyat, yuksak ahloqiy tarbiya.

**Ключевые слова:** тренировка борьбы кураш, духовное воспитание, процесс воспитания, духовный идеал, интеллектуальное развитие, высокое моральное воспитание, гармоничное развитие молодёжи, моральный статус.

**Key word:** moral ideal process of education, intellectual improvement, high moral education, harmoniously developed youth, moral status.

Insonning jismonan, qalban va ruhan salomatligi jamiyat taraqqiyotining asosiy negizini belgilab beradi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kurash” milliy sport turini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qarori 2017-yil 2-oktyabrda qabul qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining mazkur qarorini amalga oshirish “Kurash” milliy sportini butun dunyoda yanada rivojlantirish va ommalashtirish, jamiyatda sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish, yoshlarni vatanparvarlik, milliy g‘urur va Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, o‘sib kelayotgan avlodda mardlik, kuchli iroda, oljanoblik va raqibga hurmat kabi sifatlarni shakllantirishga kuchli turtki bo‘lib xizmat qiladi.

Ma’naviy yetuk inson deganda jismonan baquvvat, irodali, sabrli, g‘alabalar uchun kurashuvchi va intiluvchan insonlarga berilgan ta‘rif sifatida tushunamiz. Ma’naviy barkamollikka berilgan bunday munosabatlardan jismoniy yetuklik ham o‘z o‘rnini egallashi jamiyatimizning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.

Kurashning ko‘pming yillik tarixini chuqur o‘rganish natijasida haqiqatan ham kurash azaldan polvonlarning jismoniy va ma’naviy yetukligi namunasi sifatida sharaf topganligini, qadrlanganligini tasdiqlaydi. Shu bois, polvonlarning jismoniy baquvvatliligi, navqiron qaddi-qomati yoki kurashchanlik, harakatchanlik, chaqqonlik va epchillik jihatlari bir tomonu, ularning keng davrada o‘zlarini qanday tutishi, odobahloqi, ma’naviy qiyofasi, raqibiga muomalasi, jamiyatga, tevarak-atrofga munosabati, vatanparvarligi alohid ao‘rin tutgan.

Kurash shunchaki sport turigina emas, balki insonning jismoniy, ma’naviy kamolotga erishish vositasidir. Ulug‘ ajodolar kurashni tarbiya maktabi deb atashgan. Ushbu mifik tarbiyalanuvchilarini, maydon ko‘rganlarni esa qo‘yidagicha ta‘riflaganlar:

- Polvonlar qasam ichmaydilar, lekin hech qachon o‘z yurtlariga xiyonat qilmaydilar.
- Polvonlar harom-harish, zinodan, makrdan, giyohvandlikdan nari yuradilar, bunday illatlarga qarshi kurashadilar.
- Polvonlar irodali odamlar, o‘z maqsadi sari intiladigan, kim nima desa ergashib ketavermaydilar.
- Polvonlar zaiflar va nochorlarni himoya qiladilar, halol g‘alabasiga berilgan sovrinning bir ulushini muhtojlarga tarqatadilar.
- Polvonlar oljanoblik, insoniylik, raqibiga nisbatan chuqur hurmat tuyg‘ulari bilan boshqalardan ajralib turadi.
- Polvonlar o‘z qat‘iy fikriga ega bo‘ladi.
- Kurashchilarga berilgan yuqoridagi ta‘riflarda asrlar davomida shakillangan kurash falsafasi mujassamlashganini ko‘rish mumkin.Ular quyidagilar:
- Mustaqil dunyoqarash va erkin tafakkurni shakllantirish;
- hurfikrli, mutelik va jur‘atsizlikdan xoli bo‘lgan, o‘z bilimi va kuchiga ishonib yashaydigan qat‘iyatlari insonni tarbiyalash;

- odamlar, ayniqsa, yoshlarning irodasini baquvvat qilish, iymoni-e'tiqodini mustahkamlashga xizmat qiladigan ma'naviy muhit yaratish;
- inson tafakkurida o'zlikni anglash, muqaddas qadriyatlarni asrab-avaylash, mehr-oqibat kabi fazilatlarni yuksaltirish.

Ishonch bilan shuni aytish mumkinki, irodani toblaydigan, kishini halollik sari intilishga undaydigan, qiyinchiliklarni bardosh va chidam bilan yengib o'tishga o'rgatadigan, inson qalbida g'alabaga ishonch, g'urur va iftixor tuyg'ularini shakllantirishga xizmat qiladigan kurash shiddatkor hayot talablariga javob bera oldigan shaxslarga, bunyodkor yoshlarning barkamol bo'lishida o'zining benazir hissasini qo'shadi. Zero, polvonlikni yuqori natijalarga erishishida katta ahamiyat kasb etadi.

Kurash turli millatlarni bir-biriga yaqinlashtiruvchi, birlashtiruvchi, yaxshi yo'lgan ergashtiruvchi ham ma'naviy, ham jismoniy sog'lomlashtiruvchi kuchdir. Bu esa shubhasiz hammamizning yutug'imizdir.

Kurashning shunchaki sport turigina emas, balki insonning u orqali jamiyatning nafaqat jismoniy, ma'naviy kamolotga erishishida ham salmoqli omil ekanligini inobatga olib, ulug' bobokalonlarimiz uni tarbiya maktabi deb ataganliklarini yuqorida qayd etgan edik.

Kurash bilan shug'ullanuvchi har bir talaba-yosharimiz o'z hayoti va amaliy faoliyatini muayyan ilmiy, ma'naviy-ma'rifiy odob tamoyillari asosida qurmog'i, ularga qat'yan amal etmog'i kerak bo'ladi. Boshqacha aytganda, kurashchilar – polvonlar bahsi, olishuvning o'zi shakllangan, mantiqiyizchillik, qat'iy ilmiy tizimga asoslangan, an'analar shakiliga kirgan, ahloqiy- odobiy sifatlarni o'zida mujassam etgan muayyan qonun- qoidalar va me'yoriy normalarni taqozo etadi.

Modomiki, kurash, kurashchilar – polvonlardan javonmardlik, jasurlik, qat'iylik, halollik, to'g'rilik, mardlik, va poklik singari yuksak fazilatlarni namoyon etishni talab etar ekan, bu o'z navbatida ularning zimmasiga katta mas'uliyat hissini ham yuklaydi. Zero, boshqalarga ibrat- namuna ko'rsatadigan bu toifaga mansub kishilar avvalo o'z shaxsini jismonan va ruhan takomillashtirib, yetuklik va komillik sari doimiy harakatlanib borishlari zarur bo'ladi.

Kurashchilar ma'naviyatida ham boshqasohalardagi kabi o'z-o'zini anglash, bilimdonlik, qalbi tozalik, saxiylik, samimiylik, xayriyohlik, iymonlilik, halollik, e'tiqodlilik, diyonatlilik, poklik, mehr-shafqatlilik, vijdonlilik, rostgo'ylik,adolatparvarlik, ota-onagahurmat, oilaga sadoqat, vafodorlik, to'g'rilik va boshqalar, millatning vakili sifatida o'zini anglash, milliyg'urur, millatparvarlik, vatanparvarlik, millattadiriganisb atanmas'uliyatni, milliy manfaat ustuvorligini his etish, milliytil, milliy tarix, adabiyot, san'at, urf-odatlar, an'analar, qadriyatlar, davlat tizimiga hurmat, qonunlarga hurmat va itoatkorlik, vazminlik, o'z kasbining mohir ustasi bo'lish, mamlakat ichki va tashqi faoliyatidan xabardor bo'lish va uni qo'llab-quvvatlash, mamlakat ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy hayotida faollik kabi tushunchalar, fazilatlar, millatlar, davlatlar, halqlartarixi, madaniyat, sport turlarining rivojlanishi va jismoniy madaniyatining milliy, an'anaviy madaniyatning rivojlanishdagi o'rniga alohida e'tibor beriladi.

Xulosa qilib aytganda kurash mashg'ulotlari jaryonida talaba-yoshlarni ma'naviy va jismoniy barkamoliligi, insonning dunyoqarashi, e'tiqodi, ruhiyat, xulq- atvori, ahloq – odobi bilan bevosita aloqadorligi bilan ajralib turadi. Ma'naviy va jismoniy barkamol

talaba-yoshlar xalq taqdiri va farovonligi, Vatan taqdiri va uning ravnaqini o'ylaydilar. Boshqacha aytganda ma'naviy barkamol insonlarga buyuk kelajakni yarata oladilar. Jismoniy yetuk insondagi ma'naviyat atrofdagi insonlarning e'tiborida bo'lish bilan bir qatorda, yoshlarimiz tomonidan ham doimiy kuzatib boriladi va bunday ma'naviyatni ular o'z turmush tarzlariga aylantirib olishlari mumkin. Agar jismoniy tarbiyava sport bilan shug'ullanuvchi insonlarning ma'naviyati milliy ma'naviyatimizdagagi oliyanoblik, mehribonlik tuyg'ularini olgan bo'lsa, ularning yo'llarini davom ettiruvchi yoshlarda ham bu tuyg'ular shakllanib boradi. Jismoniy barkamollikka erishgan insonlar qanday yoshda bo'lishidan qat'iy nazar, jamiyatdagi har qanday keraksiz, yot, jirkanch illatlardan uzoq bo'la olish holatini o'zlarida shakllantirgan bo'ladilar. Kurashchilar o'zlaridagi har bir harakatini nazarat ostiga olish hissiyotini o'zlarida tarbiyalab boradilar, bu esa bunday insonlarga musobaqlarda yaxshi natija ko'rsatish imkoniyatini beradi. Kurash bilan shug'ullanuvchi yoshlarimizning ma'naviyatini o'rganishda oila, murabbiylar, atrofdagi do'stlarining ma'naviyatini o'rganish orqali olib borishga to'g'ri keladi. Shuning uchun ham ma'naviy barkamol insonni, sog'lom avlodni tarbiyalash muhim va dolzarb masala bo'lib qolaveradi.

Adabiyotlar:

1. Atoev A.Q. Kurash o'smir va yoshlarni kurashiga o'rgatishning vositalari. - T., 1987. 15-b.
2. Atoev A.Q. O'quvchi yoshlarni o'zbek kurashiga o'rgatish uslubiyati. - T., 2005. 56-b.
3. Kerimov A.F. Kurash tushmanan. - T., 1990. - 110 b.
4. Kerimov A.F. Sport kurashi nazariyasi va usuliyoti. - T., 2001. - 15 b.
5. Yusupov K. Kurash xalqaro qoidalari, texnikasi va taktikasi. - T., 2005. 20-b.
6. Ochilov S. Mustaqillik ma'naviyati va tarbiya asoslari. - T., 1997. - 56 b.
7. Tulenov J. Qadriyatlar falsafasi. - T., 1998. - 24 b.
8. Xo'jamurodov N. Ma'naviyat qadriyatlar va milliy o'zligini anglash. - T., 1991. - 35 b.

#### РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada kurash mashg'ulotlari jarayonida iqtidorli-yoshlarning barkamol inson bo'lib tarbiyalanishida yuksak ma'naviy qadriyatlarining o'rni va roli ko'rsatib berilgan. Yurtimizning bugungi kunida kurash mashg'ulotlari orqali yoshlarning kelajagi barkamol va salohiyatlari avlodni tarbiyalashiga bog'liq bo'lgan hotlatlar yoritilgan.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается нравственное воспитание молодёжи и роль кураша (борьбы) во время тренировок также формирование высокой духовности спортсменов. В современном государстве большое внимание уделяется спортивному воспитанию в особенности национальной борьбе кураш и гармонично развитой молодёжи.

#### SUMMARY

In this article is described the role of the ideal moral mentality of the youth in educating as an intellectual person while training wrestling of sportsmen. In present some cases which are related to educate ideal and intellectual generation are enlightened in our country.



## МУРАББИЙЛИК КАСБ МОХИЯТИ

**Абдуллаев И.Х.**

УзМУ Таэквондо ва спорт фаолияти факультети ўқитувчиси

**Иминова Ф.Б.**

УзМУ Таэквондо ва спорт фаолияти факультети талабаси

**Таянч сўзлар:** мураббийлик, согломтурмуштарзи, кўникма ва малака.

**Ключевые слова:** коучинг, здороый образ жизни, навыки и компетенции.

**Key words:** coaching, healthy life style, skills and qualifications.

Мураббий-үқувчилар учун комиллик тимсоли, дүст, психолог, ўзининг шогирдларига тўғри йўл кўрсата оладиган, спорт билан бола ўргасида турувчи кўприк. Агар муурраббий болани спортга қизиқишини уйғота олмаса бола спортга меҳр кўймаслиги, худди кўприк бўлмаса бир томондан иккинчи йўлга ўта олмай сувга гарк бўлишига ўхшайди.

Муурраббийлар-болалар, ўсмиirlар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун болаларда қизиқиши уйғотувчи, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаб ва ҳартомонлама жисмоний камол топишига, соглом турмуш тарзига эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб борувчи, ўзларининг маҳорат ва касб малакаларини ошириб борувчи, ҳархил таржибалар асосида машгулот жараёнларини мукаммаллаштирувчи шахс саналади. Муурраббийлар болаларнинг қобилятлари ва салоҳиятлари асосида машғулотлар олиб бориб, улардаги техникани кучайтириб ҳалқаро тадбирларда қатнашиши орқали болаларнинг спорт маҳорати ва малакасини оширишга замин яратувчи шахс. Мураббийнинг фаолиятида бошқариш функцияси “мураббий (субъект)-спортчи (объект)- мураббий (объект)” шаклидаги узвий боғланган тизим асосида амалга оширилиши даркор. Ушбу тизимда мураббийнинг касбий-педагогик фаолияти (КПФ) йўналишларда олиб борилиши тавсия этилади.

Муурраббийларнинг олий вазифаси:

- боланинг спортда ҳаракатланиши имкониятларини кенгайтириш ва ҳаракат фаоллигини танқислигини тўлдириш;
- базавий тайёргарлик ва кейинчалик ихтисослашиш учун спортнинг муайян турини танлашга кўмаклашиш;
- спорт маҳоратини такомиллаштириш;
- шахсий имкониятларни намоён этишига кўмаклашиш.

Муурраббий доим шогирдларига спортда камолотга эришишда ва олий спорт маҳоратига эга бўлишига кўмаклашиши даркор. Чунки ҳарбири бола спортга кириб келар экан, шу соҳада маълум даражада камолотга эришишини хоҳлайди. Аммо орамизда шундай муурраббийлар борки, машғулотлар жараённида ўзи иштирок этмай фақат болаларга назарий билим берадиган ёки ўзи мусобақалар учун бўладиган тайёргарлик жараёнларида яхши маҳорат билан машғулотларни олиб бормай, мусобақалarda бўладиган натижаларга фақат шогирдини айборд деб ўйладиган мураббийлар ҳам топилади. Меннинг ўйлашимча, мусобақаларда бўладиган натижалар 60 фоизини мураббийнинг малака маҳорати, 40 фоизи эса боланинг кўнимкасига боғлиқ. Кутимаган натижалар рўй берганда фақатгина боланинг ўзлаштирган кўнимма даражаси пастлигига эмас, балки тренернинг ўргатган техника ва касб маҳорати сабаб бўлади, бола доим мураббий ўргатган кўнимма ва малакалари асосида натижка қиласди. Мураббий дангасалик билан болага бошланғич базани, техникани эътиборсизлик билан ўргатмаслиги даркор, мураббий шогирдларига босим кўрсатмасдан, балки ўргатмоқчи бўлган тактикани қанчалик болага зарурлигини тушунтура олса ҳечқандай муаммоларга дуч келмайди. Бола мураббийнинг малакасига шубҳа билан қарамаслиги, унга тренерининг касб маҳорати

болага қанчалик зарурлигини ва боланинг келажақдаги натижаларига таъсир этишини тушунтира олса, вазият ўз ўзидан яхшиланади. Вакти-вақти билан болани рагбатлантириб туриш мураббийга бўлган хурматни ошишига сабаб бўлади. Яъни ҳар 3-6 ойда аттестация жараёнларида болалар белбоғ учун баҳоланадилар, шу аттестация жараёнларида бола 3 ойичида нима ўрганини мураббий ва ҳакамлар томонидан текширилади. Аммо баъзибир мураббийнинг болалари пумсева қўл ва оёқ техникасини яхши билишмайди, ҳатто буларни ўзлаштиришни ҳам хоҳлашмайди. Улар факат куруги йўналишда мусобақада иштирок этишади, шунинг учун уларда техника яхши ривожланмайди. Аммо шу ҳолни кўриб турган мураббийлар шу вазиятга қўз юмадилар, ҳамда аттестация жараённида ҳам болалар дуч келган ҳатолик ва камчиликлар, аттестация жараёни тутаганидан кейин машгулот жараённида бартараф этилмайди. Болалар ҳам шу аттестация жараёни моддий тарафдан қилингандиги, белбоғ пулга берилишини, ҳамма нарса моддий ресурсларга тақалишини билиб, “барибир белбоғ оламан-ку”, дея бефарқлик асосида хатонинг устига хато қиласидар. Бу эса ачинарли ҳол, менинг назаримда, аттестация кунигача мураббий томонидан болада кўрилган хато ва камчиликлар бартараф этилиши ва ўзига керакли малака ва маҳоратни мураббий томонидан кўнишка тарзida ўзлаштирилиши керак. Аттестация жараённида бирор бир бола талабга жавоб берга олмаса унга белбоғ берилмаслиги керак, бу моддийликка тақалмаслиги балки спортчининг ўз устида кўп ишлаши даркорлигини тушунтириши керак, балки бу ерда спортчининг келажак техник базаси, спортдаги натижаларининг самарадорлигига бориб тақалади. Яна шундай ҳоллар вужудга келмоқда-ки, мураббийлар бошланғич техникани болага яхши ўргатмасдан, боладан мусобақада яхши натижага эга бўлишини кутишлари кулгили ҳолат, бундан эса, боланинг келажагига дарз кетиши вазиятларини келиб чиқмоқда, менинг назаримда нафакат мураббий балки ота она ҳам сабабчи бўлади, яъни ота- она боладан ҳар бир машгулот жараённида қандай комплекс машқлар техникасини ўрганаётганини сўраши, у билан кўпроқ мулоқот қилишлари фойдалидир, мураббий бошланғич базани, техникани янги келган болага қўйинчилик билан бўлса ҳам тўғри ўргатиши, ҳар бир ўтган тренеровка жараённиң қизикарли ўтишини кафолатлаши лозим, бола мураббийдан зерикмаслиги, аксинча шу мураббийнинг тренеровка жараённига қатнашишини хоҳлаши, бола шу спортини хаётининг мазмуни деб ўйлаши керак. Унинг учун мураббийдан катта меҳнат, сабр, изланиш ва билим керак бўлади. Ахир мураббий ўзининг шогирдлари учун комиллик тимсоли ҳисобланади, мураббийнинг ҳаракатига қараб бола интилади, худди күш уясида кўрганидек, машғулотлар жараёни ҳам боланинг иккинчи тарбия уйи ҳисобланади, унда бола тарбияланади, ўзининг жисмоний сифатлари ва руҳий тайёргарлиги нормал ҳолатда шаклланади. У болага ўтилаётган тренеровка жараёнлари болага қанчалик зарурлиги ва унинг келажақдаги натижаларига боғлиқлигини уқтира олса, бола ўзининг фойдаси учун меҳнат қилишни бошлайди, ўзининг ҳатоларини мураббийнинг ёрдамисиз тўғрилай бошлайди. Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгандан кейин спортни ривожлантириш ва уни оммавийлигини ошириш тўғрисида катта ишлар амалга оширилди. Бу борада спорт тараққиётининг бугунги босқичида биз шундай хусусиятларни кўрамизки, улар спортчini тайёрлаш жараённига жиддий таъсир кўрсатади ва мураббий билан

спорчы олдига янгидан-янги мураккаб вазиға ва топшириқларни күядилар бу вазиға ва топшириқларни эса, ўз навбатида, машқ жараёнини ташкил килишнинг энг муносиб шакли ва усулларини излаб топишга мажбур этади. Спорчы ўзига мустақил шахс сифатида мураббийсиз, моддий-техник ва хўжалик таъминоти, илмий методик таъминоти, гурухларсиз мусобакага тайёрлана олмайди. Бугунги кунда спортчиларни ҳартаралфлама жисмоний, аклан, ахлоқий ривожланишига, шунингдек уларда жисмоний, техник, тактиқ, аклий, функционал жиҳатдан тайёрланиши мураббийнинг асосий устувор вазифадир. Мураббий ҳарбир спорчиги учун берадиган юкламаларни спорччи қанчалик чидай олишини аниклашда, юкламаларни меъёрга солишида ва уларнинг оғир енгиллигини, шунингдек, машқ килаётган шахснинг ёшини ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машқ жараёнини режалаштиришда катта ёрдам кўрсатиши керак. Мураббий машгулот жараёнини амалга оширап экан, спорт даргоҳида факат истиқболли болаларни вижданан танлаб олиш, педагогик, ижтимоий, психологик, методик-биологик усуулардан таркиб топган характерлар мажмунининг ташкилий методик тадбирлари тизими бўлиб, спорт мутахассислигига танланған болаларнинг истеъоди ва қобилияти мазкур усуулар ёрдамида аниклаши, уларнинг қайси спортга лаёқати борлигини аниклаши ҳамда ҳарқандай вазиятда мураббий болаларни спортга танларкан, улардаги ижобий омиллар йигиндишига эътибор бериши ва албатта боланинг астойдил иштиёкли, меҳнатга лаёқати ва ўзига хос хислатини ҳисобга олиши шарт. Педагогик техника малакалар, маҳсус спорт бўйича билимларни эгаллаш, педагогик маҳоратини такомиллаштиришга интилиш, ўз қасбига қизиқиши, бурч ҳамда масъулиятни ҳис қилиш асосида оширилиши керак. Мураббийнинг ташкил кўринишида нутқ техникиаси, ҳис-туйғуларини бошқара олиш, мимик ва пантомимик малакалар бир колипда мукаммал олиб борилгандан кўзланган мақсадга албатта эришилади. Бунда сўз, гап оҳанги, караш, имо-ишоралар, кутилмаган педагогик вазиятларда уdda-буронлик, осойишталик билан зиддиятдан чиқиши, воқеликни олдиндан кўра олиш ва адолатли таҳлил қилишга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Бу хусусиятлар мураббийнинг шахсий, индивидуал психик, физиологик фазилатлари асосида таркиб топади. Пантомимик ҳаракатларни бошқаришда ҳам мураббийнинг индивидуал педагогик техникиаси, ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат-саломатлиги ва анатомик-физиологик хусусиятлари мухим аҳамиятга эга.

Мураббий энг аввало тарбиячи сифатида ўзида юкоридаги малакаларни шакллантириши, уларнинг мазмунини чуқур ўзлаштириб, педагогик техникини эгаллашнинг имкониятларидан фойдаланиши керак. Шунда у мураббийлик маҳорат сари этаклайди. Шундай қилиб, ўқитувчининг ташкил кўриниши ҳам педагогик техниканинг мухим хусусиятларидан бири бўлиб-спортчиларга кўриб, ёшлишиб турган нарсаларини эркин фикрлаш орқали, амалда мураббий томонидан ўзлаштирилган кўниумани амалиётда кўллай олиши, шу кўниумма даражасини ривожлантириб, малака ҳолига келиш имкониятини беради.

“Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, кувнок ёки жаҳлдор бўлишни билиши лозим, ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин “-деб ёзган эди таникли педагог А.С. Макаренко.

Юқорида келтирилган фикрлар натижасида ҳозирги кунга келиб бизмураббийлар бола ва унинг келажаги, ватан учун малакали спортчиларни тарбиялаш, уларда юқори малака ва кўйникмаларни юксалтиришга, шу мураббийлик касбининг миллат генофонини соғломлаштиришдаги ва ёшлиарни жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, Ўзбекистон давлатини дунёга танитиш имкониятига сазовор бўлиш, машхур спортчи ва чемпионларни етказиб бериш шарафини қўлга киритиш, шогирдлар хурматига ва халк эътирофига сазовор бўлиши каби устувор вазифаларни бажариш керак.

Адабиётлар:

1. Кадрлар таёrlаш миllий дастури. Тошкент-1999 йил.
2. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – К.: Олимпийская литература, 1997. – 584 с.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур материалда мураббийлик касби ва шу қасбнинг бурчи ва ҳозирги пайтда шу қасб жараённада йўл қўйилётгандан хотолар ва камчиликлар акс эттирилган.

Мураббий ҳар бир спортчи учун берадиган юкламаларни спортчи қанчалик чидай олишини аниглашда, юкламаларни меъёрга солища ва уларнинг оғир енгиллигини, шунингдек, машқ қилаётгандан шахснинг ёшини ва жисмоний ҳусусиятларини хисобга олган холда машқ жараённин режалаштиришда катта ёрдам кўrsatish таҳлили ташкил этиш усуллари ҳусусида сўз юритилади.

#### РЕЗЮМЕ

Этот материал отражает профессию тренера, обязанности этой профессии, а также ошибки и недостатки, которые в настоящее время допускаются в процессе этой профессии.

При определении того, насколько спортсмен может выдержать нагрузки, которые тренер дает каждому спортсмену, в нормировании нагрузок и их легкости, а также большая помощь в планировании процесса упражнений с учетом возраста и физических характеристик человека, выполняющего упражнения, обсуждается в методах организации анализа.

#### SUMMARY

This material reflects the profession of coach and the responsibilities of that profession, as well as the mistakes and shortcomings that are currently being made in the process of this profession.

In determining how much the athlete can withstand the loads that the coach gives to each athlete, in the normalization of loads and their lightness, as well as a great deal of assistance in planning the exercise process, taking into account the age and physical characteristics of the person exercising, is discussed in the methods of organizing the analysis.

---

## YUQORI MALAKALI SPORTCHILARNI TAYYORLASHNING NAZARIY VA METODIK AHAMIYATI

*Muxtarova X.*

*AndDU, “Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi” kafedrasini o‘qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** sportchilar, texnik-taktiktayyorgarlik, umumiy jismoniy tayyorgarli, pedagogik, ijtimoiy – psixologik, tibbiy-biologik nazorat.

**Ключевые слова:** спортсмены, технико-тактическая подготовка, общефизическая подготовка, педагогический, социально-психологический, медико-биологический контроль.

**Key words:** athletes, technical and tactical training, general physical training, pedagogical, socio-psychological, medical and biological control.

Yurtimizda sog‘lom va barkamol avlodni voyaga yetkazish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, millat genofondini asrash, oilada, jamiyatda sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, jismoniy tarbiya darslari sifatini yaxshilash, maktabdan

tashqari ishlarni tashkil qilish va ularning samaradorligini ko‘tarish, sport turlarini rivojlantirish hamda ommaviyligini oshirish, iqtidorli sportchilarни saralash hamda yuqori malakali murabbiylarni tayyorlash bugungi kunda sport amaliyotida dolzab masalalarda nbiridir. Shu jumladan, ma‘lumki, yuqori malakali sportchilarни tayyorlash jarayonini takomillashtirish albatta, jismoniy ish qobiliyatini umumiyligi jismoniy tayyorgarligi va maxsus jismoniy tayyorgarligi vositasida amalga oshirishning maqbul yo‘llarini izlash bilan bog‘liq bo‘ladi.

Bu asosan, sporchilarning alohida individul qobiliyatlarini va zaxiradagi harakat imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beruvchi jismoniy sifatlarni rivojlantirish, sportchilarning umumiyligi jismoniy tayyorgarligi va maxsus tayyorgarligini tarbiyalash va texnik-taktik mahoratlarini shakllantirish, shuningdek, sportchilarning musobaqlardagi samaradorligini oshirish uchun poydevor hisoblanadi.

Respublikamizning yetuk olimlari: R.S.Salamov, F.A.Kerimov, T.S.Uzmanxodjayev, R.D.Xolmuxamedov, R.M.Matkarov, E.I.Qodirovlar sporchilarini tayyorlashda umumiyligi va maxsus jismoniy tayyorgarlik darajasini tarbiyalash hamda texnik-taktik mahoratlarini shakllantirish muhim o‘rin tutishini ta’kidlaganlar.

Yuqori malakali sportchilarini tayyorlashda jismoniy tayyorgarlik bilan yuqori sport natijasiga erishish qiyin, sportchilarda albatta, texnik-tayyorgarlik ham talab qilinadi.

Biroq sport mashg‘ulotlar jarayonlarida yuklamalarni rejallashtirish va nazorat qilish muammolari, yuqori sport natijalariga erishish shu soha mutaxassislari va murabbiylarining diqqat e’tiborida turadi.

Shuning uchun sportchilarini tayyorlash natijalari uning o‘sishiga, o‘quv mashg‘uloti (trenirovka) jarayonida mashqlarni muntazam bajarishga jaib etish hamda mashg‘ulot jarayonida jismoniy vosita va uslublardan turli varinatlarda qo‘llash orqali ijobjiy natijaga erisha oladi.

Sportchilarni hozirgi zamон sharoitlarida tayyorlash jarayonining samarasini ko‘p jihatdan kompleks nazorat usullarini boshqaruv vositasi sifatida qo‘llanishga bog‘liqidir.

Zero kompleks nazorat usullari murabbiy va sportchilar orasidagi qaytuvchi aloqalarni amalga oshirib, ana shu asosda mashg‘ulot ishtiokchilarini tayyorlashda ularning boshqaruv qarorlari darajasini oshirish imkoniyatini yaratadi.

Kompleks nazorat ya’niy – sportchilarning tayyorgarligi, o‘quv mashg‘ulotlari jarayonining mazmuni va musobaqlashuv faoliyatini hartomonlama baholash maqsadida, nazorat turlari, ya’ni bosqichli, joriy va tezkor (operativ) nazorat turlaridan shuningdek, pedagogik, ijtimoiy-psixologik va tibbiy-biologik ko‘rsatkichlardan samarali foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Ularning har biri sportchilarning holatini muayyan turiga muvofiq bo‘ladi:

- bosqichli nazorat- sportchilarning bosqichli holatini, ya’ni uzoq muddatli mashg‘ulotlar samaradorligining oqibatida kelib chiquvchi holatini baholash imkonini beradi. Sportchining bunda holatlari uning bir necha yillar davomidagi uzoq tayyorgarligining (yil, makrotsikl, davr yoki bosqichdagisi) natijasidir;
- joriy nazorat- sportchilarning joriy ahvolini o‘rganishga yo‘naltirilgan bo‘lib, u mashg‘ulotlardagi yuklamalar, tayyorgarliklar yoki musobaqlardagi mikrotsikllar natijasidir;
- tezkor (operativ) nazorat – sportchilarning operativ holatlarini, ya’ni ular

organizmining muayyan mashg'ulotlar va musobaqalar asnosidagi yuklamalarga bo'lgan tez korreaksiyalarini baholashni ko'zda tutadi.

Qo'llaniladigan vosita va usullarga ko'ra nazorat pedagogik, ijtimoiy-psixologik va tibbiy biologik xarakterga ega bo'lishi mumkin:

- pedagogik nazorat jarayonida texnik-taktik va jismoniy tayyorgarlik darajasi, musobaqlarda ishtirok etishning o'ziga xosliklari, sport natijalarining dinamikasi, mashg'ulotlar jarayonining tuzilishi, mazmuni va hokazolar baholanadi;
- ijtimoiy – psixologik nazorat sportchi shaxsiyatini, uning ruhiy holati va tayyorgarligini, mashg'ulotlar va musobaqaqlashuv faoliyatiga xos bo'lgan umumiylik, mikroilqimni, sharoitlar va hokazolarni o'rganish bilan bog'liqdir;
- tibbiy-biologik nazorat sportchining sog'lig'i ahvolini, turli funksional tizimlarning imkoniyatlarini, mashg'ulotlar va musobaqaqlashuv jarayonlarida asosiy yuklamani o'ziga oluvchi alohida organlar va mexanizmlarni baholashni ko'zda tutadi.

Hozirgi kunda sport mashg'ulotlari nazariyasi va uslubiyatida sport amaliyotida kompleks nazoratning barcha turlarini, jismoniy vosita va uslublarini qo'shgan holda, murabbiylar sportchilarga sport mashg'ulotlarida va sport musobaqalarida qo'llab kelsa, ijobjiy natijaga erisha oladi.

Ilmiy-uslubiy adapbiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, musobaqa bellashuvlarida texnik-taktik tayyorgarlik darajasi yuqori bo'lgan sportchi ko'proq jismoniy sifatga ega bo'lgan sportchidan ko'ra yaxshi natija ko'rsatadi.

Avvalambor, o'quv mashg'ulotlari bellashuvlarida berilgan yukamlarni nazorat qilish orqali mahoratga ega sportchining usullarini chirolyi va ko'proq bajarish har doim bellashuv natijalarini yaxshilanishiga olib keladi.

Ikkinchidan texnik-taktik mahoratga yo'naltirilgan o'quv-mashg'ulot jarayonida sportchilarga berilayotgan yuklamalar hajmini nazorat qilish orqali taqsimlash, sportchiga musobaqa faoliyatida yaxshi ishtirok etish imkonini beradi.

Sportchilarning o'quv mashg'ulot jarayonini rejalashtirish nazariy jihatdan, eng avvalo, o'zarobog'liq maqsadlar majmuali amalga oshirilishini nazarda tutuvchi mashq qilish ya'ni y mashg'ulot dasturlari tizimini ishlab chiqish (yaqin, o'rta va uzoq maqsadlarga muvofiq holda shoshilinch (operativ), joriy va ko'p yillik yoki istiqbolli dasturini shakllantirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Tayyorgarlikning asosiy tashkiliy va uslubiy tamoyillariga rioya qilgan holda sportchilarning individual xususiyatlarini maksimal tarzda hisobga olish – malakali sportchilar takomillashuvining muhim omili hisoblanadi.

Sportchilarni musobaqaqlarga tayyorlashda sportchilarning individual, yoshga xos va jinsiy xususiyatlarining nomuvofiq hisobga olinishida namoyon bo'luvchi ko'pyillik sport tayyorgarligidagi mavjud kamchiliklar rejalashtirish va amalga oshirishning ilmiy asoslangan tizimlarini ishlab chiqishga to'sqinlik qiladi hamda bu muammoning turli tomonlarini chucher va tizimli o'rganish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Shu jihatdan bolalar va o'smirlar sport maktablari, ixtisoslashtirilgan bolalar o'smirlar sport maktablari, Oliy sport mahorat maktablari va sport turlari bo'yicha federatsiyalari hamda ta'limga muassasalar (umumiyligda o'rta ta'limga maktablari, akademik litsey, o'rta maxsus, kasb-hunar kollejlari, oliy ta'limga muassasalar)ini darsdan tashqarida o'tkaziladigan sport

mashg‘ulotlarini yanada yaxshi yo‘lga qo‘yish hamda takomillashtirish muhim masala ekanligi e‘tirof etiladi.

Xulosa qilib aytganda, bu esa eng avvalo, yuqori malakali sportchilarini tayyorlashda o‘quv mashg‘ulot jarayonini rejalashtirishga katta ahamiyat qaratish, olimpiya sport turlari bo‘yicha milliy terma jamoalarning asosiy va zaxira tarkibidagi iqtidorli sportchilarini tanlash, sportchi va murabbiylarni moddiy ta‘minotini yaxshilash, respublika va xalqaro musobaqlar da samarali ishtirot etish hamda mamlakatimiz terma jamoalarini tayyorlashda pedagogik-psixologik, tibbiy va texnik-taktik jihatdan tayyorlashning barcha muammolarini hal etishga alohida ahamiyat berish kerak.

#### Adabiyotlar:

1. Саламов Р.С. Спорт машгулотларининг назарий асослари. Ўқув кўлланма. – Т.: ЎзДЖТИ. Нашриёт-матбаа бўлими, 2005. – 288 б.
2. Иванов В.В. Комплексный контроль в подготовке спортсменов. – М.:ФИС, 1987.
